

**Кобо АБЭ**

**ЯШИК-ОДАМ**

**Роман**



## **КЕЧА УЭНО СЛÆКЛАРДАН ТОЗАЛАНДИ. 180 КИШИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ.**

Токионинг Уэно районидаги полиция бошқармаси, ўқотиш қуролини қўйлаш натижасида содир бўлган ваҳшиёна қотиллик тўғрисидаги 109 сонли иши муносабати билан мудофаани кучайтиришини кўзда тутиб, қиши арафасида, йигирма учинчисига ўтар кечаси Уэно боғида, шунингдек, Уэно метро бекати ва вокзал атрофида саёқларни қуршаб олиб қўлга туширди. Уэно боғидаги Токио маданий маркази биносининг орқасида, метро ва бошқа жойларда майдада жиноятлар ҳақидаги қонунни (саёқлик, тақиқланган жойга кириши), кўчада ўзини тутиси қоидаларини (кўчада тақиқланган ҳаракатларни) бузганликда айбланиб, жами 180 киши қамоққа олинди. Барча маҳбуслар мазкур полиция маҳкамасига олиб келинди. Тоби йўқлигини айтган тўрт киши касалхонага, тўққиз киши эса қариялар уйига жойлаширилди. Қолганлари «саёқликка чек қўйши» тўғрисида тилхат берганларидан сўнг, бўшатиб юборилди. Аммо бир соатдан кейин деярли барча саёқлар яна аввалги жойларига қайтиб келдилар.

## **МЕНГА НИМА БЎЛДИ**

Бу яшик-одамлар тўғрисидаги олди-қочди уйдирмалардан иборат кундалик ёзувлар эмас.

Мен буки яшик ичида ўтириб ёза бошладим. Қатлама картондан қилинган, бошга кийганда белгача келадиган яшикда.

Бу гал яшик-одам — менинг ўзим. Шундай қилиб, яшик-одам яшигида ўтирганча яшик-одамлар ҳақидаги кундаликларини ёзишга киришади.

## ЯШИКНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛИ

Керакли нарсалар:

Қатлама картондан қилинган бўш яшик — 1 дона.

Бир парча полиэтилен (хирарогидан) — 50×50 сантиметр.

Елимшак боғич (сув ўтказмайдиганидан) — тахминан 2 газ.

Сим — тахминан 2 газ.

Қаламтарош (ускуна ўринида).

(Бундан ташқари кўчага кўнгилдагидай кийниб чиқиши учун, уч бўлак қалин мато ва бир жуфт резина этик олишини ҳам эсдан чиқармаслик лозим!)

Қатлама картондан қилинган бўш яшикнинг эни ҳам бир газ, кенглиги ҳам бир газ, баландлиги эса бир газу ўттиз сантиметр бўлиши керак — ўшанда у ҳар қандай одамга тўғри келади. Яххиси, одатда «чорқирра» деб аталадиган тайёр, андазадаги бир хил яшикдан фойдаланган маъқул. Авваламбор, бундай яшикни топиш осон. Қолаверса, андазаси бир хил яшиклардан фойдаланишга мўлжалланган аксарият моллар, таомилга кўра, қатъий бир шаклга эга бўлмайди. Масалан, тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари. Одатда бундай озиқ-овқат маҳсулотларига мўлжалланган яшиклар етарли даражада мустаҳкам қилиб ишланади. Учинчидан, бу энди — бош сабаб, андазаси бир хил яшикни бошқаларидан фарқлаш амалда мумкин эмас. Чиндан ҳам, менга шу нарса маълумки, деярли барча яшик-одамлар худди келишиб олгандай, айнан шу «чорқирра»сидан фойдаланадилар. Чамаси, бунга сабаб шуки, агар яшик нимаси биландир бошқалардан ажралиб турса, эгасининг хуфиялиги қадрини тушириб юборади.

Кейинги пайтда қатлама картон яшикларини, ҳатто

энг оддийларини ҳам, ўта чидамли қилиб чиқармоқдалар, сув юқтирмайдиган биримка билан ишлов бермоқдалар; демак, ёғингарчилик маҳаллари инжиқланиб алоҳида мустаҳкам яшик танлаб юришга ҳожат йўқ. Аксинча, оддий яшик шамоллатиш учун қулай, ҳам енгил, ҳам ўнгай. Қимда-ким бир яшикдан узоқ муддат, йилнинг ҳамма фаслларида фойдаланмоқчи бўлса, ундайларга таклифим шуки, «бақа тери» яшигидан топсинлар. Полиэтилен қопланган бу яшик, номи айтиб турганидек, ўзидан унча-мунча сувни ўтказмайди.

Янги нусхадаги яшиклар худди ёғ суртилгандек силлиқ, ялтироқ, чамаси, уларда ўзгармас электр қуввати осонгина тўпланади, шунинг учунми, ҳар қалай, бундай яшиклар чангни ўзига тез тортади, натижада, бошқа яшикларни кига қараганда уларнинг четлари қалинлашиб, нисбатан гадир-буудур бўлиб қолади, бу эса дарров кўзга ташланади.

Мен яшикни тайёрлаш усуулларини эзмаланиб, ба-тафсил баён қилиб бермоқчи эмасман, фақат энг олдин, оёқ томони билан, бош томонини қандай қилиб аниқлаб олиш зарурлигини (ёрлиги қайси томонга ёпиштирилганидан келиб чиқиши ёки яшикнинг бирмунча камроқ уринган томонини боши деб ҳисоблаш ҳам мумкин— умуман, ҳар ким буни ўзича ҳал этади) ва пастки қопқоғини кесиб ташлаш лозимлигини айтмоқчиман, холос. Агар яроқли шахсий ашёлар кўп бўлса, уни кесиб ташламаслик ҳам мумкин, жавон ўрнида фойдаланиш учун ичига қайтариб, четларидан сим ўтказилади ёки елимшак бофич ёрдамида бурчакларга маҳкамлаб қўйилади. Уланган жойларини, яхиси, елимшак бофич ёрдамида маҳкамлаган маъқул (уч чокни «том»га ва ҳар бир ёнга).

Кўриш дарчасини айниқса диққат билан ўйиш лозим. Аввало, дарча ўрнини ва ҳажмини белгилаб олмоқ керак, аммо одамига қараб, дарчанинг ўрни ҳам, ҳажми ҳам ҳар хил бўлади, шундай экан, энг сўнгги хулоса тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган раҳамларни келтириб ўтиш билан кифояланаман. Дарчанинг юқори чети яшик томидан 14 сантиметр пастда, пастки чети — 28 сантиметр қўйида, дарча кенглиги эса — 42 сантиметр ҳажмда бўлиши керак, менимча, худди ана шу ўлчамларни энг қулай, деб ҳисоблаш мумкин. Агар бошга кийилган яшикнинг мустаҳкам туришини таъминлайдиган таянич-қопқоқнинг қалинлиги ҳисобга олинса (мен бошимга битта журнални боғлаб қўяман);

яшик томидан 14 сантиметр қуйидаги чизиқ,— тахминан, қошнинг түғрисида бўлиши керак. Дарча ҳаддан зиёд паст жойлашгандай туюлиши мумкин, аммо гап шундаки, инсон ўз кундалик ҳаётida юқорига камдайкам қарайди. Пастга эса, аксинча, тез-тез қараашга түғри келади, шунинг учун ҳам дарчанинг пастки чети жойлашган ўрин катта аҳамиятга эга. Бор бўйига турган одам жилла бўлмаса ўзидан бир ярим газ олдиндаги ерни кўра олиши керак — акс ҳолда, юриш қийин. Дарчанинг кенглиги масаласига келсак, буни унча асослаб ўтириш шарт эмас. Мен уни шундай ўрнатдимки, натижада яшик кўпга чидайди ва бўлар-бўлмасга ичди шамол изғиб юрмайди. Модомики, яшикнинг таги йўқ экан, дарча кичикроқ бўлиши ҳам мумкин.

Энди — хирароқ полиэтилендан қилинган пардани қандай ўрнатиш хусусида. Бунинг ҳам ўзига хос сири бор. Яхиси, полиэтилен парда, бемалол осилиб туриши учун, ички томондан дарчанинг юқори четига елимшак боғич ёрдамида маҳкамланиши лозим,— бунгача, парда икки бўлакдан иборат бўлиши учун, олдинроқ полиэтиленни узунасига кесиб қўйишни унумаслик керак. Ана шу кичкина бир ҳийла қанчалик катта хизматни ўташини ҳатто тасавур қилиш ҳам қийин. Парданинг ҳар иккала бўлаги ҳам бир хил бўлиши, бири иккинчисига икки-уч миллиметр ўтиб туриши керак. Агар яшик тик ҳолатда бўлса, парда дарча эшиккаси хизматини ҳам бажаради — ичкарига ҳеч кимнинг назари тушмайди. Яшик сал энгаштирилса, парда бўлаклари орасида тирқиш ҳосил бўлади, ундан ташқаридағи воқеаларни бемалол кузатиш мумкин. Оддий, айни пайтда ўта иозик уйғунлик — бир ўқ билан икки қуён урилади,— полиэтилен танлашга алоҳида эътибор бериш нима учун зарурлигига энди тушунгандирсиз? Агар полиэтилен иложи борича қалин ва юмшоқ бўлса, яна ҳам яхши. Ҳарорат пасайинци билан дарров хиралашадиган арzon полиэтилен бир талай иоқулайликларни вужудга келтиради. Юпқа, мўрт полиэтилен эса бундан ҳам яроқсизроқ. Шундай қалин ва юмшоқ полиэтилен толиши керакки, яшикнинг эгилиш бурчагини ўзгартириш ўйли билан тирқиши кенглигини бемалол ўзгартира олиш мумкин бўлсин ва шамол зиғирча ҳам озор етказа олмасин. Полиэтилен тирқиши, аслини олганда яшик-одам учун кўздай гап. Уни тахтадеворда ўғринча қарааш учун қўйилган тешик билан тенглаштириш асло ярамайди. Чунки бу тирқишини сал каттар-

тириш ёки торайтириш йўли билан рўй берадиган воқеага муносабатни яққол ифода этиш мумкин. Шу маънода, бу тирқишин яшик-одам нигоҳининг ўзига хос ифодаси деса ҳам бўлади. Турган гапки, бу «нигоҳ» лоқайд муносабатни ифода этмайди. Бу, кўпроқ ғамгин, таҳдидли нигоҳ бўлади. Муболагасиз айтиш мумкинки, ҳимоясиз яшик-одам учун бундай нигоҳ — ўзини ҳимоя қилишининг камдан-кам воситаларидан биридир. Қани энди кўзи кўзимга тушганда пинагини бузмайдиган одамни бир кўрсам!

Бордию кўпинча тиқилинч кўчаларда туртиниб-суртениб юришга тўғри келинадиган бўлса, у ҳолда яшикнинг ён деворларидан туйнукчалар очилса ҳам зарар қилмайди. Йўғон тегана санчиб очилган туйнукларнинг кегайи 15 сантиметрлик доирани ташкил этиши ва картонга птур етказмаслиги учун бир-биридан яна шунча узоқликда жойлашиши керак. Бу туйнуклар қўшимча кўриш имконини туғдиради, бундан ташқари, товушнинг қайси томондан келаётганини аниқлашга ёрдам беради. Туйнуклар ички томондан тешилса мақсадга мувофиқроқ бўлади, негаки яшик сиртида вужудга келадиган ғадир-будурлар, зоро, яшикнинг ташқи кўриниши бундан ютқазса ҳам, ичкарига ёғин-сочин киришига йўл қўймайди.

Ниҳоят, сим. Сим беш, ўн, ўн беш сантиметрлик кичик-кичик бўлакларга бўлиб кесилади, қарама-қарши томонларнинг учлари эгилиб, илгак қилинади. Лашлушларни ғложи бўрича камайтириш керак, аммо транзистор, коса, термос, чўнтак фонари, сочиқ, ашқалдашқал солинадиган қутича сингари ҳаммавақт қўл остингда туриши лозим бўлган нарсалар борки, уларсиз кун кўриш амримаҳол, ҳар қалай, керакли нарсалар-да.

Резина этик сув билан ҳаводек зарурлигини тушунириб ўтираса ҳам бўлади. Муҳими, бутун бўлсин. Қалин мато, яъни пўта шунинг учун керакки, агар у белга ўралса, бадан билан яшик ўртасидаги бўшлиқ йўқолади, яшик одамнинг эгнига жипсроқ ўрнашади. Агар у белга уч буклаб ўралса ва олд томони кесилиб, чок очилса, юришга халақит бермайди. Табиий ҳожат кезларида ҳам ноқулайлик туғдирмайди.

## A.ГА НИМА БЎЛДИ

Яшик ясаши қийин эмас. Бунинг учун бир соат ҳам вақт кетмайди. Уни кийиш ва яшик-одамга

айланиш учун эса — анча-мунча жасорат лозим. Одам боласи кўримсиз, оддий картон яшикни кийиб кўчага чиқдими, тамом — ўша дақиқадан бошлаб, яшик ҳам, одам ҳам йўқолади, мутлақо янги мавжудот пайдо бўлади. Яшик-одам жиркантириш, нафрат уйғотиш оғуси билан заҳарланган бўлади. Маълум даражада томошахоналар лавҳасида тасвирланган айиқ-эркак ва илон-аёл ҳам ана шундай оғу билан заҳарланган. Аммо томошахонага кириш пулинин тўлаган заҳотингиз бу оғу бир қадар ўз кучини йўқотади. Яшик-одам заҳарланган оғу эса, бунга ўхшаб, безиён эмас.

Чамаси, сен яшик-одам тўғрисидаги мишмишлар қулоғингга етиб келмасидан олдин ҳам яшик-одам бўлиб олган эдинг. Менинг тўғримдаги мишмишларга ҳатто зарурат ҳам йўқ эди. Гап шундаки, мен ягона яшик-одам эмасман. Тўғри, статистика йўқ, аммо мамлакатнинг турли районларида анча-мунча яшик-одамлар яшириниб ётганини исботлайдиган бошқа далиллар бор.

Устига устак, мен ҳали яшик-одам муҳокама мавзун қилиб олинганини эшиганим йўқ. Гўё бутун мамлакат аҳли яшик-одамлар тўғрисида лом-мим демасликка келишиб олгандай.

Шунга қарамасдан, мен кўрдим... .

Кўра туриб, кўрмасликка олиш етар энди. Тўғри, яшик-одамини пайқаш осон эмас. У худди баҳайбат, баланд кўпприклар тагидаги ёки умумий ҳожатхоналар орқасидаги бир уюм ахлатга ўхшайди. Лекин пайқамаслик — кўриш мумкин эмас, деган маънони билдирамайди-да. Яшик-одам у қадар камёб ҳодиса эмас, шунинг учун унга истаганча дуч келиш мумкин. Шубҳасиз, сен ҳам уни кўп марта кўргансан. Бироқ, яхши биламанки, тан олгинг келмайди. Шуниси ҳам борки, уни кўра туриб ўзини кўрмаганга олаётган битта сен эмас. Аслида кўра туриб, кўрмасликка олишдан бирор яширин мақсадинг бўлмаса ҳам, бари бир, ўз-ўзидан, чамаси, ғайриихтиерий равишида ундан кўзингни олиб қочгинг келади. Бу муқаррар! Агар одам ярим кечада кўзойнак тақса ёки юзини ниқоб остига яширса, билки, кўнглида бирор ёмон ўйи бор ёки азбаройи ўзи кўрққанидан шундай қилади — буни бошқача изоҳлаб бўлмайди. Бу, айниқса, ўзини тамомила яшик бандисига айлантирган одамга тааллуқли,— ундан ҳамма шубҳаланади, бироқ ҳеч ким унга эътироуз билдирамайди.

Шунга қарамай, кимнинг яшик-одам бўлгиси келади,

уни бунга нима мажбур этади? Мен айтмоқчи бўлган воқеа ҳақиқатдан йироқ бўлиб туюлиши мумкин. Аммо мутлақо аҳамиятсиз кўринадиган ҳодисалар, кўпдан-кўп сабаблар борки, охир-оқибати худди шунга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Сабаб мутлақо сезил-маслиги, бир қарашда сабаб бўлиб туюлмаслиги ҳам мумкин. Мана, мисол учун, А.га нима бўлганини айтиб берай.

Кунларнинг бирида А.нинг деразаси тагига яшик-одам ўрнашиб олди. А. ундан нигоҳини олиб қочишга қанча тиришмасин, барибир, ҳадеб унга кўзи тушаверди. А. эътибор бермасликка ҳаракат қилди, лекин уддасидан чиқолмади. У даставвал гангид қолди, кўнглига фулғула тушди — негаки, бу одам А.нинг мулкига қонунга хилоф равишда бостириб кирган эди. Аллақандай ёт кимса оромини бузганидан А. ишинг жаҳли чиқди, дилида ғалаён бош кўтарди. Шунга қарамай, яна бир оз кутишга қарор қилди. Чорани А. эмас, ҳар тоңгда ахлат яшикларни бўшатиб кетадиган вайсақи ахлатчи кўрсин! Бироқ А. кута-кута толиқди — чора кўриш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. А. уй бошқарувчисига мурожаат қилса ҳам бўларди-ю, лекин бирор натижга чиқишига кўзи етмади. Балки яшик-одам фақат унинг хонасидангина кўринаётгандир, уни кўрмаётган одамлар бош қотириб ўтиришармиди. Хулласи калом, уни кўрган одам ҳам жон-жон деб ўзини кўрмаганга солади.

Ниҳоят, А. полицияга мурожаат қиладиган бўлди. Полициячи юзинга ҳамдардлик ифодасини қалқитиб, айбланувчи томонидан етказилган зиён тўғрисида ариза ёзив беришни таклиф этганида, А. биринчи марта қўрқувга ўхшаш алланарсани ҳис қилди.

«Менга қаранг, ахир сиз унга, бу ердан жўна, деб қўяқолишингиз мумкин-ку!»

Орқасидан полициячи отиб қолган ана шу аччиқ танбеҳ уни бир қарорга келишга мажбур этди. Полициядан қайтишида, йўл-йўлакай бир ошнасиникига кириб, унинг емилтигини олди. Уйига қайтгач, чекди, ҳовуруни босди, илгари деразадан қўрқа-писа мўралайдиган жойинга энди бемалол кўз ташлади. Буни қарангки, чамаси, бу фирт тасодиф эди, яшик-одам унга худди дарча ўйилган томони билан ўгирилиб турарди. Ораларидаги масофа бор-йўғи уч-тўрт қадам. У худди А.нинг безовталаниб қолганини кўргандек, яшикни бир тарафга сезилар-сезилмас қийшайтирди, дарчани бскитиб

турган ҳира полиэтилен парда бир ёнга сурилиб, яшик ичидан оқиши хира күзлар А.га диккәт билан тикилди. А.нинг миясига қон тенди. Деразаларни ланг очди. Ел-милтиқини ўқлаб, нишонга олди.

Қаерига отиш керак? Бундай яқин масофадан ҳатто кўзни уриш ҳам мумкин. Лекин охири ишкал бўлади. Асли, қайтиб бу ерда қорангни кўрсатма, қабилида огоҳлантириб қўйишнинг ўзи кифоя. Бу одам ҳозир яшик ичидан қайси ҳолатда турган экан? А. унинг гавда ҳолатини кўз олдига келтирдию тепкида таранг қотиб турган бармоғига титроқ кирди. Қуруқ пўписанинг ўзи уни кетишга мажбур эта олса, умуман, отишга ҳожат қолмаса, жуда соз бўлар эди-да. Бир томчи бўлса ҳам қон тўкилишига ҳеч тоқати йўқ. Ишқилиб, тоқатини тоқ қилиб юбориласин. Агар у бунинг қуруқ пўписа эканлигини тушуниб қолган бўлса-чи? Ҳар қалай, энди кеч, чекиниш йўқ. Асаблари қақшаб кетган А. яна бир оз сабр қилмоқчи бўлди. Туриб-туриб, бошқатдан ғазаби қўзиди. Вақт ёгдай қизиб кетган эди — лов этиб ёнди. Тепки босилди. Ҳўл шимга шамсия тегиб кетганда қандай товуш чиқса — олдин милтиқ, кейин яшик худди шундай товуш чиқарди.

Яшик шу заҳоти юқорига сапчиди. Яшикни ташки шикастларга бардошли қилиб ишлашга уринишдан ҳеч фойда йўқ — минг бўлса ҳам картон — картонлигича қолади. Агар босим бутун сатҳига ёйилиб тушса, у ҳар қандай зárбга ҳам чидайди, лекин бир нұқтага тушган зарбга бардош бера олмайди. Демак, қўрғошин ўқ, шубҳасиз, одамнинг баданига қадалган. Аммо А. кутганидек дод-вой ҳам, ихраш ҳам эшилмади. Бир сапчиб, яна тек қотган яшикда даҳшатли даражада сокин, илғаб бўлмас бир ҳаракат сезилар эди. А. гангираб қолди. У дарчанинг ўнгдан юқори ва чапдан қуйи бурчакларини бирлаштириб турган чизиқдан пастроқни, бир неча сантиметр чапроқни мўлжалга олган эди. Ўқ, афтидан, ўнг елкага теккан. Аммо яна бир нарса эҳтимолдан холи эмаски, аъзои баданига титроқ солган номус туфайли ўқ умуман зое кетган бўлиши ҳам мумкин. Йўқ, бу ҳодиса уни қаттиқ ҳаяжонга солди. Миясига даҳшатли бир фикр келди. Ахир, яшик-одам А.га юзини ўғириб ўтирган бўлиши шарт эмас-ку. Шунингдек, гавдасининг қуйи қисми қалин пўта билан ўралгани учун унинг қайси вазиятда турганини аниқлаш ҳам амримаҳол. Ким билади, ўша пайтда у оёқларини чалиштириб ўтирган бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда яна

ҳам мудҳишроқ воқеа рўй берган — ўқ елкани енгилги-на тилиб ўтиб, бўйиндаги жон томирига теккан бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Оғзи қуруқшаб, танглайи тиришди. Ҳушидан кетди. Умид билан навбатдаги ҳаракатни кутди. Қимирлама-япти... йўқ, қимирлади... ростдан ҳам қимирлади. Секунд милидай эмас-у, ҳар қалай, минут милидан тезроқ. Яшик борган сари қийшайиб кетяпти. Наҳотки, шу кетишда йиқилиб тушса? Эзғиланаётган гувала ғичирлаши... Яшик-одам кутилмаганда ўридан турди. Войбў, мунча дароз! Худди ҳўл брезент чодирга нимадир урилганда чиқадиган товуш. Аста-секин бурилади, оҳиста йўталади, керишади. Яшикни тоҳ ӯнгга, тоҳ чапга тебрататебрати йўлга тушади. Гавдаси сал олдинга эгилганга ўхшайди — балки, қўрққанидан энгашиб олгандир. Кета туриб, аллакима деб ғўлдирагандек бўлди, бироқ А. эшитолмади. Ўйни ёқалаб бориб, кўчага чиқди, муюлишда қайрилди-да, кўздан йўқолди.

Яшик-одамнинг юзидағи ифодани кўра олмагани учун А.нинг кўнгли бир оз хижил бўлиб қолди. Балки бу нохушликнинг айбори яшик-одамнинг аянчли аҳволидир. Аммо яшик-одам туриб кетган жойдаги ер А.нинг назарида атрофга қараганда қорамтироқ бўлиб кўринди. Бешта эзилган тамаки қолдиги. Қофоздан тиқин қилинган бўш шиша. Ичиди — иккита ўргимчак. Биттаси, афтидан, ўлик. Шоколаднинг ғижимланган қофози. Худди ўша жойда катталиги бош бармоқ тирноғича келадиган қаторасига учта қора доғ. Наҳотки, қон? Йўқ, сўлак бўлса керак. Худди узр сўраётган одамнинг сохта тиржайшига ўхшайди. Ҳар ҳолда, мақсадига эришди.

Ярим ойдан кейин А. яшик-одамни унута бошлади. Бироқ ҳали ҳам янги одатидан қутулмади: ишга отланаркан, ўзбошимча ғулғулалар дастидан бекатга олиб борадиган энг яқин йўл — тор кўчадан юришини бас қилди; ҳар сафар эрталаб ўридан турганида ёки ишдан қайтганида, энг аввал дераза олдига келиб, ташқарига қарайди. Агар у янги холодильник сотиб олишга қарор қилмаганида, вақти келиб, бу шилқим хаёллардан халос бўлиши турган гап эди...

Музхонаси билан янги, холодильник сотиб олиш — табиий ҳол, албатта, аммо холодильник қатлама картондан қилинган яшикка солинган. Устига устак, бўйи ҳам унинг бўйига қўйиб қўйгандек. Ичидаги буюм олинидию яшик бўшади-қолди. Ана шунда унинг яшик-одам ҳақидаги чўкиб ётган хотиралари юзага қалқиди. Худди

биров қамчи ургандек чирт этган товуш чиқди. Бамисоли икки ҳафталик масофадан емилтиқнинг ўқи қайтиб келгандек бўлди. А. таҳликага тушиб, яшикни улоқтиришга қаттиқ аҳд қилди. Бироқ бунинг ўринига ҳафсалаб билан юз-қўлини юва бошлади, бурнини қоқди, оғзини чайди. Афтидан, қайтиб келган ўқ унинг бош суяқ чаноғига санчилиб киргану ичидагиларни ағдар-тўнтар қилиб юборган эди. А. хавфсираб атрофга аланг-жалаң кўз ташлади-да, дераза пардаларини тушириб, қўрқаписа яшикка кирди.

Яшикнинг ичи қоронғи эди, димогига намхуш сув қайтаргичнинг ёқимли ҳиди урилди. Нима учундир яшикда ўтириш жуда ўнғай эди. Тутқич бермас хотира-ларни, назарингда, мана ҳозир, ҳозир тутиб оладигандайсан. Унда яшик ичидаги бир умр ўтириш истаги туғилди. Бироқ А. гезда эс-ҳушини йиғиб олди — яшикдан чиқди. Яшик унданаги бутун сабр-тоқатни, матонатни суғуриб олаётганини ҳис қилиб, уни парчалаб ташламоқчи бўлди, аммо сал кейинроқ...

Эртасига ишдан қайтган А. оғзининг танобини қочириб, яшикда дарча очди, кейин уни худди ҳалиги яшик одамга ўҳшаб, бошига кийди. Бироқ шу заҳотиёқ яшикни устидан сугуриб улоқтириди — йўқ, бўй майнавозчилик кетмайди. Нима бўлганини ўзи ҳам яхши тушунмади. Аммо юрагининг гупиллаб уриши аллақандай хатардан каромат қиласр эди. Қўпоплик билан, лекин яшикни ишдан чиқармаслик учун, авайлаб, уни хона бурчагига қараб тепиб юборди.

Учинчи кун. А. ўзини бир мунча тутиб олди, яшик ичидаги ўтириб, дарчасидан хонага кўз ташлади. Энди, ўша оқшом уни шунчалик қўрқитиб юборган нарса нима эканлигини ҳеч эслай олмади. У ўзида аллақандай ўзгариш рўй берганини ҳис этди. Бироқ бу ўзгариш уни фақат хурсанд қиласди, холос. Теварак-атрофдаги ғадир будур тиканаклар йўқолгандай, нарсалар гўё сил-силлиқ, дум-думалоқ бўлиб қолгандай туюлди. Деворда одатдаги ва бир қарашда мутлақо беозор доғлар... Тартибсиз сочилиб ётган эски журналлар... буклама антеннали кўчма телевизор... унинг устида гўшт консервасидан бўшаган, оғзигача тамаки қолдиқлари тўлдирилган банка... — у биринчи марта ани шу нарсаларнинг ҳаммаси илгари кўзига пахмоқ тиканаклар бўлиб кўринганини, ўзи ҳам сезмаган ҳолда уларнинг ичидаги мажбуран сиқилиб яшаб келганини пайқади. Афтидан, яшик тўғрисидаги нотўғри фикрдан воз кечиш керак.

Эртаси куни А. яшик кийиб ўтириб, телевизор кўрди. Бешинчи кундан бошлаб, уйда бўлган вақтларида, у деярли яшикдан чиқмади, фақат овқатланиш, ҳожат пайтларидагина уни ечиб қўйди, яна... яшикда ухламади. Иккиланган пайтлари ҳам бўлди, аммо ўзини чалғитадиган туйғуларга эрк бермади. Нимаики қилган бўлса, ҳаммаси ўзига табиий ва ёқимли туолар эди. Ҳатто илгарилари турган-битгани азоб-уқубатдан иборат бўлиб туолган ёлғизлик ҳам энди унга, аксинча, баҳт бўлиб кўринар эди.

Олтинчى кун. Биринчи якшанба. У бирорни кутаётгани йўқ, ўзи ҳам кўчага чиқмоқчи эмас. Эрталабдан яшикка кириб олган. Хотиржам, осойишта, бироқ нимадир етишмаётганга ўхшайди. Куннинг иккинчи ярмида, ниҳоят, у нима етишмаётганини тушунади. Кўчага чиқиб, шоша-пиша харид қиласди: тунги тувак, чўнтақ фонари, термос, сайрга чиққанда олиб юриладиган озиқ-овқат саватчаси, елимшак боғич, сим, кўзгу, етти ранги фломастер; истеъмол учун тайёр ҳар хил озуқалар. Уйга қайтгач, елимшак боғич ва сим ёрдамида яшикни жиҳозлади, қолган харидларини олиб, яшикка бекинди. У ўзини ҳам озиқ-овқат, ҳам ашёлар — хуллас, барча зарур парсалар билан таъминлади. А. яшикнинг ички деворига (юзни дарчага қаратиб турганда, чапга) кўзгуни осди, чўнтақ фонари ёруғида лабларини яшил фломастерда бўяди. Кейин қизилидан бошлаб, камалакнинг етти хил раигида кўзлари атрофига кенг доирачалар чизиб чиқди. Энди у одамга ўхшамас, кўпроқ балиқ ёки қушни эслатар эди. Юзи худди вертолётдан кўринаётган спорт майдончасига ўхшаб қолди. Унда — ўқдай учиб кетаётган вертолётнинг жажжи сояси ҳам бор эди. Яшикка ярашиб тушадиган, бундан ортиқ қоийилмақом қилиб бўялган юзни топиш қийин. Ниҳоят, у ўзининг ажралмас қисми бўлиб қолган нарса билан қариндош тутинганини ҳис қилди. Ва, деворга суянган ҳолда, биринчи марта яшикда ухлади.

Эртасига эрталаб (роппа-роса бир ҳафта ўтди), А. яшикни кийиб кўчага чиқди. Шу-шу, қайтиб уйига келмади.

Мабодо А.ни ёзғириш мумкин бўлса, айби шуки, у яшик-одам моҳиятини бошқаларга қараганда бирмунча чуқурроқ тасаввур қилган эди. Унинг устидан кулишга менинг ҳаққим йўқ. Кимда-ким фақат номсиз аҳоли учун мавжуд бўлган номсиз шаҳарни бир марта кўз

олдига келтирар экан — бу шаҳардаги уйларкинг эшиклари, агар умуман, уларни эшиклар деб аташ мумкин бўлса,— ҳамма учун ланг очиқ, дуч келган одам сенга дўст ва ҳамиша сергак тортиб, шай ҳолда туришга эҳтиёж йўқ, хоҳ бошинг билан юр, хоҳ йўлакда чўзилиб ухла — ҳеч ким сени жазога тортмайди; одамни бор овозда чақириш учун маҳсус рухсат талаб қилинмайди, қўшиқ айта олишинг билан мақтанмоқчимисан — марҳамат, қанча хоҳлассанг, қаерда хоҳлассанг куйлайвер, қўшиғингни тугатиб, истаган пайтингда кўчадаги номсиз оломонга қўшилиб кетаверишинг мумкин,— кимда ким кунларнинг бирида ана шу ҳақда орзу қилар экан, уни ҳамиша А. снгиб бас кела олмаган хавф таъқиб қилиб юради.

Шунинг учун ҳам яшик-одамга қурол ўқталиш, кам деганда, ҳовлиқмалик бўлади.

## БИРИНЧИ ГАЛДА — ЭҲТИЕТ ЧОРАЛАРИ

Эҳтимол, такрор айтиётгандирман: энди яшик-одам — мен.

Шу ўринда ўзим ҳақимда қисқача ҳикоя қилиб бериш истаги туғилди.

Мен ҳозир бу гапларни ёмғирдан қочиб, устидан маъмурий автострада ўтадиган кўпrik тагида, канал қирғоғида ўтириб ёзяпман. Соат тўққизу ўн беш минутни кўрсатяптими ё тўққизу ўн олти минутни — унчалик аниқ эмас. Ёмғир эрталабдан бери ёғиб туриби, кеңки қоп-қора осмон қарийб ергача осилиб тушган этагини зўрға судрайди. Балиқчилик кооперативига қарашли тахлаб қўйилган оғочларни, чўзилиб ётган омборларни кўз элас-элас илғайди. Атрофда на бирор уй, на бирор тирик жон бор. Бу срга кўпrikдан ўтаётган машиналар чирогининг шуъласи ҳам етиб келолмайди. Мен яшик шифтига осилган чўнтак фонаримнинг ёруғидан фойдаланипман. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, зўлдири ручкада ёзилган иероглифлар — уларнинг яшил бўлиши кераклигини биламан — деярли қора бўлиб туюлмоқда.

Қирғоққа ёғаётган ёмғирдан қўланса ҳид келади. Майдалаб, шивалаб ёғаётган ёмғир, худди пуркагичдан пуркалётгандай ҳаммаёққа баравар саҷрайди, шунинг учун яширингандай жойим ҳам мени бу совуқ томчилардан сақлаб қололмайди. Кўпrik устунлари ҳаддан ташқари баланд. Йўқ, бу жой фақат ёмғирдан пана бўлиш учун-

гина эмас, бошқа нарсалар учун ҳам түғри келмайди. Шунақа вақтда, шунақа жойда бўлишинг ўзи — яшик одам учун мутлақо ғайритабий. Ҳозир менинг чўнтак фонаридан фойдаланиб туришим эса — аҳмоқона исрофгарликдир. Менга ўхшаган бошпаисиз одамлар кўчадан топганига қаноат қилиб кетаверади, топмаса — бўнга ҳам рози, бироқ фойдаланилмаган батареялар, турган гапки, кўчада думалаб ётмайди. Чўнтак фонарни фақат аллақандай кундаликлар ёзиш учун ёкиш — йўл қўйиб бўлмайдиган бойваччаликдир. Кейинги вақтларда кўча чироқлари ҳам кўпайди, чироқларнинг ўзлари ёруғроқ, лампочкалар кучлироқ бўлиб қолди. Ёмғирдан пана бўлиш учун, агар ўша чироқлар тагига қулайроқ ўрнашиб олиниса, бемалоя газета ўқиш ҳам мумкин.

Мен эса негадир, яшик-одам учун ноқулай бўлган мана шу жойда икки соатдан ортиқроқ ўтирибман. Аввал нима сабабдан шу аҳволга тушганимни тушунтиришим керак. Түғри, мен тушунтиришга қанча ҳаракат қилмай, сени ишонтира олишимга кўзим етмайди. Ишонмайсан, вассалом. Майли, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, ихтиёр сенда, лёкин фактдан юз ўғиролмайсан. Гап шундаки, менинг яшигим сотилган. Мен жуда катта пул — эллил минг иена берадиган бир харидор топдим. Мана, ҳозир, азбаройи ўша келишувни деб, харидоримни кутиб ўтирибман. Биламан, сен бунга ишонмайсан, ҳатто ўзим ҳам бир ишониб, бир ишонмай турибман. Ақл бовар қилмайдиган воқеа. Түғри эмасми? Уринган бир картон яшикни олишга иштиёқи шунчалик баланд, шунча пул тикишга тайёр бўлган одамнинг мақсади нима эканлигини тасаввур қилиш жуда қийин.

Хўш, ўзим ишонмай туриб, нима учун бу таклифга кўнди? Сабаби жўн. Гап шундаки, шубҳа қилиш учун баҳона йўқ эди. Ўзи шунақа бўлади: йўл чеккасидаги ялтироқ нарсани кўриб беихтиёр тўхтайди. Менинг харидорим ҳам худди кечки қуёш шуъласи тушиб турган бир парча синиқ пиво шишасидек ялтирад эди. Синиқ шинша парчаси бир чақага ҳам арзимаслигини фаҳмлаб турасан, аммо, бари бир, шишага тушиб жилваланган нур унга ҳайратомуз бир жозиба бахш этади. Назаримда, нигсхим тўсатдан ўзга бир замонга тушиб қолгандек бўлди. Қизнинг оёқлари — худди узоқ-узоқларга югуриб кетаётган рельслардек (уларга тепаликдан туриб қараганингда) түғри ва нафис — ниҳоятда гўзал эди. Шўх, енгил қадамларига, бамисоли тубсиз шаффофф ос-

монга тикилгандек, бир умр термулиб түймайсан киши. Ишонишими учун сабаб йўқ эди, аммо айни пайтда, шубҳаланишим учун ҳам сабаб йўқ эди. Чамаси, унинг сёқлари ақл-хушимни олиб қўйған эди. Ҳозир албатта пушаймонман. Ёки пушаймонлик азобини тортишимга тўғри келишини олдиндан сезиб, руҳан эзиляпман, десам, балки яна ҳам тўғрироқ бўлар. Аянчли аҳвол. Қайси томондан қарама, мени ўзимни яшик-одамга хос тутмаяпман. Мени бундан яшик-одамнинг асосий имтиёzlари маҳрум этди. Табиийки, умидим йўқ эмас, аммо бу шу қадар тутқич бермас умидки, уни ҳар қандай энг сезигир анализатор ҳам пайқай олмайди. Наҳотки, яшигимда қандайдир ўзгаришлар рўй бера бошлиётган бўлса? Эҳтимолдан холи эмас. Ҳақиқатан ҳам, назаримда, мен шу шаҳарга келдиму яшигим унча-мунча тилиниб-шилина бошлади, мурт бўлиб қолди. Ҳа, бу шаҳарда чиндан ҳам менга қарши кайфият ҳукмрон.

Тўғри, бу жойни кўйроқ жувоннинг кўрсатмаси билан танладим, бироқ, ҳар қалай, ўзим ҳам шунга ишора қилдим. Менга таҳдид солаётган хавф, айни пайтда, жувонга ҳам таҳдид солаётган бўлиши керак. Кўйрик ёнида тошдан тараашлаб ишланган, белига қизиб боеччили пешбандча таққан болалар ва йўловчилар ҳомийси Дзиодзо ҳайкали турибди; чамаси, сувга чўккан бола хотирасига қўйилган. Оқим бўйлаб сал юқорироқда, кема бекатига олиб тушадиган тош зиналар олдида, оқ бўёқда ёзилган, бу ерда чўмилиш ман этилишини билдирадиган каттакон, кўрнишидан шу яқин орада ўрнатилган лавҳа. Яхши ҳам дарчадаги полиэтилен пардага ёмғир тегиб ҳўл қилдию у қировлаган шишиани эслатмай қўйди — тамоман тип-тиниқ бўлиб қолди. Канални тўсиб турган бетон тўғон дарчани қиясига аниқ кесиб ўтади. Бўш келса, оқизиб кетишдан ҳам тоймайдиган қудратли, ўжар оқим билан олишганча бекатда дириллаб турган юқ кемачасининг оқиши-хира сарчироғи тўғон ёқалаб кетгац ғёлғизоёқ йўлни фирашира ёритиб турибди, агар бу йўлда кимдир бўлса, уни худди оқ кўйлакка томган сиёҳ доғини илғагандек, жуда тез илғаб олиш мумкин.

Ана, йўлни мушук кесиб ўтятти. Кир-чир, пахмайган дайди мушук. Яқин орада болаласа керак — увилдириқлаган балиқдек қаппайиб кетган. Қулоқлари йиртилган — ғажишиш оқибати, шекилли. Тўхтовсиз ёзиб турган бўлишимга қарамасдан, шу майдада-чуйдаларгача кўздан қочирмаётган эканман, демак, асабларим жойи-

да. Модомики шуңдай экан, агар кимдир бу ерга тұсатдан бостириб келишни мүлжаллаётган бўлса ҳам, чучварани хом санайди.

Шартимизга кўра, қизнинг ёлғиз ўзи келса яхши бўларди, албатта. Лекин ҳали ҳам тушунолмай турибман. Битта яшик учун эллик минг-а! Ҳеч ақлимга сифиролмайман, бунинг устига, қизнинг шунақа жойда битишишга рози бўлиши ҳам ғайритабии. Ишонай десам ҳам сабаб йўқ, шубҳаланай десам ҳам сабаб йўқ. Ингичка, рангпар, салкам шаффоф бўйин. Ҳар ҳолда, эҳтиёткорлик чегарасидан ўтишга эҳтиёж йўқдай. Ҳимоянинг ягона воситаси мана шунида. Мабодо олдиндан кутилмаган ҳодиса рўй берса, бу ёзувлар ашсвий далил сифатида қолади. Ўлим ҳар хил бўлади — шуниям айтиб қўяйки, ўз жонимга қасд қилиш хаёлимда ҳам йўқ. Агар мен ўлсам, ҳатто ўлимим ўз жонимга қасд қилишга ўхшаса ҳам, ўз жонимга қасд қилиб ўлган бўлмайман, қотилим — бошқа одам. Мен одамлардан минг юз ўгирган бўлмай, улардан қочиб яшикка бекинган бўлмай, шуни унутмаслик керакки, яшик-одам од...

(Жумла сиёҳ тугагани учун узилди. Мен то ашқол-дашқоллар қутичасидан бир бўлак қаламни ахтариб топиб, унинг учини чиқаргунимча икки ярим минут вақт ўтди. Бахтимга, ҳали мени ўлдирғанларича йўқ. Зўлдирли ручкани қаламга алмаштирган бўлсам ҳам дастхатнинг ўзгармаганлиги далил сифатида хизмат қилиши мумкин.)

Ҳа, хўш, қайси сўзни ёза бошлаган эдим? «Од...»га келиб тўхтаган эканман. Балки: «яшик-одам оддий саёқлардан фарқ қиласди», деб ёзмоқчи бўлгандирман. Чиндан ҳам, улар орасига аниқ бир белги қўя олиш одамларнинг қўлларидан келмайди, буни фақат яшик-одамнинг ўзи эплайди. Дарҳақиқат, уларнинг ўхшаш томонлари кўп. Масалан, уларда ҳужжат йўқ, ҳеч қаерда ишламайдилар, муайян уй-жойга эга эмаслар, уларнинг номлари, ёшлари номаълум; ухлаш, овиатланиш учун тайин жой ёки белгиланган вақтлари йўқ. Кейин, ҳа, соchlарини олдирмайдилар, тишларини тозаламайдилар, уйлдан бу йилга бир марта ҳаммомга борсалар, борадилар, бўлмаса — йўқ, пул уларга дээрли бир умр керак эмас ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Аммо гадолар ва саёқлар ҳам яшик-одамдан ўзлари, нинг фарқларини жуда яхши биладилар. Улар мени бир неча марталаб ёмон хаёлларга боришга жазбур, қил-

дилар. Мабодо шундай ҳодиса рўй берса, мен бу ҳақда яна ёзаман — шундай қилиб, менга айниқса энг қашшоқ гадолар доим файирлик билан қарап эдилар. Улар жойлашиб олган мавзега яқинлашсам бўлди, мен лоқайдликка эмас, аксинча, — улар томонидан кўрсатилган жуда фаол ғаразга дуч келар эдим. Ишлаб топган пулига кун кўрадиган, уй-жойлик одамларга қараганда, улар мени бирмунча ошкора душманлик билан қарши олар, куракда турмайдиган сўзларни айтиб сўкар эдилар. Умуман, гадо яшик-одам бўлганини мени ҳали ҳеч қаерда эшитганим йўқ. Тўғри, яшик-одам ҳам гадо билан ҳамтовоқ бўлишини истамайди — хуллас, биз бир-бирамиздан қолишмаймиз. Шунинг учун гадога баланд келиб қарав ярамайди. Шуниси ғалатики, ҳатто гадолар ҳам шаҳар аҳолиси ҳисобига киради, шундай экан, яшик-одамга айланиш улар учун гадоликдан ҳам тубан тушишин билдиради.

Ута сезувчаник — яшик-одамнинг сурункали касали. Ер ўқининг сал қийшайиши ҳам, худди денгиз касаллиги каби кўнгилни беҳузур қиласди. Нима учунлигини билмайман, аммо бу ҳеч ҳам одатдаги омадсиз кишининг сезгисига ўхшамайди. Мен ҳали бирор марта ҳам ўз яшигимдан қомус қилмаганман. Назаримда, яшик мен сандирақлаб юриб кириб қолган боши берк кўча эмас, у мен учун ўзга бир оламга очилган эшик. Бу эшик қайси оламга очилган — буни билмайман, ҳар қалай, қандайдир бошқа бир олам деб ўзимни ўзим ишонтираман, ўзим эса беҳузур бўлаётган кўнглим билан олиша-олиша, дарчадан ташқарига боқиб, қандай воқеалар рўй берастганини кузатаман ва бу бошқа олам менга бари бир ўша боши берк кўча бўлиб кўринади. Бўпти, ваҳима кўтариш етар энди. Фақат бир нарса тামоман равшан бўлишини истайман — менда ҳали ҳеч қандай ўлиш истаги йўқ.

Жувон негадир ҳаялляяпти. Наҳотки ваъдасида турмаса? Еттига гугурт донаси қолди. Намиққан сигарет жуда ғашга тегади.

Ваъда?..

Ваъдани бир қултум виски билан юваман. Таги кўриниб қолди — шишанинг учдан бир қисмида. Барин бир эмасми? Алдаса — алдар, нимаси ажабланарли? Агар у ваъдасига вафо қилиб келса, аксинча, мен ҳайратга тушган бўлардим. Мен фақат бир нарсадан қўрқяпман: айтайлик, жувон мени алдамаган, лекин, айни пайтда келадиган унинг ўзи бўлмаса-чи? Шундай бўли-

шини күнглим сезяпти. Үрнига бошқа бирортасини юборади. Хуллас, бу бирортаси ким бўлиши мумкинлиги аниқ. Оббо, муттаҳамлар-эй, охири тил биритиришибди-да. Жувон хўрак вазифасини ўтайди, бошимни айлантириб, мени бу ерга олиб келади, ана шу кўприк тагида, хилватда анави гўрсўхта мени гумдан қиласди — шунга келишилган. Модомики, мен туғма «қотиллик қурбони» эканман (шундай бўлиши табний — яшикодам йўқ нарса билак баробар, шу боисдан, уига қилинган қотиллик ҳам қотиллик ҳисобланмайди), қарамақарши томон ўз-ўзидан «қотил»га айланади. Аммо воқеалар менинг хаёлий лойиҳамга мувофиқ равишда ривожланиши мутлақо шарт эмас. Ўзим ҳам уни зарба билан қарши олишга тайёрман. Ҳўл-нишаблик ўзига яраша тик, ундан думалаб кетиш ҳеч гапмас. Тўғри, у мендан кучлироқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Балки, мен ҳозир дилимдан ўтказаётган фикрларга қарамақарши ўлароқ кўнглимнинг тубида асли ўлиш истаги бордир?

Хуллас, қотиллик учун бундан ортиқ қулай вақт ҳам, жой ҳам топиб бўлмайди. Тошқиннинг тобора авжга чиқаётгани тўғрисида гапирмасам ҳам бўлади. Каналнинг тошқин пайтларда сув дамланиб, шишиб кетадиган қуйилиш жойи, яъни энг тор қисмига худди энг охирги ғов каби, эски услубда қурилган қўпол, бесўнақай кўпrik. Тагидан кемалар бемалол ўта олиши учун кўприкнинг ўрта қисми ёй шаклида тик эгилган, шунинг учун ҳам устунлари бениҳоя баланд. Тўғри, ўзининг сув юқти́рмас уйини «кийиб олиб» чиғаноққа ўхшаб саёҳат қилиб юрувчи яшик-одам учун, агар гап фақат қиялаб ёғаётган ёмғир ёки кўприк устулари ҳақида бораётган бўлса, ташвиш тортишнинг ҳожати йўқ. Ҳақиқий уйдан фарқли ўлароқ полининг йўқлиги ҳам яшикнинг камчилиги ҳисобланадими? Агар бир ёқдан ёмғир шариллатиб қуяётган, устига устак шамол эсиб турган бўлса, яшикка бекиниб ҳам улардан қутулиш барини бир мумкин эмас. Бинобарин, агар ўйлаб қаралса, худди апа шу полнинг йўқлиги, ҳеч қандай ёғини-сочинга парво қилмасдан, доим бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтган ҳолда денгиз соҳилига ўрнашиб олиш имконини беради. Мабодо тошқинга ёмғир ҳам қўшилиб сув сатҳи кутилмаганда кескин кўтарила бошласа, бошқа бирор жой танлаш ҳам мумкин — фақат резина этик ичига сув киришидан эҳтиёт бўлиш керак. Яшик-одамга хос эркинлик ва енгиллик ҳам худди ана шунда, буни ўз ҳаётida

си наб күрмаган, бошидан кечирмаган одам тушунолмайды. Ҳечқиси йўқ, ҳадемай тошқин тугайди. Сув сатҳи ҳозиргидан ҳам баландроқ ҳўтарилади, деб хавотирланишга ҳожат йўқ. Қорамойда чириб ётган бақатўни нинг тўғон ёқалаб чўзилган қоп-қора белбоғи манзарани худди жазвардек қоқ иккига — юқори ва қуян қисмга ажратган.

Сув юзидағи енгил мавжларни сўндириб, ҳар тарафдан қора тўлқинлар ўрмалаб келади. Кўпrik устунлари яқинида аралаш-қуралаш пайдо бўлаётган катта-кичик гирдобрлар аста-секин ўз шаклини олар, улар худди кимдир бўтана оқовани қориштириб юбораётгандек ифлос эди. Бу ер унчалик чуқур эмас, лекин бари бир, тахта яшик, балиққа мўлжалланган тўқима бамбук саватларнинг парча-пурчалари пластмасса челаклар гирдобра қўрқа-писа яқинлашади-да, кутилмаганда унинг тузогига тушиб, гир-гир айлана бошлайди, кейин эса бирдан тезлигини йўқотиб, ўпқонга ютилиб кетади.

Ҳа, бошқа ҳеч бир чора қолмаганда дафтаримни яшиклар ҳамда саватларнинг ана шу парча-пурчаларига ҳамроҳ қилиб юбораман. Агар тўғонда жувон эмас, бошқа бирор пайдо бўлса, ёзувларимни полиэтилен халтачага соламан-да, пуфлаб шишириб, юқори қисмини сиқаман, иккига буклаб, ингичка сим билан бир неча марта яхшилаб ўраб боғлайман. Бунга йигирма иккни йигирма уч сония вақт кетади. Кейин симнинг бир учига слимшак қизил богични ўраб, кўзга тезроқ ташланиши учун охирини узун қилиб қолдираман. Богичга қофоз ип билан катта бир тош боғлайман. Бунга — беш сония кетади. Ҳаммаси бўлиб ўттиз сониялик иш. Умуман, қанча имилламай, бу иш бир минутдан ортиқ вақтимни олмайди. Унга эса, ҳатто жуда тез юрганда ҳам, то сирпанчиқ тош супалар ётқизилган қияликдан тушиб, кема бекатига элтадиган зиналар билан менинг олдимга етиб келиши учун, кам деганда икки-уч минут вақт талаб қилинади. Қисқаси, улгуrolмайман, деб хавотир оладиган жойим йўқ. Мабодо у ўзини сал бўлса ҳам шубҳали тутса, пакетни ўша заҳоти каналга иргитаман. Боғланган тош уни етарли даражада узоқроққа отиш имконини беради. Шундан кейин у пакетни қўлга киритиб бўпти. Пакет тўппа-тўғри гирдобра бориб тушади. Фараз қилайлик, у одам жуда зўр сузувчи, айтайлик, ўзини сувга ҳам отсин — бари бир пакетга ета оларми? Йўқ, агар у чиндан ҳам зўр сузувчи бўлса, ўлақолса ҳам бундай беъмани иш билан шуғулланиб ўтириш

ни эп кўрмайди. Сув тошқини пасая бошлагандан кейин тахминан бир соатча вақт давомида қайнқда сайр этиш бу ерда ҳам ман қилинади. Агар у ҳатто анави тахтачадаги ёзувни ўқимаган бўлса ҳам, гирдоб билан ҳазиллашиш хайрли оқибатга олиб келмаслигини жуда яхши билса керак. Бордию хат солинган пакетни гирдоб қаърига тортиб кетмаган тақдирда ҳам, уни худди палахмондек очиқ денгизга улоқтириб юборади, пакет сузиб кетади. Бир неча соат ёки бир неча кун ўтади, қоғоз ип ивиб узилади-да, тош чўкади. Тошқин чангалига тушган, пуфлаб шиширилган пакет, то бирор киши қизил боғични пайқаб қолмагунча, қирғоқ яқинида, тўлқинлар устида ёнгил сузиб юраверади.

Илло, фараз қилайлик, у ҳозироқ, айни мана шу лаҳзада пайдо бўлди... хўш, менинг шу пайтгача ёзганларим жиноятчи ўша эканлигини тасдиқлаш учун асос бўла оладими? Қайдам. Ҳатто унинг номини мана шу саҳифаларга битиб қўйсам ҳам — ҳеч ким ишонмайди. Уни бу ишга ундан нарсанинг нима эканлигини етарли даражада аниқ тушунтириб бермасам, ёзганларим ёлғон бўлиб чиқади, уйдирмага ўҳшаб қолади. Бироқ мен ҳам бармоғимни сўриб ўтирадиганлардан эмасман. Дафтар муқовасининг орқасида, юқоридан ўнг бурчакда елимшак қоғоз боғич ёрдамида ёништирилган бир фотосурат бор. Унда ҳамма нарса аниқ чиқсан дейиш қийин, бироқ у бари бир, ҳеч рад этиб бўлмайдиган ашёвий далил сифатида хизмат қиласди. Оғзи пастга қараган емилтиқни қўлтиғига қисиб яширганча қочиб бораётган ўрта ёшлардаги киши. Агар сурат катталаштирилса, бу одамии бор икир-чикиригача кўриш мумкин бўлади. Қостюми яхши бўлса ҳам, пала-партиш кийинган. Шимиғижим. Тирноқлари ҳафсала билан олинган, йўғон, бақувват, шу билан бирга оғир ишга одатланмаган бармоқлар. Бужмайган, шаклини йўқотган туфли — биринчи бўлиб кўзга ташланади. Мокасин нусха, ёnlари тешик-тешик, тайпоқ туфли. Афтидан, хизмат тақозоси билан тез-тез кийилиб-ечилиб турса керак.

Агар пусиб қочаётган кимса манави дафтари қўлга кирита олса, дафтар унинг учун бебаҳо бойликка айланниши мумкин.

Гирдблар худди мушакларга ўҳшаб тўлиша бошлади. Йўқ, йўловчиликларининг изи узилган эмас — шунчаки энди уларнинг никоҳларига диққат қилиб қараш учун ҳеч қандай ҳожат қолмади. Кўприк устидан, нақ менинг тепамдан йўғон темир-бетон плиталарни қасир-қусур

босиб, тўхтовсиз ду-дудлаганча гулдурос солиб, оғир юклар — тахталар, музлатилган балиқлар ортган баҳайбат машиналар ўтиб турибди — улар ўзларининг ўкириғига кўмилиб кетган сўқир маҳлуқларни эслатади. Нафакат мурдадан қутулиш учун, ҳатто тирик одамни гумдон қилиш учун ҳам жой бу айни муддао. Бу ер ўлдириш учун ҳам, айни пайтда, ўлиш учун ҳам айни муддаодаги жойдир.

Тошқалам ҳам ейилиб кетди. Бўлди энди, иззатини ҳам билиши керак. Бу жувон келадими ўзи ёки келиш умуман хаёлида ҳам йўқми?

(Бунақа ўтмас пичноқ билан қаламнииг учини ҳам кўнгилдагидек очолмайсан. Эртага, агар тирик қолсам, албатта бир жуфт зўлдирли ручка топишим керак, ишқилиб; эсдан чиқмасин. Мактаб дарвозаси олдидан терниб олган ручкаларимда яроқли паста кўп бўлади).

## МУҚОВАНИНГ ОРҚА ТОМОНИГА ЕПИШТИРИЛГАН АШЕВИЙ ДАЛИЛ — ФОТОСУРАТЛАРГА ОИД АЙРИМ ҚУШИМЧАЛАР

**Суратга туширилган вақт:** оқшом, тахминан бир ҳафта ёки ўн кун аввал (вақтни ҳис этиш фалажи ҳам яшик-одамнииг сурункалларидан биридир).

**Суратга олинган жой:** соя<sup>1</sup> заводининг қияликка келиб тақалган узун, қора қўраси деворининг адоги. (Фотосуратда ана шу девор кўланкаси одамни қийроқ кёсиб ўтади).

Энди бовул қила бошлаган эдим. Тўсатдан пақ этган товуш эшитилди. Юк машинаси филдираклари тагидан отилиб чиқсан тош яшикка келиб урилса, шундай овоз беради. (Тез-тез йўл четида тунаб қолиб, буни кўп кузатганман). Ҳозир юк машинаси тугул, ҳатто бирорта уч филдиракли автомобиль ҳам ўтмаётган эди. Мен шу заҳоти чап елкамда, музни тишлаб олганингда қурт

<sup>1</sup> Соя — дуккаклиларга мансуб ўсимлик (Редактор).

еган тишинг қандай сирқираса, худди шундай ўткыр оғриқни ҳис этиб, бовул қилишдан тұхтадим. Яшикнинг ён деворидаги тешикдан қараган әдім, қиялик бошланған жойда, завод құрасы адогында, асфальт йўл эса тугаб, бое кўча бошланадиган, йўл товуқ фермасига қарашли картошка даласини айланиб ўтиб, шундоқ бурилган жойда бесўнақай шохлари тарвақайлаб кетган қари тутга (унинг бир қисмини кадрнинг чап бурчагида кўриш мумкин) кўзим тушди. Бир одам тутнинг орқасига энгашиб пусмоқчи (қочишга шайланган киши ҳолатида). У узуилиги тахминан бир метрча келадиган аллақандай калтакни елкасидан олиб, қўлтиғига қисди, шу заҳоти ҳалиги калтакка кечки қуёш нури тушди-да, худди пўлатга ўхшаб ярқ этди. Мен унинг елмилтиқ эканлигини дарров фахмладим. Шоша-пиша фотоаппаратга ёпишдим. (Тан олишим керакки, яшик-одамга айланишдан олдин мен тенги йўқ фотопортёр әдім. Яшик-одамга эса аста-секин, ўз ишимни давом эттирган ҳолда айландым, шу сабабли ҳалигача, кам бўлса ҳам, энг зарур фотоаппаратларни асраб юрибман). Яшигимиш-шартта ўғириб, ҳалиги одамни кетма-кет уч марта суратга тушириб олдим (тасвирни ойдинлаштирувчи равшанлик моссламасини тўғрилаб ўтириш учун вақт йўқ әди, шу туфайли маҳсус тутқични 1/250 секундга, фокус оралигини —11 га қўйдим, фокусда тасвир пайдо бўлди). У икки ҳатлаб, йўлни кесиб ўтди-да, кўздан йўқолди.

Шу пайтгача айтган гапларим нуқул фактлардан иборат, агар фотосуратга зеҳн қўйиб қаралса, у бир қадар сўзларимнинг исботи бўла олади. Аммо у менинг бундан кейин айтадиган гапларимни тасдиқламайди. Шунинг учун ҳам мен, ёзувларимни ким қўлга туширса — у сен бўласанми, бошқами,— ишқилиб, мен келтирган далилларга ишониб, сўзларимни тасдиқлайди, деб умид қиласман.

*Отган одамнинг ҳақиқий қиёфаси тўғрисида дастлабки тахминлар.* «Ага нима бўлди» бобига мурожаат этишингизни сўрайман. Мабодо яшик-одамнинг мавжудлиги бирорда ҳавас уйғотар ва ўша одамда ҳам яшик-одамга айланыш истаги туғилар экан, бу истак елмилтиқдан ўқ узишдек шундай ўта тажовузкор шаклда юзага чиқар экан, бундай ҳолни умумий ақида деб

қараш түғрироқ бўлади. Шунинг учун ҳам мен бирорни ёрдамга чақирмадим, отган одамнинг орқасидан қувмадим. Аксинча, яшик-одам бўлишга талабгорлар сафи кенгаяётганини билиб, унга иисбатан ўзимда қардошлиқ ҳиссини туйдим. Оғриқ ўтиб кетди, энди елкам қаттиқ ачиша бошлади. Отган одамнинг ҳали кўп изтироб чекишига тўғри келади. Шундай экан, шошилиб дарду изтиробини оширишга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Юқорига қараб тикка ўрмалаб кетган кимсасиз йўлга тикилиб туарканман, милтиқли киши кўздан фойиб бўлганидан сўнг, энди, баданимдан худди бузуқ водопровод жўмрагидан томчилаетган сувга ўхшаб қон силқиётганини пайқаб қолдим. Соя заводидан келаётган, куйган қанд исини эслатувчи, кўнгилни айнатадиган чучмал ҳид кечки қуёш пайдо қилған кескин кўлан-каларнинг ўткир қирраларини гўё этов бўлиб силлиқлайди. Қайдадир, узоқдан бир маромдаги арра товуши эштилади. Ундан ҳам нарироқда эса — бардам овозда мотоцикл тариллайди. Икки сония ўтади, уч сония ўтади — тирик жондан асар йўқ. Наҳотки, бу гўша аҳли худдичувалчангга ўхшаб ерга кириб кетган бўлса? Махсус инсонпарварликка даъват этиш учун яратилгандай сокин манзара. Бироқ яшик-одамнинг синчков нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутулолмайди. Яшикдан қараб, манзаранинг кўзга чалинмас қисмига яширингандам сохта, ҳам ёвуз ниятни кўриш мумкин. Юрсанг адашиб кетмайдиган биттаю битта йўлни бамисоли хўжакўрсинга намойиш этиб, манзара мени чалғитмоқчи бўлади, бундан кўзлаган маҳфий мақсади — каминани ён беришга мажбур қилиш, чув тушириш! Аммо чучварани хом санабди. Вокзал атрофлари ёки одам гавжум бўладиган олағовур савдо расталари яшик-одам учун жуда қулай жойлар. Бироқ агар манзара ўзининг маҳфий лабиринтлари ортидаги уч-тўрт сўқмоғини сидқидилдан ҳадя этса, яшик-одам манзарани ҳам севади,— бундай жойда яшашнинг турган-битгани роҳат. Маҳаллий майда шаҳарчаларнинг шуниси ёмон. Бамисоли хўжакўрсинга қўйилгандай яккам-дуккам йўллари жуда кўп бўлади. Узимни, бекиницига бирор пана тополмай, жонҳолатда ана шу биттаю битта йўлдан ҳаллослаб бораётган ҳалиги елмилтиқли одам ўринда тасаввур қилиб кўрсам, аъзойи баданимни аянчли туйғу эгаллаб олади.

Жароҳатни сиқимлаб турган қўлим қоп-қора қонга беланди. Кутимаганда кўнглимга ғулғула тушди. Т. ша-

ҳарчаси күчасида бирваракай иккита яшик-одамнинг пайдо бўлиб қолганини кўриб, қўл силтаб қўяқолишлари гумон,— Токионинг бирор одам гавжумроқ жойида бўлса ҳам,— бошқа гап эди. Бордию у яшик-одамга айланиш пайига астойдил тушган бўлса, хоҳласанг-хоҳламасанг беллашишга тўғри келади. Елмилтиқ билан мендан қутула олмаганини билса, бас, овмилтиқ олиб ўқталишдан ҳам тоймайди. Балки мен ўзимни ўқ тегиб йиқилган қилиб кўрсатиш им керакмиди? Очиғини айтганда, унга ўҳшаб, мен билан алоқа боғлашга уринган одамлар кўп бўлган. Бир марта мени чақиришган ҳам. Лекин ҳар сафар ҳам мен уларга полиэтилен пардаси тирқишидан безрайиб индамай қараб тураверардим. Ахири ўzlари кетардилар. Ҳатто полициячилар ҳам қўрқиб, думларини қисганча жуфтакин ростлаб қолардилар. Балки елмилтиқ ушлашга мажбур қилгунимга қадар, у билан ҳам гаплашгандирман?

*Янги персонаж пайдо бўлиши муносабати билан тахминлар ўзгаради. Бу — янги персонаж велосипедда келди. Бутун диққатимни биттаю битта сохта йўл ютиб турган пайтда мени кутилмаганда орқа томондан кимдир чақирди. «Анави тепаликда клиника бор»,— дарчага оппоқ бармоқлар тегди, яшик ичига ҳар бири минг иеналик учта қоғоз тушди. Бошда, яшигимни почта қутиси деб ўйлашди, шекилли, деган фикрга бориб, кейин ўгирилдим. Мен гавдасини орқасидан кўрган бу қиз аллақачон ўн метрча нарига кетиб қолган эди. Қиз кўринишидан жуда ҳам ёш — паст, бўғиқ овоз унга ҳеч ҳам ярашмасди. Фотоаппаратимни тўғрилашга ҳам ултурмадим, у биринчи муюлишдаёқ бурилиб, кўздан ғойиб бўлди. Уни бор-йўғи бир неча сония кўрдим, бироқ пойпишсангни айлантираётган оёқларининг чироили ҳаракати мени тамоман лол этиб қўйган эди. Ингичка, аммо жуда ҳам чилчўпдай эмас, енгил, шу билан бирга бўлиқ оёқлар. Қўшиқанотли чиганоқнинг ички томонини эслатувчи тақимларнинг ипакдек майин териси. Қиз шу қадар жозибали эдики, ҳатто эгнида қандай кийим борлигини ҳам эслай олмайман. Ҳар қалай, бутунлай эсхушимдан ажраб, инон-ихтиёримни бой бердим, десам лофт бўлади. Агар кечга яқин елкамдаги жароҳатимнинг оғриғи зўрайиб, азоб бермаганида, ҳеч қачон тепаликдаги клиникага бормаган ва мени отган киши (мен суратга тушириб олган ўша одам) аслида ана шу клини-*

канинг врачи, велосипедли қиз эса — медицина ҳамширасы эканлигини билмаган бўлар эдим. Албатта, мени кўприк тагидаги шундай хавфли жойда қизни (ёки у ўз ўрнига юборадиган кимсани) кутишдек аҳмоқона бу ишга тортмоқчи бўлганларида розилик бермаслигим керак эди.

Ҳозир қўлимдан келган битта иш шу бўлники — сигаретамни қаттиқ тишладим. Уч минг иеналик қофозларни қайта-қайта санаадим, сўнgra уларни уч буклаб, резина этигимниг қўнжига тиқдим. Тутқунликдаги қуш дон-сувдан юз ўгириб, очликдан ўлади. Аммо ўлимга маҳкум этилган одам ўзининг охирги сигаретасини ҳузур қилиб тортади. Қуш эмасман, шунинг учун мен ҳам бажонидил ўт ёқиб, сигаретамни тутатдим — бу иккалови ўзаро боғлиқ эканлиги ҳақида бош қотириб ўтириш шартми? Елмилтиқли одам — ўзича, қиз — ўзича. Қизниг ошиғич қочиб қолишини эса, садақа берганидан уялган, деб изоҳлаш мумкин.

Аммо ўлимга маҳкум қилинган одам сигарета кетидан сигарета чекавергани билан жаллод уни бир умр кутиб ўтиравермайди. Қатл вақти тобора яқинлашмоқда. Тонгга яқин йиринг бойлаган жароҳатим, мени худди ўта тор резина қопга тиққандай, ғужанак қилиб қўйди. Яшикдан чиқиб, тепаликдаги клиникага қараб жўнадим. У ерда мени велосипедли қиз қўлида шприц, отган одам эса ништар билан кутиб олди. Мен бундан заррача ҳам ажабланмадим, аксинча, аввал-бошданоқ шунга тайёр эдим.

Қўзимни очганимда, велосипедли қиз каравотда ётганча ҳар хил витаминлар ва креозот ҳидлари оша менга кўз ташлади. Медицина ҳамширалари киядиган оппоқ ҳалатида у вақтни тўхтатиб қолишга ҳам қодир эди. Мабодо вақт тўхтаса, табинийки, сабаб-оқибат муносабатлари бузилади, ана ўшанда, сен ҳеч қандай жазодан қўрқмай, энг беҳаё хатти-ҳаракатлар қилишинг мумкин. Назаримда, қийналиб бўлса ҳам яшикдан чиқиб, юзимни ҳаммага кўрсатганимни унугиб юбориши қўлимдан келадигандек эди, шу туфайли, гарчи ўзимни ниҳоятда эркин ҳис этсам-да, афсуски, бундай беҳаё хатти-ҳаракат қилиш даражасигача бориб етмаган эдим. Мен ўзим тўғримдаги ёлғон-яшиқларни сўзлаб бераётганимда у ўтириб олиб, табассум билан бош иргаб эшилди. Ўнинг табассуми гўё тош қотган ҳавога ўйиб ишланган ҳамда қуёш мўйқалами билан жило берилигандек ҳайратда қолдиарли даражада жозибали, шу

билан бирга ночор эди. Туйқусдан хаёлим қочиб, у менга худди севги изҳор қилаётгандек бўлиб туюлди. Табассум ёйилган чехра ҳатто эгнидаги халатнинг ҳаддан ортиқ узунлигини ва оёқлари деярли кўринмаётганини ҳам унугтишга мажбур этар эди. Мен, бамисоли умрида биринчи марта ҳавода учайдиган полопондек, қанот қоқдим (беўхшов, беҳуда, айни соқда шаҳд билан). Ҳаво оқими, ишоят қанотларимни ўз измига олди, мен қиз табассумининг сарин шабадасидан маст ҳолда парвоз қила бошладим — хаёлнимга, балки, энди яшигимга қайтиш учун ҳожат ҳам йўқдир, деган ўй келди. Кейин у қайсиdir лаҳзада,— афтидан, берган ваъдасининг устидан чиқмоқчи эмас эди,— яшик-одам деганидан унча-мунча хабари борлигини (мутлақо табиий), шундан фойдаланиб яшигимни сотиб олмоқчи эканлигини айтиб, эллик минг иена учун (мен жон-жаҳдим билан текин беришм ҳам мумкинлигига уни ишонтирмоқчи бўлардим) мен билан енгилтакларча шартлаша кетди. Қиз яшикни нима қилмоқчи эканлигини ўша пайтда дарров сурнштириб билиб олишим кераклигиги энди тушундим. Лекин ўшанда табассуми эс-ҳушими олиб қўйиган эди. Мен ҳатто кўп вақтни яшик ҳақидаги гап билан ўтказиб юбориш гирт аҳмоқлик бўлади, деган хаёлга ҳам борган эдим.

Клиникани тарк этган заҳотим қизнинг табассумий ҳам қайтмас бўлиб йўқолди. Яшикка бекиниб, кўприк тагидаги жойимга қайтиб келдим, қорнимнинг очлиги гавдамни ёйдай буқкан эди, қийналиб, узоқ ўқидим. Чамаси, бу — касалхонада ичганим — муқаййифот дориларнинг таъсири эди. Ниҳоят, қармоққа лаққа тушиб қолганимни англадим, лекин, негадир, қиздан нафратланиш қўлимдан келмади.

(Бу ерда дафтар ҳошиясига қилинган киритма — тахминан ўн сатр. Киритма асосий матидан дастхати билангина эмас, бу табиий, ҳатто сиёҳининг ранги билан ҳам фарқ қилмайди).

«Яшик кийиб олган аллақандай гадо тўғрисида гапирништи...»

«Хабарим бор, албатта. Ахир мен фотопортёрман. Айғоқчи фоторепортёр. Ўғринча кўриш учун қаердаки тешик очиш иложи бўлса, ўша ерда ҳозирку нозирлик — менинг касбим. Менинг ҳеч қандай маъниавий принципларим йўқ.»

«Қатлама картондан қилинган эски яшик...»

«Ким билади, дейсиз, у ҳали ҳам менинг ўртоғим, деб ўйлаган әдим ўшанда. Афтидан, адашган эканман. Бироқ бутунлай адашибман, деб ҳам бўлмайди. У ҳам фоторепортёр, бир куни мутлақо иоаниқ ниятда... қандай рўй берганини ўзи ҳам билмаган ҳолда, аппарата тининг тепкисини босади.. Шундай қилиб, у яшик-одамни суратга олади. Яшик-одам уни жуда қизиқтириб қолади, қаерга борса, уни ахтара бошлайди, лекин қайта учратиш насиб этмайди. Аммо қўчаларни суратга тушириш унга ёқиб қолади. Туширганда ҳам, одамлар кўрсин, деб, нуқул кўздан пана, жирканч томонларини туширади.. кўрган киши жирканадиган ана шундай жойлардан қанча-қанчасини суратга олади, буни бирор сезиб қолмаслиги учун яширин қилишга тўғри келади. Кўтилмаганда унда бир фикр туғилади. Бордию яшик кийиб, яшик-одам қиёфасига кириб олса-да, кўнглига ёқкан жойни суратга тушираверса, қандоқ бўларкин? У ҳаммани кўради, уни эса — ҳеч ким кўрмайди, қарабсанки, иш беш. Ҳақиқатан ҳам, аввалига ишлари зўр юришиб кетгандек бўлди. Яшик-одам қиёфасига кириб, қўчаларни завқ билан суратга олаверди. Бироқ ўртоқлари ораснда гап-сўз кўпайиб қолганидан кейин у ғойиб бўлди. Уйига бормай қўяқолди. Мишмишларга қараганда, у худди шу тарзда ҳақиқий яшик-одам бўлиб олган».

«Бари бир, кўришса — кўраверишсин мени...»

«Аммо сенга тикилган кўзлар — худди пичоқ билан қиёфангни ўйиб олаётгандек, кийимларингни юлқилаётгандек бўлади...»

«Мени бир фотограф суратга туширган эди, тўғри, бунга анча бўлди...»

«Мен сенга жиддий гапирияпман, сен учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга тайёрман. Бироқ қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Афсуски, агар қўлимдан келадиган иш ҳақида гапирадиган бўлсам, бу фақат видиоскателдан қарашиб ва чиқ этказиб тепкини босиш.

Қўлимдан келадиган яна бир иш — сенинг шаффоғ силуэтингни проявителда чўмилтириш. Сарғимтил-пистоқи чироқ... саккизни кўрсатиб турган, рақамлари нурланувчи соатнинг секунд мили... худди ёғлангандек ялтировчи фотоқоғознинг ивиган юзаси... оҳиста қалқиб чиқаётган силуэт... силуэтни рад этаётган силуэт..., силуэт устига тушаётган силуэт... ва, ниҳоят, жиноятчининг менинг юрагимда қолган изларига ўхшаш сенинг ялангоч баданинг шакли...»

«Менга фақат ўша яшик керак».

## **ПИҚИЛИБ ЕТГАН ОДАМГА ЮЗ МИНГ КИШИ ЭЪТИБОР БЕРМАДИ.**

Йигирма учинчида, кечқурун соат еттига яқин, Токиодаги Синдзюку ер ости ўтиш жойи бекатида полиция назоратчиси устунга сұяниб ўтирган ҳолда ўлиб қолған қирқ ёшлардаги бир бечорани топиб олди.

Полицияның хабар бершичка, мурда озгін эмас, бүйі 1 метру 63 сантиметр. Эгніда енги узун ола күйлак ва оёғида иш этиги бўлған; худди саёкларникига ўхшаб соchlари олинмаган. Енидан бир юз йигирма беш иена майда пул ва, чамаси, тагига тўшаб ётиш учун олинган бўлса керак, бир даста газета чиқди. Исмини, яшаи жойини аниқлаш имконини берадиган ҳужжатлари ва бошқа далиллар йўқ.

Мазкур ер ости ўтиш жойи — энг гавжум жой, бир кунда ундан юз мингтагача одам фойдаланади (Синдзюку полиция маҳкамасининг берган маълумотига биноан), унда кўпдан-кўп автомат-телефонлар ўрнатилган. Кўзи билан кўрган гувоҳларнинг айтишиларича, бу одам қарийб ярим кун шу ҳолатда ўтирган, бироқ олти-етти соат давомида унга ҳеч ким эътибор бермаган ва то полиция назоратчиси ўзи пайқаб қолмагунча полицияга хабар қилмаганлар. Энг яқин полиция назоратхонасигача бўлған масофа ўн қадамдан ортиқ эмас. Лекин полиция назоратчиси устун орқасидаги марҳум менга кўринмади, деб даъво қилмоқда.

## **КЕЙИН МЕН БИР НЕЧА БОР УИҚУГА КЕТДИМ**

Дарвоқе, сен қачондир чиганоқ ўт тўғрисидаги ривоятни эшигтганимисан? Ҳозир мен ўтирган мана шу қияликдаги тошлар орасини ёриб чиқсан, япроқларини тиканак қоплаб ётган, худди мушакка ўхшаб очиладиган гиёҳ — ўша чиганоқ ўт деганларининг ўзи бўлади.

Ривоятда нақл қилинишича, кимки ана шу чиганоқ ўтни ҳидласа, тушида балиққа айланаб қолар эмиш.

Менимча, бу ёлғон, аммо ҳақиқат ҳам йўқ эмас. Чиганоқ ўт шўрхок, сёрнам тупроқни яхши кўради, хусусан, дengиз соҳилларида яйраб ўсади,— мана шунинг учун ҳам бу ривоят пайдо бўлган, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Шунга кўра, бу гиёҳ гулининг чангидаги алкалоидлар бош айланишига ўхашаш енгил беҳудлик қўзгатади, айни пайтда, нафас йўли ва шиллиқ пардани қитиқлайди. Бу эса, афтидан, одамда худди сувга шўнғиган пайтдагига ўхашаш сезги уйғодади, деган нуқтаи назар бор.

Аммо иш шу билан тугамайди. Уйқунинг ўзи қийин эмас, уйғониш қийин. Ростакам балиқ вақтни қандай ҳис қиласди — номаълум, бироқ түшида балиқ бўлганлар учун вақт ўнгдагига нисбатан бутуслай бошқача ҳаракат қиласди. Вақт ҳаракати тезлиги кескин камаяди — оддий сониялар кунларга, ҳафталарга айланган дек бўлиб туюлади.

Аввало, вазиятнинг ғайрноддийлиги ҳайрон қолдинади: сувости қояларини қоплаб ётган дengиз гиёҳлари навозишидан қулфи дилинг очилади, шишадай ялтироқ тўлқинлар вужудга келтирадиган нурли тасмалар орасига шўнғиб кетасан, беташвиш жажжи ча вақлар тўдаси ортидан қувасан — хуллас, ернинг тортиш жучидан халос бўлган гавда сенгиллиги сенга ҳузур бағишлияди. Ўзингни си-енгил, қушдан ҳам сенгил бўлиб қолгандай ҳис қиласан. Камида бамисоли ўн йилга ёшарғандек, ҳастдан мамнун бўласан. Ернинг тортиш кучи билан боғлиқ барча таи изтироблари — ошқозондаги юқ, бўйин ва энса қотиши, тизза бўғинларидаги оғриқ, оёқ шиши — сени бир зумда тарк этиди-қўйди.

Түшида балиқ бўлган одамни вазисизлик бамисоли майдек маст қиласди.

Бу ростакам балиқнинг аллақачон жонига теккан ва у ҳушига келган бўлар эди. Вақт имиллаб ҳаракат қилса, юрак чидаб бўлмас даражада сиқилади. Шундай экан, юраги сиқилиб кетсан соҳтабалиқ қай даражада аламзада бўлишини тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. Унн бешала туйғуси ҳам фалаж бўлган пайтдагига ўхашаш итоаткорлик туйғуси эгаллаб олади. Озод вужуддаги вазисизлик аста-секини ёқимсиз бўла боради. Гўё бутун гавда ўраб-чирмаб бойлангану балиқ шаклидаги итоат кийими ичига тиқилгандек. Оёқларнинг товонлари ўзлари устида юриб ўрганган қаттиқ ерни соғинади. Бўғинлар эса мушак ва тўқималар

ізаро тенг баҳам кўрадиган оғирликни назокат билан ёдга олади. Сохтабалиқ юришни орзу қилади. Аммо, гаажжубки, у тўсатдан, юриш учун зарур аъзо — оёқлари йўқлигини пайқаб қолади.

Фақат оёқлари йўқ бўлса кошки эди. Кулоқлари ҳам, бўйши ҳам, елкаси ҳам... ва, энг муҳими, қўллари йўқ. Чидаб бўлмас мажруҳлик ҳисси. Энг алам қила-дигани — қўлларнинг юлиб олинганлиги. Ўзинг қизиқ-қан нарсанни тики қўлинг билан ушлаб кўрмас экансан, қўнглини жойига тушмайди. Бармоқларнингни ишга солиб: шапатилаб, пайпаслаб, бураб кўрмагунингча бу нарсаннинг ўзи нима эканлигини аниқлаш амримаҳол. Ҳаммавақт то қўнглини жойига тушгунча ушлаб, си-лаб-сийпалаб кўришга интиласан. Бир ёқда манави усти тангача-тангача жирканч қол. Бор кучингни тўплаб, уни йиртиб чиқмоқчи бўласан, аммо,— елкасузгич ҳанотингни тараанг қилиб ва ойқулоқларнинггай кенг очиб, ўзинѓаги сарғиш-кўкиш зардобни сиқиб ташлашгина насиб этади, холос.

Аъзойи бадани қонга тўлаётгандек, ғужанак бўлиб жон талвасасида титраётгани соҳтабалиқни: бирдан соҳтабалиқ бўлиб чиқсам-а, деган машъум шубҳа қуршаб олади. Шубҳа ғимирлай бошланши биланоқ ҳайратомуз нарсалар рўй беради. Ана шу сўзлар миясига келса, қўл-оёғигина эмас, ҳатто овоз пайчалари ҳам бўлмаган балиқ бемисл азобларни бошидан кечиради. Йикки ўт орасида қолади.

Наҳотки, бу воқеалар туш бўлмаса?

Ҳар қалай, жуда чўзилиб кетган туш. Шу қадар узоқ давом этган, ҳатто қачон бошланганини ҳам эслаб бўлмайдиган сўнгсиз туш. Қачондир уйғониш насиб этадими ё йўқми?

Кучинг борича ўз кафтингни чимчилаш — тушингда бунинг туш эканлигини ўз-ўзингга исботлашнинг энг жўн усули,— мен буни кўп марта қўллаганиман ва у бетўхтов таъсир этади... Тўғри, бу тушда, афсуски, сенинг чимчилайдиган тирноқларнинг ҳам, чимчиланадиган кафтинг ҳам йўқ. Агар бу усул ҳам тўғри келмаса, на илож, бошқасини синаб кўриш мумкин — бор жасоратни тўплаб, ўзни қоядан ташлаш. Бу усулини ҳам кўп марта муваффақият билан қўллаганим эсимда.

Муҳими, қўл-оёқнинг йўқлиги халал бермайди. Аммо денгизда сузиб юрган балиқ йиқилиши мумкинми,— гап мана шунда.

Мен балиқ йиқилганини ҳеч қачон эшитмаганман.

Хатто ўлган балиқ ҳам сув юзида сузиб юради. Осмонда учиб юрган ҳаво шарига қараганда, балиқнинг йиқилиши қийинроқ. Балиқлар учун йиқилиш — аксилийқилишдир.

Аксилийқилиш...

Ҳа, бундай усул ҳам бўлиши мумкин. Бу — пастга йиқилиш эмас, аксинча, осмонга йиқилиш, ҳавога чўкиш демакдир. Парчаланиб кетиш қўрқуви эса то ўлгунча илгаригидек қолаверади. Ерга йиқилганда қандай уйғонсанг, демак, аксилийқилишда ҳам худди шундай уйғониши мумкин.

Бир гал соҳтабалиқнинг хаёлинни ана шу фикр әгаллаб олганида, совуққонларга хос бўлмаган қўрқоқликнинг ҳужумига кутилмагандан дуч келиб, яна ҳам баттарроқ довдираб қолди. Тушингда фақат бунинг туши эканлигини билсанг бўлди, тушдан чиқадиган эшикка қараб йўл оласан. Шунча азобни тортишга тортдинг, содир бўлаётган ҳодисаларни мабодо яна бир оз кузатсанг, қандай ўзгариш рўй бериши мумкин?

Соҳтабалиқ кутишга қарор қилди. Унинг денгиз мовийлигига бўялгаи иродаси ҳатто қуюқлашиб, янада мовийроқ бўлди.

Қунларни қувиб куилар, ҳафталарни қувиб ҳафталар үтди, соҳтабалиқ учун ҳам бир тўхтамга келадиган вақт етди. Тўфон кўтарилди. Тропик миңтақаларда тез-тез рўй бериб турадиган даҳшатли циклон ёпирлиб келиб, денгизни туб-тубигача ларзага солди. Шундай баҳайбат тўлқинлар кўтарилди, улар ҳатто қўрқоқ, мужмал соҳтабалиқ юрагига ҳам жасорат ато этишга қодир эди. Ҳалокатга интилаётгани учунгина эмас, йўқ, у шунчаки ўз гавдасини жўш ураётгак денгиз билан омихта қилиб юбориш ҳаракатига тушган эди.

Тўлқин тўсатдан ёпирилди — унинг биқинига нақ элликта электр арра тишини санчгандек бўлди. Тўлқин соҳтабалиқни бағрига олиб, кўтариб кетди, бориб соҳил бўйи қояларига урилди-да, уни баланд осмонга улоқтириб ташлади. Соҳтабалиқ ҳавога чўкиб, ҳалок бўлди.

Хўш, у уйқусидан уйғондими? Йўқ, чиғаноқ ўт уйқуси осонлик билан тарқамайди. У шу жиҳати билан ҳам одатдаги уйқудан фарқ қиласди. Соҳтабалиқ уйғон масдан олдин ҳалок бўлди, энди уйғонишининг ортиқ ҳожати йўқ эди. У тушининг давомини, ўзи ҳалок бўлгандан кейин нималар рўй берганини охиригача кўри-

ши керак эди. Ҳулласи калом, сохтабалиқ учун бир умр сохтабалиқлигича қолишдан ўзга илож йўқ эди, уни бамисоли янгича усул билан музлатган эдилар.

Тўфон тинди, соҳилга чиқариб ташланган балиқлар ичиди чиганоқ ўтини ҳидлаб уйқуга кетган баҳтиқародари талайгина эди.

Бироқ мен нима учундир ҳалигача бирор марта ҳам балиққа айланганим йўқ. Неча марта ухладим, лекин яшик-одамлигимча қолавердим. Бундоқ ўйлаб кўрилса, сохтабалиқ билан яшик-одам ўртасида, менинг тасаввуримча, унча катта фарқ йўқ. Яшик кийиб мен ўзим бўлмаган сохта ўзимга айландим. Балки, менда, сохташахслик, балиқ тўғрисида туш кўришга йўл қўймайдиган иммунитет ҳосил бўлгандир. Эҳтимол, яшик-одам ҳар қанча уйғонмасин, бари бир яшик-одамлигича қолаверар.

**Ваъда бажарилди, кўприкдан эллик минг иена яшик ҳақига қўшиб хат ҳам ташланди. Бу воқеа бор-йўғи бундан беш дақиқа олдин содир бўлди. Хатни шу ўрининг ёпиширияпман.**

Мен сизга ишонаман. Тилҳат керак эмас, яшикни йўқотишни ўзингизга ҳавола этаман. Илтимос, то тошқин бостириб келгунча яшикни бузиб, денгиззага ташланг.

Ғалати иш. Қизнинг хатини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Балки уни аллақаҷон бошқача ўқиш керакдир? Йўқ, мен уни айнан тушундим, бошқача изоҳлашга ҳозир ожизман. Мен бу кўк чизиқли, уч букланган варақни ҳидлаб кўрдим. Сал-пал креозот ҳиди бор.

Мён врач келса керак деб ишонган эдим. Чунки бу ҳаракатларнинг ҳаммаси, майда-чуйдасидан тортиб, унинг ҳужумидан огоҳ этарди. Аммо қизнинг ўзи келди. Ҳа, ўзи келди. Унинг ўзи... Сабабини тушунолмаяпман... йўқ, тушунаман... қиз ваъда берган эди, ваъдасини бажарди, холос. Нима учун мен шунчалик бўшашиб қолдим? Ундан сотқинлик кутганим учунми? Бўлиши мумкин. Ҳар қалай, мен учун бу қизнинг ваъдасига хиёнат қилгани тузукроқ бўлар эди. Аммо у сўзининг устидан чиқди, бўшашиб қолга-

нимнинг сабаби ҳам шу. Ҳай, шошма, мухим бир нарса эсимдан чиққашга ўхшайди. Масалан, бу ишда қизнинг тутган ўринини... унинг муносабатини асосли равишда яна бир карра тарозига солиб кўриш лозим...

...Назаримда, ёзувни давом эттиришдан ҳеч қандай маъно йўқ. Мен бирорни ўлдирмадим, мени бирор ўлдирмади, шунинг учун ҳам бу тушунтиришларни яна қайтадан бошлаш фирт бемаънилик бўлади.

Осмондан учиб тушган адрессиз хат... йиртиб ташлаб юборсаммикан?

Ўзингни бос. Ахир бу ерда эллик минг иена бор. Бунинг устига менга ҳеч ким пулни ол-да, ёзувларингнинг баҳридан ўт, дегани йўқ. Қиз мендан бошқа нарсани — яшикдан кечишимни талаб қиляпти. Эллик минг иена учун мен унга яшигимнинг бутун инон-ихтиёрини бердим. Табийки, шартимизга биноан, мен унинг хоҳиши-иродасини бажо келтириб, яшигимни бузиб ташлашим керак. Бари бир, бунинг маъносига ҳеч тушуниб етолмаяпман. Яшикнинг баҳридан ўтдим, деб фарз қилайлик, хўш, бундан кимга, қандай манфаат етади? Фақат яшикни денгизга улоқтириб юбориш учун эллик минг иена... нима десанг деявер-ку, аммо бу ҳаддан ташқари сахийлик... наҳотки, мен уларнинг қўзиға шу қадар суқаноқ бўлиб, тинчлик бермаётган бўлсам? Одам ўз нафсонияти қадрини бунчалик ошириб юбормаслиги керак — баҳона ҳам сал эви билан, ҳаёттийроқ, ақл бовар қиласиданроқ бўлгани тузук. Қандайдир мутлақо аниқ, тош босадиганроқ бир сабаб бўлса керакки, улар эллик минг иенани шамолга совуриб юбордик, деб ачинмайтилар.

Нима қилсам экан? Бошим қотиб қолди. Ё эллик минг иенасини башарасига қараб улоқтираммикан? Агар бу иш қўлидан келмайди, деб ўйлаётган бўлслар, қаттиқ янгилишадилар!

Мабодо мулоҳазаларим асоссиз бўлса-чи? Қиз, яшик врачанинг қўлига тушмаслиги учун бу режани ҳар тарафлама ўйлаб тузган, деб фарз қилиш ҳам мумкин. Бир сабаб борки, врач ўлиб-тирилиб яшикни қўлга киритиш пайига тушган. Қиз дастлаб унинг рёжасига кўнгап бўлиши ҳам мумкин. Ёки ўзини рози қилиб кўрсатган. Аммо аста-секин, режа амалга ошадиган вақт

яқинлашған сари иккилана бошлаган. Үйлаб-үйлаб, бу ишнинг охири баҳайр бўлмаслигини тушунган. Бироқ қиз врачци бунга ишонтириш учун қанча жон коийтасин, у қизнинг гапини эшитишни ҳам хоҳламаган, шундан кейин қиз учун режанинг амалга ошувига халақит беришдан бошқа илож қолмаган. Баҳти чопиб, қиз аллақандай бир яшик одамнинг илтифотига сазовор бўлган. Ва, яшикни яшик-одамнинг ўзига буздирсам нима бўларкин, деб ўйлаган. Шундай қилиб, яшик йўқолади, врач ҳам истаса-истамаса вазиятга бўйсунишга мажбур бўлади.

Ҳа, врачнинг мақсади қандайлигидан қатъий назар, бу менга тамомила мантиқли бўлиб туюляпти... чамаси, эллик минг иенага арзиди. Қиз нима мақсадда врачга халал бериш учун интиляпти — одатдаги худбинликтан желиб-чиқибми ёки унга ғамхўрлик қилмоқчи бўлибми,— аҳвол ана шунга қараб сезиларли дараҷада ўзгаради, лекин бир нарсани комил ишонч билан тасдиқлаш мумкинки, уларнинг ўртасида якдиллик йўқ. На илож, айтиш керакки, аломати ёмон эмас...

Ҳар қалай, яшик билан хайр-хўш қилгандан кейин ҳолимнинг не кечиши мени ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Негаки, хотиржам бўлиш учун ҳалин зарур маълумотларни тўплаганимча йўқ. Афтидан, қизнинг ҳақиқий нияти нима эканлигини аниқлаганимдан кейингина яшик билан хайрлашмоғим керакка ўхшайди. Ахир, бунга менинг ҳаққим бор. Устига устак, ростини айтсам, қиздан хафаман. Унинг ўзи келгани жуда яхши, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас, лекин ўзини ҳаддан ташқари расмий тутди. Ҳатто тўғондан пастга ҳам тушмади. Енгил велосипедини физиллатганча (юк кемасининг сарчироғи кумушдек товланаётган ёмғирпўшини.. ёмғирпўш ичидан сезилиб турган баданини... ва, ниҳоят, мени шошириб қўйган тиззаларни ҳамда бақувват оёқларининг ҳаракатини ҳритиб турарди), «Чўмилиш ман этилади» деган ёзувлси тахтача ёндан ўтиб, мен чўнтак фонаримдан туширган огоҳлантирувчи титроқ шуълага эътибор ҳам бермай, маъмурий автострадага чиқди-кетди. Бир оздан сўнг мендан икки метрча нарида титраганча нур доираси сирғана бошлади. Бу кўприк панжараси оша энгашиб, ўзини ёритаётган қизнинг чўнтак фонаридан тушаётган нур эди. Қиз юқорига қарав имкониятидан маҳрум яшик-одам учун, кўриш майдонидан ташқарида эди. Кейин аллақандай товуш... нур доирасидан сал нари-

роққа тұп әтиб нимадир тушди. Оғир бұлиши учун тош солинган полиэтилен қопчиқ. Ичидә ҳалиги хат ва ҳар бири ўн минг иенадан бешта буралған қофоз пул бор әди. Шу билан қыз кетди. Қарийб шундоққина ёнимда әди, бир оғиз ҳам сүз қотмай кетди-қолди. Чайир оёқларининг ҳаракати қоронғилликка кириб йўқолди, кейин ҳўл ёмғирпўшнинг ялт-юлти ўчди ва, ниҳоят, қизил чўр ҳам сўнди. Хатни ўқиб бўлиб, пулни санаётганимда дафъатан қулогимга шивалаб ёғаётган ёмғирнинг элас-элас шовуллаши чалинди. Ким билади, балки бу бошим томирларига шовуллаб қуйилаётган қоп товушидир.

Эллик минг иена!.. Мен қизга... инъом қилаётган киши учун, эҳтимол, бу арзимас чақадир, аммо уни олмаслиги керак бўлган яшик-одам учун эса, эллик минг иена — катта пул эканлигини тушунтироқчи әдим. Қиз яшик-одам тўғрисида ҳеч нима билмайди. Яшик яшик-одам учун қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида у жуда енгил-елпи ўйлади. Мен ўз фазилатим билан мақтанмоқчи эмасман. Биргина мақтанчоқлик учун яшикда уч йил ҳаёт кечириш мумкинми? Тарки-дунё қилган қисқичбақа чиғаноққа кириб яшай бошлиши билан гавдасининг орқа томони ҳам унга қўшилиб битиб кетади, мабодо у чиғаноқдан зўрлаб суғуриб олинса, ўша заҳоти ҳалок бўлади. Фақат олдинги оламга қайтишим учунгнина яшикдан чиқадиган бўлсам, кераги йўқ. Мабодо пўстимни, бамисоли туллаган ҳашаротдек, ўзга бир оламга ташлай олиш қўлимдан келсайди, фақат шундагина яшикни тарқ этган бўлар әдим.

Яширин умидим ҳам йўқ эмасди: бордию қиз билан учрашув кутилмагандан менга шундай имконият бериб қолса-чи, ана унда...

Йўқ, яшикдан чиқишни тасаввур ҳам қила олмасдим.

Бордию чиқсан,— ўрнимда қандай жонзор пайдо бўларкин.

Яшик-одамдан — одам ғумбагидан,

## КЎЗГУДА

Ёмғир тина бошлиди, аммо шамол турди. Шиддатли шамол ёмғир томчиларини елпигичга ўхшаб тўзғитади. Зимистон тун. Фақат мен бораётган клиника дарвозасидаги қизил чироқ, бино жуда қулай ерда

жойлашганидан бўлса керак, ҳаммавақт ва ҳамма жойдан кўринади. Кўкимтири қоронғиликда у бамисоли заррачадек кўзга ташланади. Мен бу йўлдан жуда кўп юрганман, аммо яшик кийиб биринчи марта ўтишим. Шунданми, ҳар қалай, йўлнинг охирни йўқдек туюлади. Яшикда бўлсанг, ҳар қандай масофа ҳам, одатда, малол келмайди.

Ҳар бир одам манзарадан ўзига керакли нарсаларни танлаб олади ва фақат ўшаларнигина кўради. Мисол учун, автобус бекатини жуда яхши тасаввур қилиган ҳолда, унинг шундоқ ёнгинасида ўсиб турган бир неча мажнунтолни хаёлга ҳам келтирмаслик мумкин. Йўлда думалаб ётган юз иеналик танга албатта кўзга ташланади, агар унинг ўрнида занг босган қийшиқ мих ёки йўлёқдаги ўт-ўландан бир боғ тушиб қолган бўлса, гўё у ерда ҳеч нарса йўқдек, одам уларни пайқамай ўтиб кетаверади. Шунинг учун агар йўл тўғри бўлса, киши одатда чалғимайди. Лекин яшикнинг ўйма дарчасидан қарасанг, ҳаммаси бошқача бўлиб кўринади. Манзарадаги барча икир-чикир нарсалар бир-бирига ўхшаб қолади, бир аҳамият касб этади. Сигарета қолдиги ҳам... итнинг изи ҳам... иккинчи қаватдаги пардаси ҳилпираб турган дераза ҳам... темир бочка биқинидаги пачоқ жой ҳам... бармоқقا зўрлаб тиқилган ниноҳ узуғи ҳам... сўнгсизликка сингиб кетган темир йўл излари ҳам... ёмғир тегиб қотиб қолган бир қоп цемент ҳам... тирноқлар остидаги кир ҳам... зичлаб ёпилмаган люк қопқоғи ҳам...— менга ҳаммасидан ҳам мана шу манзара кўпроқ ёқади. Негаки, нари-берида турганликларини аниқлаш мумкин бўлмаган нарсаларнинг шакл-шамойили айқаш-уйқаш ҳамда кўп жиҳатдан менинг аҳволим билан яхлит умумийликка эга. Аҳлатхоналар жозибаси... Яшикда турив томоша қилсанг, бирорта манзара ҳам кўнглингга урмайди.

Бироқ ҳозир тепаликдаги клиникага элтувчи тунги тикка йўл яшикнинг ана шу имкониятини чеклаб қўйган эди. Менга ҳеч яқинлашмаётгани қизил чироқ Юмуқ кўзлардаги қонли қизил доғ. Оёғим остида атрофга ўхшаб жуда ҳам сим-сиёҳ бўлмаган тошлиқ йўл. Сийқа ашёлари билан кишининг ғашига тегувчи манзара. Фақат узоқ-узоқларда осмонгина оқимтири (ҳа, гарбда булултлар тарқай бошлади). Тун ҳаддан ташқари сим-сиёҳ бўлгани учун ҳам, балки, кайфиятим бузуқдир (тунни ёмон кўришимнинг сабаби ҳам шу).

Балки бу мақсадимнинг ҳаддан ташқари равшанлиги-дандир.

Шунга қарамай, яшигимни енгилгина ликиллатган-ча қичаб юриб турибман. Аммо яшик шошқалоқларга мўлжалланмаган. Унда ҳаво айланиши ёмон, дарров қора терга ботасан. Азбаройи терлаганингдан, чирки юмшаб, ҳатто қулоқларинг ҳам қичишади. Гавда олдинга эгилган, яшик ҳам օғиб, белингта урилиб-уриниб туради. Яшик картондан, шунинг учун урилганда чиқа-диган овоз ҳам паст.

Тўсатдан аллақандай жониворининг ҳансираши эши-тилди. Баҳайбат бир кўпак тиззамга қўполлик билан сўйкалди ва шу заҳоти ангиллаб қочиб қолди. Унинг ҳўл яғрини худди қизил рангга бўялганга ўхшарди. Бошимни кўтарган эдим, кўзим дарвозадаги қизил чироққа тушди. Туман тарқаб, икки табақали темир дарвоза кўринди. Тунда кўзга ташланиб туриши учун ялтироқ рангга бўялган қўнғироқ тугмаси. Аммо мен дарвозани очдириш учун қўнғироқни чалмоқчи эмасдим. Врач билан юзма-юз кёлишга тоқатим йўқ эди. Чаврадевордан ҳатлаб ўтдиму ўзимни ҳовлида кўрдим. Ит мендан ўзиб, ҳовлига ўтиб олган, бироқ ҳуриш нияти йўқ эди. Менга ўргансин, деб атайлаб олдиндан қорни-ни тўйғаздим. Деразалардан бири хира ёруғ. Баланд бўйли, қаттиқ ўсимлик оёғимдан чалди. Эски гулпушта ўрни бўлса керак. Гулпушта тевараги ўралган тош-лардан бирига қоқилиб, муњкиб кетдим, ит мен билан ўйнашяпти, деб ўйлади шекилли, шўхлик қилиб ташла-ниб қолди. Жойимда таққа тўхтаб, нафасимни ичга ютганча қотиб қолдим, аъзойи баданимни тер босди, тер оқиб кўзимга кирди.

Қизининг хонаси ўйнинг қарама-қарши томонига қа-раган, чапдан иккинчи дераза. Ушандан берн бир соат ҳам вақт ўтгани йўқ, балки у ҳали ухлашга ётмаган-дир. Агар ўтган бўлса ҳам, ҳали уйқуга кетмаган. Қўрқиб уйғониб бақиради, деб ташвишланимасам ҳам бўлади. Пулни қайтариб бериб, шартимизни бекор қилмоқчиман, агар насиб этса, дераза орқали бўлса ҳам, у билан бор гапни гаплашиб олишга уриниб кў-раман. Мақсадимни амалга ошириш учун, унинг ўзини қандай тутишнга қараб, бирон қулай усул танлашимга тўгри келади, ҳатто куч ишлатишга мажбур бўлишим ҳам мумкин.

Ҳа, лекин ҳовлига қараган манави ёруғ дераза қан-дай хона бўлдийкин? Анавиниси қабулхона, кейингиси

муолажаҳона, ундан кейингиси... балки бу хонада аппаратлар турар... Соат бирга қараб кетяпти, чироқни ўчириш эсларидан чиққан бўлса керак, деб ўладим, лекин бари бир, кўнглим жойига тушмади. Ишонч ҳосил қилиш учун ичкарига мўралаб қарамоқчи бўлдим.

Ойнаси ярим белигача хира эди, фақат шифт кўринди. Пастдан, чамаси стол устидаги чироқдан келаётган нур хона тўрига учбурчак шаклида тушиб турибди. Ичкарида нима бўлаётганини билиш учун оёқ тагига бирорта баландроқ нарса қўйиш керак. Турган гапки, чўнтақ фонаримни қўййшим мумкин эмас. Бахтимга, яшигимдаги ашқол-дашқоллар қутичасининг тагида ётгац автомобиль кўзгуси эсимга тушди. Бир пайтлар асқатиб қолар, деган ўйда ташлаб қўйган эдим. Кўзгунинг чангини артиб, уни сал қийшайтирдим-да, бoshимнинг устида баланд тутиб, пастдан унга қарадим. Баланд кўтарилиган жажжи кўзгуга яшикнинг кичкинагина дарчасидан қараб, ичкарида нима воқеа бўлаётганини кузатиш озмунча меҳнат талаб қилмайди. Ҳар қалай, жон койитиш керак. Ҳеч кутилмаганда (нима учундир хонадаги нарсаларнинг оёғи осмондан қилиб қўйилган, деган хаёлга бордим), деярли ҳаммасини ўз ҳолиша кўриш насиб этди.

Мен биринчи бўлиб — каттакон иш столи чеккасида турган чироқни кўрдим. Кейин — оқ бўшлиқ. Кўзгуни тўғрилаганимдан сўнг оқ бўшлиқ иккига бўлинди: бири эшик, бири девор экан. Эшик ва деворда қайта-қайта бўяшлар ҳам яшира олмаган, қирилган, тирналган жойлар талайгина эди. Баланд каравот, афтидан, касалхонаники бўлса керак,— у ҳам оқ. Девор рангидан зўрга фарқлаш мумкин бўлган, яна ўша оқ рангга бўялган, китоблар ва эски журнallар билан лиқ тўла, тирбанд жавон. Катта, кўримсиз хона,— тўғри, иш столи ёнида стерилизатор турибли — ҳар эҳтимолга кўра, бу — ҳам кабинет, ҳам врач яшайдиган хона бўлса ажаб эмас.

Хулласи калом, бу қанақа хона эканлигининг аҳамияти йўқ. Кейинроқ, мен ўз хотираларимни тартибга келтириб олганимдан сўнг, хона менда ана шундай таассурот қолдирди. Унда икки киши бор эди. Иккиси ҳам диққатимни қаттиқ жалб этди. Қолган ҳамма нарса олақуроқ бўлиб кўринди, мен гўё мураккаб кўзли ҳашарот этдим.

Икковидан биттаси ҳалиги қиз. Воқеа худди шу бинода рўй берадиганига ҳам, қиз худди шу ерда экан

лигига ҳам — ажабланишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Аммо... қиз яланғоч эди. Қип-яланғоч ҳолда, хона ўртасида туриб, мен томонга сал эгилганча аллаким билан гаплашар эди.

Қиз яшик-одамга мурожаат қилаётган эди. У эса, худди меникига ўхшаган яшик кийиб, каравот қиррасида ўтиради. Мен турган жойдан яшикнинг фақат орқа ва ўнг девори кўринарди, шунга қарамасдан аниқ билдимки, у ҳажми билан ҳам — бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас — лой теккан ўринлари билан ҳам, ҳатто мол номи ёзилган, чала-чулпа ўча бошлиган ёрлиги билан ҳам — устимдаги яшикдан заррача фарқ қилмас эди. Менинг яшигим Ҳасан бўлса, унинг атай-лаб танлаган яшиги Ҳусан эди. Ичидаги эса.. турган гапки, врач.

(Тўсатдан бир нарсани ўйладим: эсимга тушди, худди шу саҳнани мен илгари ҳам қаердадир кўрган эдим).

Мен ва қип-яланғоч қиз — хонада иккимиздан бўлак ҳеч зор йўқ,— ҳатто унга дахл қилганим ҳам баданимда яна ўша сезгини уйготиб, хотиралиганимни кераги бор. Бу хотира эмас, ҳирсий орзу. Ҳозир мен бу ерга фақат эллик минг иенани қайтиб бериш учунгина келганимга ишониш қийин. Эҳтимол, кўнглиёнинг тагида мазкур саҳнанинг шоҳиди бўламан, деб яширик умид қилгандирман. Уни — яланғоч қизни томоша қилиш... уни то шунчаки ечиниб олган яланғоч қизга қараганда яна ҳам яланғочроқ бўлиб кўрингунга қадар томоша қилиш...

(Хошиядаги қайдлар. Қизил сиёҳ. Мўрабаб кўриш нима учун менга бунчалик ёқиб қолди? Балки бу ортиқча қўрқиши натижасидир. Еки ўта қизиқувчаникданмикан? Агар ўйлаб қаралса, шу нарса эътибордан четда қолмайдики, мени яшик-одамга айлантирган туйғу мўралаб кўриладиганларга нисбатан иштиёқимни қондирин учун бўлган интилишдир. Ҳамма жойда ҳамма нарсани кўришга иштиёқим зўр, лекин бутун дунёни илма-тешик қилиб юборишнинг иложи йўқ, шунинг учун ҳам мен яшикни ҳамма нарсани мўралаб кўриш мумкин бўлган ана шундай кўчма туйнукка айлантиридим. Менда қочиш истаги пайдо бўлди, айни пайтда, кузатиш хоҳиши ҳам

туғилди. Улардан қайси бири устун чиқаркин?)

Қизни ўғринча күришнинг енгиб бўлмас истаги ҳаддан ошиб, мени шу қадар шинлириб юбордики, на-тижада яшик ҳам анча қаппайиб кетди. Бамисоли қаварган милкнинг қичишишига ўхшаш сезги бутун оғизимни тўлдириб юборди. Бироқ бунда фақатгина мени айблаш ярамайди. Қиз ҳам мусичаи бегуноҳ эмас. Ҳатто, врач яшик учун худди шу қиз орқали эллик минг йена тўлаганини, менга фоторепортёр сифатида ёрдам кўрсатишга худди шу қиз ишора қилганини эъти-бөрдан четда қолдирганда ҳам, уни бегуноҳ деб бўлмайди...

Елкамдаги жароҳатни боғлаб қўйганидан кейин қиз менга ўз ҳаёти ҳақида гапириб берган эди. Унинг хи-кояси қўйидагича эди. То ўргамчик медицина ҳамшира-си бўлгунига қадар хусусий рассомлик мактабларида, ҳаваскор-живописчилар клубларида (пушаймоннинг таъми аччиқ) яланғоч ўтириб, суратини чиэдириш ор-қасидан кун кўрадиган қашшоқ толиба-рассом экан (истеъдодлими, йўқми — ҳозир гап бу ҳақда эмас). Ик-ки йил муқаддам уни мана шу клиникада abort қилган-лар (қиз менда жисман яшай бошлади). Аммо жиддий асборат туфайли ўшанда у уч ой клиникада ётиб текин даволанган, шу орада бу ерда ишлайдиган ҳамшира бўшаб кетади-ю, ўрнига уни ишга оладилар (ичида алланима, нималигини лайқаш қийин эди, титраб кетади). Иши кўплигидан бош қашишга қўли тегмасди, лекин иложи борича, уни аяр эдилар. Мабодо айрим кечиктириш мумкин бўлмаган тасодифлар рўй бериб қолмаса, кечқурулари ва ишдан бўш кунларида расм чизиши учун ҳам унча-мунча вақт топилар эди. Аммо, агар, тайин даромаддан кўнгил узолса, рассомлар ол-диди ўтириб суратини ишлатиш унга ҳаммасидан ҳам кўпроқ ёқар эди. «Рассомлар олдиди туриш — фақат бекорчилик бўлгани учунгина ёқмасди менга, йўқ, асло,— деб соддадиллик билан қўшиб қўйди қиз.— Дарвоҷе, рассом олдиди турганингда қўлингии совуқ сувга ҳам урмайсан, бироқ бу анча-мунча сабр-тоқат талаб қи-ладиган оғир иш. Устига устак, яланғоч турган пай-тингда сени чулғаб оладиган ҳаяжон умрии шиддатли қилиб қўяди, яратиш иштиёқини қамчилайди». (Алда-япти, деб ўйладим мен. У чизган суратлар муайян шаклдан маҳрум, аслига қараб чизишига ҳеч қандай алоқаси йўқ.) Жувон яна шунга ишора қилдики, агар

врач қатъий қаршилик күрсатмаса, у ҳозир ҳам рас-  
сом олдида ўтириб сурат ишлатишни давом эттираве-  
ришга тайёр.

Бу воқеаларнинг рўй берйшига сабаб шуки, жувон  
менинг фоторепортёрлик касбимга қизиқиб қолган  
эди — бу энди очиқдан-очиқ жиғимга тегиш. Елмилтиқ-  
нинг (елкамдаги жароҳатдан суғуриб олинган) ўқидан,  
соғимнинг уқувсизларча кузалганидан, қиз, шубҳасиз,  
устидаги либосини тарқ этган ўша яшик-одам мен  
экандигимни фаҳмлаши керак эди. Бироқ бу гумон  
мени четлаб ўтди. Мен ғалати ҳисни туйдим: жувон гүё-  
жароҳатимни оналарча меҳрибонлик билап ялаб қўяёт-  
гани эди. Шунда кўзимдан тирқираб ёш чиқди. Ниҳоят,  
ўзимни қўлга олдим — мени кимдир синдирамасдан  
олдин ўзимни ўзим синдирганим маъқул. Аллақандай  
тишлар қовоқларимни ёриб кирди. Кўзларимда ўт чақ-  
нади, аъзоиҳ баданимни жувонга ана шу тишлар би-  
лан қадалишнинг ёввойи ғояси тириштириб юборди.

Маълум маънода ёввойи ғоямни амалга оширишга  
муваффақ бўлдим. Яланғоч — жувон... қараётган —  
мен... ха, чиндан ҳам мен унга, яланғоч жувонга қараб  
турар эдим. Тўғри, мени учун унинг яланғочлиги шарт-  
ли эди. Бу ялангочликни бошқа одам — менинг ўша  
қиёфадошим аллақачон кўриб улгурган. Мен ҳеч қан-  
дай қониқиши сезмадим, аксинча — рашким жунбишга  
келди. Томоғинг қақраб кетса, ўзинг сув ичиб турган  
манзарани кўз олдингга келтиришдан ўзга ҷора қол-  
майди. Мўралаб кўраётган одам сифатида мен ўзимни  
мўралаб кўряпман. Бир тушимни эсладим: азбаройи  
ночорликдан дағ-дағ титраб, шифтга парвоз қилганча.  
ўз мурдамга қараб турибман. Хижолат тортиб, ўз устимдан  
кула бошладим.

Қўлим толиқди, мен кўзгуни тўғрилаб турган бур-  
чак бузилиб, хона кўздан йўқолди. Кўзгуни бошқа қў-  
лимга олиб, уни дераза чорчўпига суюб, созладим. Бу-  
нинг саробдан ўзга нарса эмаслигига ақлим жуда яхши  
етарди, аммо бари бир, ҳалқумиигни ўт куйдириб тур-  
ганди, ўзингни ҳатто ҳаёлий сувга ташлашдан ҳам той-  
майсан.

Ҳалиги иккови бир-биринга юзма-юз турарди — ора-  
ларидаги масофа бор-йўғи тўрт қадам. Жувон ўзини  
бамайлихотир ҳис этарди, уларнинг муносабатларини  
ғаразли деб бўлмас эди. Эҳтимол, жувон бундан бир  
соат илгари бўлиб ўтган ишлар ҳақидаги ҳисоботини  
ҳозиргина тугатгандир? Агар уларнинг тили бир бўлса,

· ҳозир устимдан роса кулишади. Мен бўлсам шартномага риоя қилиб, ярим кунимни гирдобга тикилганча қўпrik тагида ўтказиб ўтирибман-а, мана, оқибати — эллик минг иена хўракни худди итга ташлагандай олдимга ташлашди; эҳ, мен — яшикка биқуниб олган сўтак, соддадил сўтак.. яшик калла... бир яшик нажас... яшикка жойланган қурт-қумурсқа... яшик кийган наҳс...

Қаршимдаги аёл қип-яланғоч бўлгани учун, мен унинг ёвузлигини ҳам, макру ҳийласини ҳам мутлақо сезмадим. Гарчи, илгаригидек ўзимни ҳақоратланган ҳис қилсан-да, менда унга нисбатан ҳеч қандай нафрат қўзғалмади. Мен унга думрав бўлиб юришга тайёрман. У — менинг идишйим, уни қиёфадошим менинг кўзимни шамғалат қилиб ўғирлаб олган. Унинг яланғочлиги мен фараз қилгандан ҳам юз карра мафтункорроқ эди. Табиий. Ҳаётий яланғочликни қувиб етиш учун — тасаввурга йўл бўлсин. Яланғочлик, сен уни кўриб турган вақт давомида, ундан кўз узмай баҳра олишнинг эҳтиросли истаги енгилмас даражага етгуига қадар мавжуд бўлади. Кўз узсанг, тамом, у йўқолади — уни суратга тушириб олиш, рассом бўзига кўчириш керак. Яланғочлик ва тан — мутлақо бошқа-бошқа нарсалар. Яланғочлик щундай асарки, уни қўл эмас, кўз яратади, тан эса унга хом ашё сифатида хизмат қилади. Тан гарчи жувонга тегишли бўлса ҳам, гап яланғочликка эгалик қилиш ҳуқуқига келиб тақалган пайтда. мен камтарона чекинмаслигим керак.

Ўнг товонни ердан сал кўтарган кўйи бамисоли тўлқинлар ичиди енгил чайқалаётган яланғочлик. Гўё кўзбойлағич бармоқлари орасидан юқорига интилаётган сеҳрли лента. Ўнг оёқнинг бармоқлари чалининг гулгайига суюниб турибди, букилган тизза бир томонга сал оғган. Оёқларининг нимаси мени бунчалик жалб этди экан? Нималаргadir сирли ишорасими? Дарвоқе, ҳозирги урфга қараб ҳукм чиқарилса, бу сир тан билан эмас, кўпинча оёқ билан боғлиқ. Фақат шугина эмасда, агар шугина бўлса — ҳиссиётни уйғотадиган оёқлар сон мингта-ку. Яшикдаги ҳаётим мени доим инсон гавдасининг қўйи қисмини кўришга мажбур этган ва оёқлар бўйича мутахассис қилиб юборган. Ким нима деса деяверсии, аёллар оёғидаги латофат, чамаси, уларнинг тақимидаги майнин силлиқлик билан белгиланади. Суяклар ҳам, пайлар ҳам, томирлар ҳам мушаклар ичига сингиб кетган, оёқнинг шаклига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган бўлиши керак.

Ҳар ҳолда, унинг бу ажойиб томошабоп оёқлари сал бўлса ҳам эркакча оёқларни эслатмас эди. Эркак киши ернинг тортиш кучи билан олишиб, елкасида беҳад оғир юклар кўтаргани, ҳаракатланиш воситаси сифатида фақат амалий мақсадларга хизмат қўлгани учун жазо-тариқасида унинг оёқлари серпай, томирлари йўғон ва бўртган бўлади. Бироқ мен қизнинг оёқларига қанчалик синчиклаб қарамай, уларда гавда оғирлиги вужудга келтирган зўриқиши аломатларини ҳам топа олмайман. Беҳаёларча тик турған латиф оёқлар — уларни фақат ҳали расида бўлмаган қизларнинг оёқлари билан қиёслаш мумкин. Бу оёқлар юришдан толиқсан эркакларга чанқоқ қондиришни ваъда қилиб, уларни жазб этади... Ернинг тортиш кучидан халос бўлган бу оёқлар бамисоли енгил қушдек ўз соҳибасига эркин сезги бахш этади. Аёлларникига ўхшаб тинч турмаётган, эркакларникига ўхшаб тап тортмай бостириб келишда давом этмаётган қайсар оёқлар. Тез югурувчи оёқлар таъқиб қилувчини ҳаммавақт жунибига келтиради. Бундан қизнинг оёқлари ҳиссист уйғотиш жозибасидан маҳрум, деган маъно келиб чиқмайди. Бу оёқларда оддий жисмоний жозибадан устунроқ алланима бор эди. Мен бу жувон оёқлари тимсолида хаёлий оёқни кўрдиммикин ёки уларни шунчаки хаёлий оёқ деб таърифлашга ҳаракат қилдимми?..

Салгина кўтарилиган ўнг сон, худди қуш ўмганига ўхшаб, кескин чизиқ тарзини вужудга келтирган. Сочининг қўмирламаётганига қараганда,— толалари енгил экан, бу бир қараашдаёқ пайқалади; чунки эркин ва жўн турибди,— шамол қаерданadir пастдан эсяпти. Совуқ ҳаво пол бағирлаб оқади, чамаси, елпаррак но-тўғри созланган. Сонлар зўриқиброқ турибди, шунинг учун қорин сал олдинга чиққандай ва бутунлай ҳимоясиздек туюлади. Елкалар эса — аксинча — кескин орқага ташланган ва телка билан тўғрибурчак ҳосил қилган энса, худди сиртмоқдан чиқариб олингандек олдинга осилиб тушган бошни тутиб турганга ўхшайди. Умуман, гавда ҳолати бемалол бўлса ҳам, худди хода юргандек таассурот қолдиради. Жувон ўнг қўлини киндиги, чапипи — тўши остига қўйиб, ўзини қучоқлади. Кўкраги остида сийнабанд изи қолган. Сонининг тепасидаги йўл лозимчаси изи бўлса керак. Чамаси, у ечинганига ҳали кўп вақт бўлган эмасди. Ечиб ташланган кийимлар шундоққина оёқларининг остида ётибди. Оппоқ ҳалати устидаги кичкинагина қора лозимча ним-

жон оёқчаларини узатиб ётган ўргимчакка ўхшаб күн ринади.

Жувон пастки лабини салгина тишлайди. Бироқ лаб ҳаммавақт чаққонлик билац чап бериб тишлардан четга қочади. Оғизни йирған бу табассум менинг юрагимга ҳасрат наизаси бўлиб санчилади. Жувон бошини кўтармасдан, манглайи тагидан менинг қиёфадошимга — яшик-одамга қарайди. У нимадир деди (чамаси жувонга ёқадиган гап), жувон бошини кўтариб унга жавобан бир неча оғиз сўз қотди. Елка мушаклари бамисоли пўлат қайнішдек тортилди. Бу тараанглик бошдан-оёқ бутун баданига ўтди ва асл яшикка қараб юрди. Бундай қилма, деб қичқирамаи, ичимда. Диафрагма худди қуритилган ҳўл терига ўхшаб хира тортиди, нафасим қисилди, дув-дув тер қўйилаётган юзим худди пишиб ўтиб кетган қовунига ўхшаб қолди. Жувон яшикдан нимадир олди. Охиригача ичилмаган бир стакан пиво. Унинг сохта яшик-одам ичган ўша стакани лабига олиб бориши менга мутлақо ёқмади. Мушакларим узилиб кетай-узилиб кетай дерди, бироқ мен ойнани ҳам синдирамадим, хонага отилиб ҳам кирмадим, у мени сотгани учун шундай қилмаган бўлсам керак (мана, яшик-одамга хос баҳонанинг ажойиб намунаси). У қолган ярим стакан пивони уқувсизларча, худди ургани сўргандай, ичиб тугатди. Стакани яшикка қайтарар экан, сал сакрагансимон, катта-катта қадамлар ташлаб орқага чекинди. Сохта яшик-одам устидаги хилватхонасини ташламаслигига кўзим етиб, енгил нафас олдим. Елкам билан яғринимни тортиб турган тараанглик йўқолди ва мен худди ўралаётган слимшак боғичникига ўхшаш товуш чиқардим. Оддинги жойига қайтаркан, жувон нима ҳақдадир тез-тез гап қотди. Кейин бирдан жим бўлиб қолди, шифтга қараб, белини уқалай бошлади. Яшик-одам яна гапга тушди, кўринишидан жувон энди унинг сўзларини лоқайдлик билан эшитар эди.

Кутилмаганда у товонида айланиб, эркакка орқасини ўгирди. Бутун вужудим тошга айланди,— фақат кўзларимгина қолди. Сохта яшик-одам куч билан олдинга ташланди-да, аста-аста чайқала бошлади.

Оёғим тагидаги ер бирдан тиккайгандай бўлди, ва мен, мувозанатимни йўқотиб, чўккалаб қолдим. Назаримда, мен овоз чиқарганим йўқ. Шангиллаган ер ҳам эмас, зерикиб, нима қиласини билмасдан оёғим тагига келиб ётган ит эди. Уни ими-жимида ҳайдаб юбо-

риш қийин. Тұрган ғапки, мен овоз чиқармаслигим керак, аммо ит ҳурса, бу ҳам ярамайды. Довдираб қолған ит яшикка күч билан ҳұл совунга үхшаш шишимшиқ түмшүғини тиқишига урина бошлади. Чамаси, менинг ёнимга кирмоқчи. Нима ҳам қилардим — кунимга яратиш учун олиб юрган гүштли консерва банкасининг оғзини очиб, унга ҳидлатиб, ялатдим-да, нарироққа отиб юбордим. Шүрлик ит энди банка билан әрталаб-гача олишиб чиқади.

Шошиб дераза ёнига бордим. Құлымнинг кири уриб, күзгү хирадашиб қолған эди. Қўйлагимнинг енги билан артиб, тезда тозаладим-да, яна созлаб ўрнатдим. Холада ҳамма нарса ўзгариб кетибди. Бахтимга, мен содир бўлади, деб фараз қилган ҳодиса рўй бермабди.

Синмаган, йиртилмаган сохта яшик ҳали ҳам ўша вазиятда каравот четида тураган эди. Жувон кийиниб олган. У хона бурчагидаги ёзув столи устига энгашганча чекмоқда эди. Этнидаги ҳаддан ортиқ узун халатининг ҳамма тұгмалари батартиб қадалган, энди оёқлари ҳам кўринмас эди. Халат оёқларини бекитиб турибди, жувон энди аллақандай ҳайрон қоларли даражада бе-фарқ — бутунлай бошқа бир одам бўлиб қолган. Сигаретанинг учдан бир қисми чекилган. Қошлар чимирилган, қовоқлар солиқ. Тирноқлар садафранг бўёққа бўялган. Бундан бир неча дақиқа бурун бу аёлнинг яланғоч бўлганига ҳатто ишонгинг ҳам келмайди. Нахотки, кўзгуда акс этган воқеалар хаёлдан бошқа нарса бўлмаса?

Қайдадир, буталар орасидан, консерва банкасини тишлирида маҳкам қисганча ерга уриб тарақлататеётган итнинг пишиллаб нафас олиши эштилади. Энсамни қашийман, қўлимга палахса-палахса кир илашади. Уларни эзғилай туриб, чуқур қайғуга ботаман. Нима сабабдан мен рўй беришини истамаган (яшик жувонга эга бўлиши учун), ҳар қандай ҳолатда ҳам рўй бера олмайдиган ҳодиса ҳақиқатда ҳам содир бўлмаган бир пайтда телбаларча бу азобни тортиб ўтирибман? Балки, мени ҳаддан ташқари тез-тез лақиллатишаётгани учундир?

Жувон бир қўли билан сигаретасини ўчирди, иккинчи қўлининг чинчалоғи билан, бошини енгил сарак-сарак қилиб, қулогини кавлади. Стол устидаги чироқ нури тўппа-тўғри унинг юзинга тушиб тургани учун кўзлари ўртасидаги оралиқ кенгайиб кетгандек туюлар ва кўзлари сал ғилай бўлиб кўринар эди. У тишлирини кўр-

сатганча ишонқирамай ишшайди — шу туришда қай-  
сар болага ўхшаб қолган эди. Бошини рад маъносида  
сарак-сарак қилиб, оғзини юмди ва унинг чўччайган  
пастки лаби фавқулодда пўрсилдоқ бўлиб кўринди.  
Кейин чаққон эгиллиб, худди кўзга, кўринимас ҳаво шари-  
ни тепиб юбораётгандек ҳаракат қилди. Жувон хона-  
ни кесиб ўтиб, эшикка қараб юрди. У юриши билан,  
бидимки, бу худди ўша жувоннинг ўзи эди. Қадамлар-  
даги бемисл енгиллик. Унинг бу вазнисизлиги, айни  
пайтда, бир паришонлик билан омиҳта эди. Сохта яшик-  
одам каравотдан сирғалиб тушди. Жувон ўгирилмасдан  
эшикни очди-да, кўздан йўқолди. Орқасидан отилмоқ-  
чи бўлган яшик-одам панжалари юлиб ташланган  
ҳашаротга ўхшар эди. Унда фақат резина этик йўқ.  
Қолган ҳаммаси — ҳатто белига ўралган қалин мато-  
гача меникидан бир туки ҳам фарқ қилмас эди. Эшик  
тарақлаб ёпилди, у тўхтади. Чамаси, у жувонни таъ-  
қиб қилмоқчи эмас, яшикни чайқата-чайқата йўна-  
лишини ўзгартириб, худди иштонини ҳўллаб қўйган  
кишидек, алпаңг-талланг қадам ташлаганча ўз ўрнига  
қайти. Мен яшикнинг олд деворини кўрдим. Мени-  
кидан ҳеч фарқ қилмайдиган дарчани қурилиши ҳам,  
ранги ҳам меникидан ҳеч фарқ қилмайдиган пласт-  
масса парда бекитиб турарди. Ҳа, у майда-чуйдасига-  
ча қолдирмай, ҳаммасидан айнан нусха кўчиришга му-  
ваффақ бўлган, бу эса озмунча куч талаб қилмаган,  
албатта. Иш шу қадар ҳафсала билан бажарилган  
эдики, буни шунчаки сохта ҳавас натижаси, деб изоҳ-  
лаш қийин. Нима мақсадда шундай қилди экан? Эллик  
минг иенани қайтиб беришга ҳар қанча уринмай, энди  
унинг менга ён босиш нияти йўқ. Мен эллик минг иена-  
ни олган дақиқадан бошлаб, ўзимнинг ҳақиқий яшик-  
одамлик ҳуқуқимдан айрилдим, қалбакига айлацдим.  
Чамаси, энди буни шундай деб тушуниш керак, ше-  
килли? Хонани кўндалангига кесиб ўтаётган робот-  
нинг қадам ташлаши менинг қадам ташлашимнинг  
худди ўзи эди. Соҳибининг иродасини менсимай, бил-  
ган номаъқулчилигини қилаётган ўз нусхангни кўзгу-  
да кўриш жуда ноҳуш ҳодиса. Оббо, аҳмоқ-эй. Нима  
учун устидаги яшикни ташлашга шошилмаяпти?.. Е  
мастмикан?.. Агар у анчадан бери яшикда яшаган  
бўлса, энди ундан чиқа олмайди. Чиқмасанг — чиқма.  
Балки, сенинг ўрнингга мен чиқарман. Назаримда, гап  
аслида, бир одамнинг ҳаракатлари тўғрисида кетаёт-  
гандек туюла бошлади. Келишувни, албатта, ҳалиги

Жувон ўйлаб топгаи. Мабодо чуқурроқ ўйлаб қаралса, жувоннинг мақсади бошдаёт бу одамни... яшикка тиқиш эканлигини пайқаш мумкин. Ўшандада жувон эркин бўлади. Бордию мен, шундан фойдаланиб, ўз яшигим билан видолашсам нима бўлади?

Бироқ мен ҳозирча бу ердан кетишга қарор қилдим. Ҳовлиқиб хулоса чиқариш ярамайди. Агар бир тўхтамга келсан, истаган пайтимда яшикдан чиқ оламан. Бафуржа ўйлаб, фикрларимни бир жойга тўплаганимдан кейин, эртами-индинми, бу ерга яна қайтиб келаман. Аммо кетишдан олдин жувоннинг хонасига бир кўз ташлаб ўтишим керак. Катта дарвозага элтувчи чағир тош ётқизилган йўлкани кесиб ўтдим-да, (унга тупроқ шу қадар кўп сепилганини қадам товуши эшитилмайди), яшигимни энгаштириб одам бўйи келадиган қалин хризантема бутазорлари орасига кирдим, тўсатдан кўзимга ярқ этиб чиганоқнинг ички садафини эслатувчи кавак кўринди — бу таассуротни ўт-ўланлардан кўтарилган ҳовур қўзғатди, шекилли. Еки, жувоннинг қўлтиғи қўзғатган бўлиши ҳам мумкин. Ўйнинг орқа томони шимолга қараган, деразалари тор, баланд. Жувоннинг хонасидағи деразага тутилган парда шу қадар қалиники, нур зўрга ўтади,— хуллас, уни кўриш умидим пучга чиқди. Шундай бўлса ҳам, мен кетмадим, қўрқа-писа дераза тагига бекинганча ниманидир кутяпман. Шамол сув қувурини ларзага келтириб устимдан катта-катта томчилар сочади — томчилар яшигимни чилдирма қилиб чертади. Бироқ унинг хонасидан ҳеч қандай жавоб бўлмайди.

Албатта, бор-э, деб, яшикни тарк этиб кетиш ҳеч гап эмас. Модомики, ҳеч гап эмас экан, ули бекордан-бекор тарк этиб кетишнинг ҳам кераги йўқ. Фақат, агар иложи бўлса, бирор кимсага қўл берсам дейман.

## АЛОҲИДА УЧ ЯРИМ ВАРАҚДАГИ КИРИТМА

(Нафақат қоғозлар, биринчи марта автотротка билан ёзилган иероглиф расмлар ҳам яққол ажралиб турибди. Мабодо кимдир, қачондир буни бошқа бир дафтарга кўчириб ёёса, ўшандагина қоғоз ҳам, дастхат ҳам бирхил бўлиши мумкин. Аммо ким ҳам бундай қалтис ишга қўл уради.)

«Шундай қилиб, кейин нима бўлди?»

«Томоғим қақраб кетди...»

«Ана, стакан. Фақат чатнаган».

«Хечқиси йўқ».

«Хўш?»

«Ечинидим. Келишганимиздек...»

«Хонада чироқ бормиди, деб сўраяпман?»

«Бошқа пиво йўқми?»

«Саволни яна қайтараман: хонанинг қоронгилиги қандай эди?»

«Жуда ҳам қоронғи эди. Азбаройи қоронгилигидан анча тимирскиланиб, сийнабандимни зўрға ечдим».

«Ёруғлик билан сийнабанд ўртасида, менингча, ҳеч қандай алоқа йўқ. Ҳар ҳолда, уни пайпаслаб ҳам ечиш мумкин».

«Тўғри, албатта, лекин...»

«Бўпти. Кейин-чи?»

«Унинг сабри чидамай, сийнабандингни ечишиб юборақолай, деди. Мен унамадим».

«Ажабо».

«Нега?»

«Ахир қоп-қоронғи эди-ку. Келиб-келиб, сен худди шу сийнабандицгни ечолмаётганингни у қаёқдан билди?»

«Билмасди. Таваккалига...»

«Хуллас, ёрдамлашдими?»

«Йўқ».

«Нега?»

«Биз келишиб олган эдик. Менга тегмаслигига... Қўл-ларимни қаранг, қандай узун. Орқамга бемалол етади...»

«Яхши. Шундай қилиб, сен қоп-қоронғида ечина бошладинг, ечининб бўлгач, чироқни ёқдинг. Шундайми?»

«Худди шундай...»

«Хўш, укол-чи?»

«Қилдим, албатта».

«Яланғоч ҳолдами?»

«Илож қанча, ампулани пайпаслаб очиб бўлмайди».

«Яланғоч баданингни кўрсатишнинг ўзи кифоя эди. Қип-яланғоч ҳолда укол қилишга бало бормиди?»

«Нима, бари бир эмасми?»

«Бари бир эмас».

«Бақирманг».

«Бўпти. Ечиниш бутунлай тугагандан кейинги яланғочликдан кўра, энди ечина бошлагандаги яланғочлик кўпроқ қўзғатувчан бўлади. Буни ҳамма билади. Худди

шу ҳол уколга ҳам тегищли. Яланғоч пайтдаги ҳар қандай ҳаракат яланғочликни юз карра беңаероқ қиласы. Бунчалигини билмасдим, демай қүяқол».

«Энди ҳаммаси тушунарлы. Бундан бүён биламан».

«Яна бир карра, қайта бошдан тартиб билан айтибер».

«Хуллас, ечиндим, чироқни ёқдим...»

«Бундан олдин чироқни ўчирган эдинг шекилли?»

«Хұллас, чироқни ўчирдим, ечиндим, яна чироқни ёқдим, ксейин укол қилдим».

«Бари бир қандайдыр ғалатироқ қилиб айтиб бер-япсан. Наҳотки шунча вақт ичиде бир оғиз ҳам гаплашмадинглар?»

«Йұқ, нега энди...» .

«Хотиржам бұл, айтгинг келмаган нарсаны айтма».

«Нималар тұғрисида гаплашмадик... Хүш-ш, дастлаб у об-ҳаво тұғрисида гапирди.. Сочимга манавиндей тегиниб...»

«Тегиңмасликка келишиб олған әзинглар-ку?»

«Фақат сочимга...»

«Бари бир, қаерингга бұлса ҳам...»

«Кім билсін, балки тасодифан тегиб кетгандыр...»

«Енини олма».

«Мен баш томонда турған тунчироқни ёқаман, деб зияга шувдым...»

«Тунчироқ?»

«У илтимос қилді».

«Нимани?»

«Тепадаги битта чироқда ҳамма нарсаны күриб бўлмайди».

«Бас қил. Қўйиб берса, нималар деб алжирмайсан».

«Яхши. Бошқа гапирмайман».

«Кейин у нима деди?»

«Ёмғир тұғрисида гапирди ҷоғи. Сочим жуда силлиқ эди...»

«Тердан намиққан-да».

«Ҳа, терлаган эдим».

«Йұқ, тұхта. Бундан чиқдик, у об-ҳаво ҳақидаги гапдан олдин тунчироқни ёқишиңи сұраган?»

«Ҳа, олдин тунчироқ ҳақида гап бўлди».

«Энди бутунлай чалкашиб кетдим».

«Кечирасиз. Мен жуда ҷарчадим. Фойдаси йўқ... Қаранг, тиззаларим қалтираб кетяпти — худди ишлаб турған кир ювиш машинаси устида ўтирганга ўхшайман...»

«Унда, кел, тиzzамга ўтири. У кир ювиш машинасидан яхшироқ».

«Чекким келяпти».

«Тунда чекса тери бузилади».

«Лекин бу ечинишдан кўра яхшироқ».

«Гапни олиб қочма. Жирканч кимсага ечиниб кўриниш ҳақиқатан ҳам яхши эмас. Ахир ваннахонада сийнабандингни ўзинг ечасан-ку».

«Сиз ҳадеб шу битта гапни қайтарганингиз қайтарган, сэнсэй. Шилқим фикр хаёлнингиздан нарни кетмай қолибди. Үсмоқчиликаб, гўё ҳаммасини майдо-чуйда тафсилотларигача билиб олмоқчисиз».

«Мен ҳақиқатни билмоқчимац, холос».

«Мен эса бўлиб ўтган ҳамма гапни унутмоқчиман».

«Демак, сен унтишни истаган нарса бўлган экан-да?»

«Қанчалик қайғули бўлмасин, сиз фараз қилган нарсалардан, сэнсэй, бирортаси ҳам рўй берган эмас».

«Агар бу рост бўлса — жуда яхши».

«Рост. У шилпиқ кўзларини артгач, мени ҳар хил вазиятда туришга мажбур қилиб, худди қимматбаҳо тош излаётгандек, чақчайиб, бутун баданимни томоша қилди. Бироқ тезда укол ўз таъсирини кўрсата бошлиди — кўзларида ғалати ифодалар пайдо бўлди, люминесцент чироқ остига ўрнашганидан сўнг беш дақиқа ҳам ўтмади, менга эса, назаримда, бошқа эътибор бермай қўйди».

«Бу тўнғиз наҳотки сенга шилқимлик қилмаган бўлса?»

«Йўқ, шилқимлик қилмади. Аксинча, йиғлади. Нимадандир қўрқди. Йиғиси, назаримда, ёлғондакам эди. Нуқул оғзини қийшайтириб, ув тортди... Оғзидан чиққан сассиқ ҳид-чи... У қандай бижғимасин, чидадим, фақат нафас олмасликка тиришдим. У бўлса, роса тувақди».

«Ғазабини бирон нарсада кўрсатдими?»

«Йўқ. Уколдан бўлса керак. Мен қўлт этмай турдим. Ўзимни ўзим четдан тасаввур қилиб кўрдим. Жуда ғалати эди. Балки бу гипноздир?.. Мен доим кўз ўигида бўлганимдан эмас, балки фақат унинг мени кўриш истаги борлигидан шу кўйга тушдим. Унинг нигоҳини тасаввур қилсан кифоя эди, дарров дармоним қурирди».

«Жирканч нусха».

«Сэнсэй, сиз жуда ошириб юбормаяпсизми?»

«Бўлиши мумкин».

«Илтимос, ўзингизин босинг. Мен, сәнсәй, буларниң ҳаммаси мен учун бир чақа эканлигини сиз тушунинг, деб имкони борича ҳикоя қилиб бермоқчи бўлдим».

«Уидай бўлса, бу гапга нуқта қўямиз. Қани, бу ерга кел-чи? Нега хода ютгандай қаққайиб турибсан?.. Еч, пайғонингними, бошқасиними...»

«Мен пайлоқсизман».

«Тезроқ кел... Менга қара, у ростдан ҳам сен қандай вазиятда туришинг кераклигини кўрсатиб берармиди?»

«Чироқни ўчиринг...»

## ЕЗАЁТГАН МЕН БИЛАН БАЁН ҚИЛАЁТГАН МЕН ҮРТАСИДАГИ ФАЙРИТАБИЙ МУНОСАБАТЛАР

Аъзойи баданимдан шовуллаб тер қуилиди, силлам қуриб, ҳансирайман. Кўнглим айнаб, ўқиийман. Ақл бовар қилмайдиган зўриқиши. Ҳаво етишмайди. Бунинг устига уйқуга тўймаганман.

Ҳар қалай, қачон, қандай қилиб етиб келдим бу ерга? Узимни ўзим чув туширдим. Соат учдан ўн саккиз минут ўтган. Т. портининг рўпарасидаги, кўрфазнинг қарама-қарши томонидаги шаҳар пляжи. Таркидунё қилган қисқичбақалар вишир-вишир судралиб юрган кимсасиз қумлоқ. Баланд бамбук шохларида ҳилпираётган, ёмғирдә ивиган учбурчак яшил байроқчалар. Йўл гарчи эниш бўлса ҳам пастга осонгина сирғалиб тушгим келавёради.

Тўғрисини айтганда, бундан бир ҳафта муқаддам, жароҳатимни даволатиш учун клиникага боришдан олдин, худди шу ерда ўзимнинг у ёқ-бу ёғимни тузатиб олган эдим. Агар ящик-одам ўз бошпанасини ими-жимида тарқ этмоқчи бўлса, бундан ортиқ қулай жой топа олиши амримаҳол. Энг олдин чўмилиб, бошимни ювмоқчи, соқолимни қириб, кўйлагимни, ички кийимларимни чаймоқчи эдим. Осонгинасини кўзлассанг, ҳар бир вокзал, ҳар бир бандаргоҳда бемалол фойдаланиш мумкин бўлган водопровод доим топилади. Тўғри, факат кечгача атрофидан одам аримайди, аммо миянгни ишлатиб, қулай вақтини топсанг, инсон зотига дуч келмасдан пардоҳонадаги душда ювиниб олишинг мумкин.

Яшириниб юришим учун айтарли сабаб ҳам йўқ.

Мана ҳозиргина бу ишларнинг ҳаммасини қилиб бўлдим. Чўмилдим, соқолимни қирдим, бошимни, ички кийимларимни, кўйлагимни ювдим. Назаримда, бир оз шамоллагандекман, шу сабабдан, то ички кийимларим билан кўйлагим қуригунча яна яшикка кириб олдим — кўпин билан яна бир соат ўтираман, кейин умрбод уни тарк этаман. Ҳозир ҳам уни қарийб чала-ярим тарк этдим. Қўнғиз кемирган нарсани ташлаб юбориш учун унчалик жасорат талаб қилинмайди. Олдинда, аллақачон ер ости йўлидан чиқиш жойи кўриниб қолди. Агар яшик — кўчма ер ости йўли бўлса, у ҳолда, яланғоч аёл — ер ости йўли чиқаверишдаги кўзни қамаштирувчи нур. Гўё уни севиб қолишларига ундовчи вазият бу. Охири уч йил мобайнида, Назаримда, мен худди ана шундай тасодифни кутганга ўхшайман.

Сохта яшик-одам билан тасодифий учрашувни ҳам. Каравотда ўтирганча, яланғоч ҳолда тик турган (ночора фақат уни томоша қилишлари учун шундай вазиятни танлаган) аёлдан кўз узмайтган қиёфадошим. Яшик менга ҳали ҳеч қачон шунчалик жирканч бўлиб туулмаган эди. Буларнинг ҳаммаси менга шифтга учиб чиққан руҳим ўз жасадимга тикилиб турган ўша машъум тушни эслатарди. Наҳотки бу яшикка ачиниш бўлса? Йўқ, ачиниш эмас — алам бу. Менга чиқиш жойи бўлгани ер ости йўли керак. Ёзувларим эса—энг сўнгги сатригача йўқолиб кетса ҳам парво қилмайман.

Ўйлайманки, унинг яшикда ҳаёт кечира бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Бир куни умумий ҳожатхона билан девор тўсик оралиғига уқувсизларча тиқилган, қатлама картондан қилинган бўш, пачақ яшикни кўрган эдим. Эгасиз яшик ҳам — ташландиқ уйдай гап,— у тезда ишдан чиқади, шамол ва ёмғир уни сўлиган узумнинг қизғинш-малла рангига киритиб қўяди. Бир қарашдаёқ бу кимнингдир ташландиқ бошпанаси эканлигини билдим. Яшикда ўйиб очилган дарча.... ундан чиқиб турган полиэтилен парданинг бир бўлаги.: ён деворлардаги худди тери касаллигидан қолган асоратга ўхшаб дўппайиб-дўппайиб турган жойлар — чамаси, сув тегиб бўртиб чиққан майда эшитув тешикчалари бўлса керак,— шунга ўхшаш яра-чақалардан яшик хароб бўлиб ётар эди. Мен яшикнинг ён деворини йирта бошладим. Узимни гўё нам ямоқни кўчириб олаётгандек ҳис қилдим — яшикнинг ичи кўринди. Мен беихтиёр ташландиқ бошпанани ўткинчилар назаридан яширишга тиришиб, яшик тиқилган оралиқни гавдам билан тўсдим.

Яшик ичида, унда яшаган одамнинг нишоналари (уни В. деб атаемиз) худди лойдаги қўл изларидек яққол ўрнашиб қолган эди. Масалан, озиқ-овқат қўйиш учун чўп ва изоляция лентаси ёрдамида маҳкамланган йиртиқ жойлар. Эндиликда қуш тезаги рангидағи ифлос доғга айланган, журналдан қирқиб олинган яланғоч қизлар сурати. Яшик чайқалиб қимирламаслиги учун уни белга бойлаб қўядиган қизил ип. Дарича остига ўрнатилган кичкинагина пластмасса қутича. Яшикнинг қарийб бутун ички сатҳини қоплаб олган сон-саноқсиз ёзувлар. Бир пайтлар, шубҳасиз, транзистор, ашқолдашқоллар қутиси, чўнтак фонуси ва бошқа нарсалар қўйилган, ҳозир аслида йўқ, бири — каттароқ, бошқаси кичикроқ тўгри бурчакли ўринилар.

Ҳозир яшик ўлик. Бирдан уни ташлаб кетаётган В.нинг руҳи кўзимга кўриниб кетгандай бўлди. Сесканиб тушдим. Мен ҳали бирон марта ҳам ўз ўлимимни, (яшигимнинг ўлимини) шундай яққол тасаввур қилиб кўрмаган эдим. Назаримда, вақти келиб, мен худди буғланиб кетган бир томчи сувдек оппа-осон, ном-нишонсиз йўқоладигандек туюлдим. Ахир, мана, ҳақиқатга дуч келиб турибман-ку. В.нинг ўлими қандай бўлган экан?

Турган гапки, яшикнинг ўлими, В.нинг ҳам жисман ҳалокатини билдириши шарт эмас. У шунчаки ер ости йўлидан қутулиб чиқиб, яшигини ташлаб кетворган бўлса ажаб эмас. Демак, қолган яшик — эркинликка ёриб чиққан капалакнинг ғумбаги. («Капалак» сўзи балки ҳаддан ташқари шоиронадир, уни бир кунлик ҳашарот ёки чирилдоқ деб аташ ҳам мумкин). Ҳар ҳолда, мен худди шундай деб ўйлагим келади. Бошқача ўйлаш оғир. Аммо шундай деб ўйлашга ҳам далил керак. Далил ахтара туриб мен ёзувларни диққат билан синчиклаб ўргандим. Бахтга қарши В. сувда ювилиб кетадиган фломастердан фойдаланган шекилли, ҳеч нарса тушуниб бўлмади. Пластмасса қутининг қопқоғи зичлаб ёпилган. Калаванинг учи, шубҳасиз, ана шу қутида бўлади. Минг машаққат билан қопқоғин очган эдим, қутидан тугмалар отилиб кетди. Үндан иккита зўлдирили ручка, синик пичноқ, чақмоқтош, битта минутининг мили омон қолған ойнасиз соат ва ниҳоят, муқоваси йиртилган мўъжазгина ёндафтарча чиқди. Биринчи саҳифасида, бахтимга, шундай ёзув бор эканки, мен уни шоша-пыша яшигимнинг ички деворига кўчириб олдим (ўша пайтда ҳали унда бўш жой кўп эди), —

шунинг учун ҳам уни оқизмай-томизмай келтира ола-<sup>\*</sup>  
ман:

«Асабийлигим жуда ҳам ҳаддан ошиб  
кетди. Бир нафасга уйдан чиқишм билан,  
бирданига яшаётган хонам йўқолиб қолса-я,  
деб саросимага тушадиган бўлдим — уйни  
ташлаб чиқиш мен учун дўзах азобига айланди.  
Ашаддий уйбеги бўлиб қолдим. Тўрт девор  
ичида қамалиб ўтирганим-ўтирган, хонамни  
бир дақиқага ҳам ташлаб кетолмайман. Бо-  
ра-бора очдан ўламан ё ўзимни ўзим осаман.  
Аммо ҳали ҳеч ким анави жасадни таний  
олмаганини билиб...»

Мен варақнинг орқасини ағдармоқчи бўлган эдим, ён-  
дафттарча бармоқларим орасида худди намиққан қуруқ  
ширинкулчадай уқаланиб кетди, шунинг учун, ҳалиги  
яшик жасади нима маъно билдиришини то ҳануз аниқ-  
лай олишдан ожизман.

На илож, яшик билан видолашиб лозим. Лекин  
кўйлагим ҳам, ички кийимларим ҳам нима учундир ях-  
ши қуримаяпти. Ёнгир тинди, аммо пастга осилиб,  
сувга тўйиб, ҳурпайиб турган булут ҳеч қуримайди.  
Яхши ҳамки, яшик ичида ўтириш унчалик ёмон эмас.  
Бутун киримни эринмай тозалаб ювганим учун бўлса  
керак, баданим бардамлашиб кетди, ҳатто ҳозир ўзимни  
қучоқлаб ўтиришим ҳам аллақандай ёқимли эди. Бироқ  
доим шу аҳволда ўтириб бўлмайди-ку. Тонгти денгиз су-  
кунати тугашининг ҳам ўзига яраша гашти бор. Қоп-  
қора намчил осмон ва то кўз илғайдиган ерга қадар у  
билан тулашиб кетган сим-сиёҳ денгиз. Денгиз осмон-  
дан ҳам қорароқ. Худди чироғи ўчиб қолган ҳужрада-  
гидек қуюқ қоронфилик. Ҳатто агар кўзингни юмиб тур-  
санг ҳам кўринадиган тубсиз қоронфилик. Денгиз гувиллаши қулоққа чалинади. Кўзингга ўз бош чаноғинг-  
нинг ичи ҳам кўринади. Кўзга кўринаётган керагаларни  
папа қилиб турган гумбазсимон парда. Худди самолёт-  
дан қарагандай. Доимий уйқусизлик қонни заҳарлаган,  
чакканг лўқиллайди. Уйқу босади. Яшикни тарк этиш-  
дан олдин икки соат ухлаб олмоқчи бўлдим. Аллақачон  
юмилган кўзларимнинг қовоқларини яна ҳам зичроқ қи-  
саман. Кўзимга тўлқинлар кўринади. Худди жазварда чи-  
зилгандек тўппа-тўғри, оралари тўхтовсиз торая-торая му-  
возий чизиқлар ҳосил қилиб, бепоён денгиз томон кетаёт-  
ган тўлқинлар. Ҳар бир тўлқиннинг ўз баланд парвози

ва юзтубан йиқилиши бор, парвозлари — ажойиб. Тұлқинлар орасыда ҳосил бүлган жарликки күришга интилаётіб, олдинга мункиб кетаман ва худди шу лаҳзада ҳар иккала күзим қинидан сапчиб чиқади. Тұлқинлар йиқилран жойдан енгил ҳовур күтарилади. Күзларим бир-бирига тинимсиз туртила-туртила тұлқинлар орасыда сирғаниб юради. Бирдан қүнглім бесхузур бүлади. Күзимни очаман. Денгиз ҳам, осмон ҳам ўша-ўша симсиёх ва сокин. Қаттиқ, нам қум устида ўзимни аяңчыла өкис ҳис қиласман. Мен үчүн фақат — күзларимни очиб ўтириш ва шу ҳолда тасодиғий уйқу ташриф буюришини кутиш қолди, холос.

Агар ҳатто озгина мизғиб ололмасам ҳам, бары бир вақти етганды, мүлжаллаб қүйған ҳаракатни бошлашымға тұғри келади. Ұзим тарқ әтган яшикни бузиб ташлаб, соат саккизларда яна клиникага бораман. Беморлар у ерда соат ўндан қабул қилинади, демек, мен сал олдинроқ боришим керак. Бироқ жуда эрта бориши ҳам ярамайды, ійқса, уйқусини бузиб, бүлажак ҳамсуҳбаттыңгүннегі таъбини тириқ қиласаң. Шуни ҳисобға олиб, соат саккизда борадиган бүлдім, бу айни вақти — эрта ҳам, кеч ҳам эмас, — бирорнинг уйқусини ҳаром қилмайман, бунинг устига, ҳар қалай, жуда күп деб бүлмаса ҳам, музокара учун икки соат вақт қолади.

Тұғри, ҳамсуҳбаттың музокара узилиб қолмаслиги учун bemорларни қабул қилишни ҳатто бир күн орқага суриши ҳам мүмкін. Ҳар ҳолда, музокаралар бир талай вақтни талаб қилиши тайин... аммо қайси музокаралар?

(Эсимдан чиқмаслиги учун ёзиб қүйяпман.

Хозиргина агар жувон билан учрашиб қолсаң айтадиган қаттол бир фикр хаёлимға келди: «Турған гапки, устимдан кулишингни ёки менга жаҳл қилишингни истамайман. Аммо бошқа бирор кимса эмас, худди сен устимдан кулишингни ва жаҳл қилишингни ағзал биламан.»)

Умуман, ҳозир бу тұғрида ташвишланиб ўтиришим шарт эмас. Мавриди келганды ҳал қиласман. Агар биз музокараларимизни узиб қўймасак, эҳтимол, келишиб олиш насиб бўлар, агар келишиб олиш насиб қиласа, у ҳолда, музокараларни узишдан бошқа - чора қолмайди. Ҳозир эса соат саккизга улгуришим учун ишларимни қайси тартибда йўлга қўйишни ўйлаб олишим керак. «Йўлга қўйиш» деганим билан аслида бу унчалик қийин эмас. Уч-тўрт бўлакка ажра,

тиб, бурдалаганимдан кейин яшик оддий ахлатга айла-  
нади-қолади. Қанча имилламай, бунга беш дақиқадан  
ортиқ вақт кетмайды. Саёқлик ҳаётимда доимий ҳамро-  
ҳим бўлган шахсий мол-мулким, яъни барча майдо-чуй-  
да нарсаларни бирёзлик қилиш — арзимаган иш. Маса-  
лан, ҳозир мен ёзув столи сифатида фойдаланаётган  
пластмасса парчасини олайлик. Бу бор-йўғи эни қирқ,  
узунлиги қирқ беш сантиметр ҳажмдаги бирмунча қа-  
лин, яғири чиқиб кетган сутранг пластмассанинг бир  
бўлаги, холос, аммо бу менинг қундалик ҳаётимда ҳа-  
қиқатан ҳам биринчи галдаги зарур нарса. Аввало, у  
стол вазифасини бажаради. Овқатланиш ёки карта ўй-  
наш учун ҳам шунақа қаттиқ бир нарса керак. Овқат  
тайёрлаш пайтида эса у оштахта ўрнини босади. Изги-  
ринли қиши кечаларида у билан дарчани бекитиб қўйиш  
мумкин, шамолсиз, иссиқ ёз оқшомларида эса — у ел-  
пиғиҷ. Зах ерга ўтирадиган бўлсан, у мен учун — кўчма  
ўриндиқ, териб олган тамаки қолдиқларини ёриб тоза-  
лаб, улардан папирос ўрайдиган бўлсан — иш столи.

Албатта, ҳар куни фойдаланиладиган, нарсаларни  
шунчалик соддалаштириш учун анча-мунча вақт кетади.  
Яшикда эндигина яшай бошлаган кезларимда қулайлик  
тӯғрисидаги умумий тасаввурдан ҳеч қутула олмас ва  
назаримда, кёракли туюлган нарсаларнигина эмас, ҳат-  
то қандай фойдаланишини тасаввур ҳам қилолмайдиган  
нарсаларни ҳам тўхтовсиз равишда ғамлаб қўяверар  
эдим. Тилла ҳалқадан ушлаб турган учта яланғоч қиз  
сурати, раңғли қилиб нақшланган тунука қути (бирор  
нарсага албатта яраб қолади), ғалати тош (қадимги  
тош буюм бўлиши мумкин), ер ўлчайдиган ўрама тас-  
манинг зўлдири (қўлингга оғир жисм керак бўлиб қол-  
гандা асқатади), инглизча-японча чўнтак луғати (пайти  
келиб керак бўлар), туфлининг олтин пошналари  
(уларнинг шакли қизиқ, бундан ташқари, улардан бол-  
ғача ўрнида ҳам фойдаланиш мумкин), олти ампер, бир  
юз йигирма беш вольтлик штепсель розеткаси (керак  
бўлганда топилмаса, ёмон), эшикнинг мис тутқичи  
(агар унга чилвир бойланса, даҳшатли қурол бўлади),  
кавшарлагич (балки бирор нарсага яраб қолар), бир  
шода калит (бир қулфни очадиган бўлсан, ё уписи, ё  
буниси тушар), тўрт ярим сантиметр йўғонликдаги те-  
мир мурват (ип бойлаб осилтирса, таппа-тайёр сейсмо-  
граф, фотопленкани қуритищ учун ҳам қулай оғир-  
лик) ... — шунга ўхшаш нарсалар роса кўп йигилган  
экан, азбаройи оғирлигидан, яшикни тўлдириб юборга-

нидан бир қадам ҳам юролмай қолдим, ниҳоят, кейин билсам, буларнинг ҳаммасидаи воз кечишим керак эди. Яшик-одамга етти тифлик қаламтарош эмас, балки соқол қирадиган оддий пискадан ҳар хил мақсадларда фойдалана олиш уқуви керак. Мабодо у ёки бу нарсадан кун бўйи камидан уч марта фойдаланмас экансан, ҳеч ачиниб ўтирумай, ундан воз кечиш лозим.

Аммо ташлаб юбориш осон эмас. Йиғиш қийин, ташлаб юбориш ундан ҳам қийин. Ҳаммавақт — агар нарсаларимга жон-жаҳдим билан ёнишмасам, улар елга учиб кетади, деган қўрқув бўлади. Масалан, жажжигина приёмник — овози тиниқ, юқори сифатли транзистордан жони кириб фойдаланадиган киши учун, фақат ўз юкини сингиллаштириш мақсадидагина ундан бамайлихотир воз кечиб юбориш осонми? Аммо мен шундай қила олдим.

Ҳа, мен унга радиоэшиттиришлар ҳақидаги анави воқеани албатта айтиб беришим керак. Агар лозим бўлса, сохта яшик-одамга ҳам айтиб бераман. Истагим шуки, ҳалиги иккови музокараларимиз бошланмасдан олдин қим билан гаплашаётганларини яхшилаб билиб қўйишин.

Нима учун каллаи саҳарлаб келганимни сўраяпсизми? (Мен фақат жувонга мурожаат қиласам, врач эса ўзининг сохта яшигига хонанинг бирор бурчагида ўтираверсин). Одатдаги сайр. Эрталабки сайр. Соя заводидан бу ерга олиб ксладиган йўл у қадар серманзара бўлмаса ҳам, мен уни яхши кўраман. Йўллекадаги ҳув анави барглари сийрак, серкўз, қари дарахтлар (қизиқ, уларнинг номи нима экан?) ёки япроқлар орасидан мўралаб турган манави учи ўткир томлар — устма-уст қандай ажойиб тарзда қалашиб ётиди. Сувоғи ёрилиб кетган деворлардан яққол ажралиб турган, янги бўялган тор, баланд деразалар,— шундай ҳолатдаки, гўё сен хатарли, даҳшатли ишга боряпсан... Ишонмаяпсизми? Ундей бўлса, бошқача қилиб айтаман. Келгим келганидан келдим — тўғри, фақат шунинг учун келгакимни тасдиқлайдиган асосим йўқ... Яна бўлмайдими?.. Шу қадар муштоқлигим билинмаяптими? На илож, юзим асли туғма шунаقا. Одамнинг кўзлари хира бўлса, юзи ноҳуш таассурот қолдиради. Хўп майли, гап бундай, мана ўша эллик минг иена (чидаб' бўлмайдиган нафрат мени руҳлантириб юборди, пулни муолажа столи устига ташладим)... буни менга тиқиширган эдиларинг,

лекин бу, мен пулни олишга рози бўлдим, деган гап эмас. Ҳозир мен худди шу вазиятни вужудга келтирган нарсалар тўғрисида бош қотиряпман. Тўғри, қилган илтимосларингни бажардим,— яшик билан хайрлашдим, бундан хотиржам бўлишларинг мумкин. Хуллас, бир-биримиздан қарзимиз қолмади, э, йўқ, мен бир оз қарздорман. Ҳўш, яшикда қалай яшаяпсиз? (Сохта яшик дарчасига ошигич бир қараб оламан-да, саволимга жавоб кутмасдан, яна жувонга мурожаат қиласман). Шартта иш масаласига кўчаётганим учун кечирасиз, бироқ менга ўҳшаганларнинг кимлигини, қандай одам эквалигини билиб қўйиш учун, радиоэшиттиришлар ҳақидаги ҳикоямни эшитсангиз ёмон бўлмасди. Ҳа, радиоэшиттиришлар ҳақида. Мен анчадан бери янгиликлар оғуси билан заҳарланган эдим. Тушуняпсизми? Мабодо ҳали оҳори кетмаган энг сўнгги янгиликларни, доимий равишда, тўхтовсиз эшитиб турмасам, жуда ёмон аҳволга тушадиган бўлиб қолган эдим. Фронтлардаги ҳарбий вазиятлар доим ўзгариб туради, кино юлдузлари, қўшиқчилар тўхтовсиз уйланиб, ажрашадилар... Марёга ракета учади, ўзининг охирги SOSини жўнатиб, балиқчи кемалар гум бўлиб кетади... Ут қўйиш васвасига учраган ўт ўчириш командаси бошлигини қамайдилар, банаң солинган идишдан заҳарли илон тутиб оладилар, савдо ва саноат министрлигидаги бир амалдор ўзини ўзи отиб қўяди, ҳалқаро конференция ажойиб ютуқларга эришади ёки бузилади, уч яшар қизчани зўрлайдилар... бичилган каламушларни урчитиш жамияти тузилади, супермакет қурилишида бетон орасига қўшиб суваб юборилган бола топилади, дунёдаги барча армиялардан қочган солдатларнинг рекорд миқдори... Хуллас, дунё қайнаётган қозонни эслатади. Бир сония ғафлатда қолдингми — тамом, қарабсанки, ҳатто ер куррасининг шакли ҳам ўзгариб кетган бўлади. Булар мени охири шу кўйга солдики, бирваракай етти газетага ёзилдим, икки телевизор, уч радиоприёмник ўрнатдим, ўйдан кўчага транзисторсиз чиқмайдиган, ҳатто наушник билан ётиб ухлайдиган бўлдим. Ахир, бир пайтнинг ўзида ҳар хил станция ҳар хил эшиттириш беради-да, шунинг учун кўнглингда доим у ёки бу шошилинч ахборотни эшитмай қолмай, деган хавотир бўлади. Кўрқоқ ҳайвонлар қулогини динг қилиб, теварак-атрофга сергак кўз ташлаб туради — ўзининг учун, жирафанинг бўйни аста-секин чўзилиб ҳозирги ҳолига келган, маймун эса дарахтдан йиқилмайдиган бўлган. Ҳазиллаша-

әтганим йўқ, мен учун, яъни ўзи тўғрисида сўз кетаётган одам учун, булар — фавқулодда жиддий гаплар. Мен бир кеча-кундузнинг катта қисмини янгиликларни ўқиш ва эшитиш билан ўтказар эдим. Ўз тутқунлигим алам қилиб йиглардим, бироқ радиоприёмник ва телевизордан бир қадам ҳам нари жилмас эдим. Бунинг устига мен қанча уринмай, бу янгиликлардан ҳақиқатни илғаб олиш у ёқда турсин, ҳатто унга яқин келиш ҳам мумкин эмаслигини жуда яхши тушунар эдим. Тушуна туриб, тарки одат қилишга юрагим дов бермасди. Чамаси, менга содир бўлаётган воқеаларни тушуниш ёки ҳақиқат эмас, балки янгиликларнинг бир қолипдаги иборалардан иборат шакли керак эди. Хуллас, мен янгиликлар оғуси билан тамомила заҳарланган эдим.

Аммо ажойиб кунларнинг бирида тузалдим. Кичкинагина бир ҳодиса зиддизаҳар чиқиб қолди, ҳодиса шу қадар кичик эдики, тузукроқ кўриш учун унга тиз чўкиб қарагинг келарди. Ҳодиса... чиндан ҳам қаерда рўй берди ўзи у?... Ҳа, худди банк билан метро станцияси ўртасидаги кенг кўча бурчагида... кундузи бу ерда жуда кам қатнов... менинг олдимда кўринишидан хизматчи бўлган бир одам, бир маромда қадам ташлаб борар эди, бирдан унинг оёқлари чалишиб кетди-да, назаримда гўё тўппа-тўғри йўлкага чўка бошлади, кейин ёнбошига ағдарилиб тушдию қимир этмай қотиб қолди. Худди боласи билан айиқ-айиқ ўйнаб йиқилгандек. Олдига югуриб келган йигит, студентга ўхшарди, унга кинояли қаради. «Балки ўлгандир?», деди у менга саволчан жилмайиб. Мен билан гапни чўзиб ўтирмаслик учун, у истар-истамас, телефон қилиш учун бир неча уй наридаги тамаки магазининг қараб кетди. Қасбим тақозосига кўра, одатим бўйича дарров фотоаппаратимни қўлга олдим — менга ойида бир-икки марта маҳсулот рекламиаси учун сурат олишни толиширап эдилар — ва, мурдан суратга тушириш учун гоҳ у, гоҳ бу томонидан тўғрилай бошладим. Бироқ фикримдан қайтдим, аппарат тепкисини босмадим — йўқ, асло ўлган одамнинг олдида ўзимни уятли ҳис қилганим, унга раҳмим келгани учун эмас. Шунчаки бу янгилик учун яроқсиз воқеа эканлигини фаҳмлаб қолган эдим.

Ўлим — ўзаришларнинг ўзига хос запжири эканлиги шубҳасиз. Энг олдин тери оқаради. Кейин бурун ингичка тортади, ияк тиришади. Ичидан қип-қизил бўлиб ясама жаф чиқиб турган, қия очилиб қолган оғиз худди мандарин пўстидаги пичоқ кесган жойни эслатади.

Марҳумнинг ҳатто кийими ҳам ўзгаради. Асл мато шундоқ кўз ўнгингда фақат сиртдан қарагандагина асл бўлиб туюладиган арzon матога айланади. Албатта, бу фактларнинг ҳаммаси ҳам янгилик эмас. Булар бари бир янгиликка айланадими, йўқми, афтидан, ўлган одамнинг бу билан иши бўлмайди. Бутун мамлакат бўйлаб изланаётган хавфли жиноятчи қўлнига тушган ўнинчи қурбон ҳам, олдингилари қандай ўлган бўлса, шундай ўлади. Сен ўзгарасан, сен билан бирга ташқи олам ҳам ўзгаради — бошқа ҳеч қандай ўзгаришлар мавжуд эмас. Бу ўзгаришлар шу қадар улканки, энг шов-шув кўтарадиган янгиликлар ҳам уларнинг олдида иш эшолмай қолади.

Шу фикр кўнглимдан ўтди-ю, дарҳол янгиликларга бўлган муносабатим кескин ўзгарди. Қандай қилиб буни яхшироқ тушутиурсам экан... Ўзимга ўзим: «Сен ҳам янгиликларга барҳам беришинг керак!», деб буйруқ беришдан ўзга иложим йўқ эди. Биласизми, ҳар қалай... янгиликлар одамларга нима учун керак?.. Гарчи оламдаги ҳамма нарсанинг ўзгариши олдиндан маълум бўлса-да, эҳтимол, таңг аҳволда қолмайлик, деб шайланиб турниш учундир? Илгари мен ҳам шундай деб ўйлардим. Лекин бу ёлгои. Одам янгиликларни фақат кўнглини тинчтиш учунгина эшитади. Ларзага соладиган қандай янгиликкни хабар қилмасинлар, агар одам уни эшитаётган бўлса, демак, у тирик — мана, гап нимада. Дунёнинг тугаганидан дарак берувчи сўнгги янгилик — чинакам даҳшатга соладиган янгиликдир. Уни эшитадиган ҳолатда бўлиш — ҳар бир одамнинг муқаддас орзусидир. Чунки бу охиратни кўра олиш насиб қилди дегани бўлади. Агар ўйлаб кўрилса, тасаввур қилишимча, менинг заҳарланишим худди ана шу охирги эшиттиришдан ғафлатда қолмаслик учун бўлган интилиш меваси эди. Тўхтовсиз келиб турган янгиликларнинг эса ҳеч охири кўринмас, улар сўнгги янгиликка айланмас эдилар. Янгиликлар бундан кейин ҳам давом этаверади — фақат сийқа иборалар яна ҳам қисқароқ бўлади. Утган куни кечаси Б-52лар Шимолий Вьетнам устига учиб бориб бу йил ҳисобидан энг катта босқинчилик қилдилар, шунга қарамай, сен эса тирик қолдинг. Газ заводида ёнгин рўй берди, саккиз киши оғир жароҳатланди, сен эса жабр кўрганинг йўқ, тирик қолдинг. Нарх-наво ҳаддан ташқари ошиб кетди, сенинг эса кунинг ўтиб турибди. Ишлаб чиқариш чиқиндилари таш-

лангани учун күрфаздаги барча балиқлар ҳалок бўлди, шунга қарамай, сен тирик қолдинг.

«Бу қанақа ҳикоя ўзи?»

— Демак, бу ҳикоя янгиликларни эшитиш нақадар жонингизга теккани ҳақида...— Жувон тиззаларини олиб қочади (ҳавас билан қараб турганимни сезади, шекилли), сигаретасини янгилайди. Сохта яшик-одам эса маъссе тўнғиллади:

— Тушуммаяпман, ўз-ўзини мақташ нима керак...

«Янгиликларга қизиқмайдиган одамлар ичидаги жиноятчилар бўлмайди, демоқчисиз». Мен шу сўзларни врачининг афтига шартта отдим-да, олдинги табассумим билан жувонга мурожаат қилдим: янгиликларга ишонмаслик — ўзгаришларга ишонмасликдир. Сиз эса менинг бу ерга ўзгаришлар олиб келишимга қаршиносиз, бундай қилмаслигинг керак, деб ҳисоблайсиз.

— Ҳар ҳолда, биз мўлжалдан ошиқроқ бериб юбордик, сизга шундай туюлмаяптими? — деди сохта яшик-одам очиқдан-очиқ, мен ундан буни кутмаган эдим.

— Мўлжалдан ошиқроқ бериб юбордик?

— Мен эллик минг иенани назарда тутяпман. Биз бу пулни, сизнинг яшик-одам билан яқинлигингизга ишониб, ундан биз учун яшик сотиб оласиз, деб бердик. Бундан чиқадики, биз мўлжалдан кўпроқ тўладик. Сиз ундан яшик сотиб оласизми-йўқми — биз қаёқдан билайлик.

— Сиз мен билай ўчакишяпсиз.— Унинг қарши ҳужумидан мен ҳатто довдираб қолдим.— Мен ҳам яшик-одамман — битта шахс, сиз буни жуда яхши биласиз.

— Мен қаёқдан билай?

— Фирромлик қилиш керак эмас. Анча-мунча асосли далиллар бўр.— Ҳовримдан тушиш учун бир неча марта чуқур нафас олдим.— Ўтган ҳафта эрталаб, ярамни боғлатиш учун бу ерга келганимда, сиз бор гапни тушунган бўлишингиз керак эди. Уқувсизларча олинган сочимдан... тилиб-шилиб ёмон қирилган соқолимдан... ўткир совун ҳидига қарамасдан, қўлимнинг, бўйнимнинг шамолда ёрилган, пўст ташлаган терисидан...

— Биласизми, фотопортёлар ичидаги ҳам афандилари кўп бўлади.— Менинг ўйинда ютқазганлигимга яққол гувоҳлик берувчи лоқайд оҳанг. Хулласи калом, жувон, афтидан, врач билан гапни бир жойга қўйган, улар мендан фойдаланишга келишиб олишган.

— Ахир ўшанда сен елкам елмилтиқ ўқидан яраланганини тан олган эдинг-ку?..

— Нима бўлти. Жуда кўпчиликда елмилтиқ бор. Сассиқкўзанлар товуқхонага ёмон ўрганган, бошга битган бало бўлди.

— Яраланганимни тасодифан кўриб қолган бир раҳмдил одам шу клиникага келишимни маслаҳат берди. Бунинг устига у даволатиш ҳақини тўлашим учун пул ҳам инъом қилди. Уч минг иена, бу қофозлардан сал-пал креозот ҳиди келади.— Мен жувоннинг кўзига тик қарадим. У осонлик билан рақибим томон оғиб кетиши хаёлимга ҳам келмаган эди. Ахир, у менинг фотоаппаратимда суратга тушишга аниқ ваъда берган эдинг-ку. Суратга тушаётганида ўзида рассомнинг нигоҳини ҳис этиб, роса завқланса керак. Шунаقا ҳаяжонли ҳолатдамикан ёки... ҳозир шунчаки врачни яккаlamаслик учун ҳаракат қиляптими... Врачининг ҳозир бу ерда у билан сўз талашиб қолиши менга ҳеч ҳам ёқмайди. Жувонни ўнчалик қаттиқ таъқиб қилиш шартми — бу фақат унинг аҳволини ёмонлаштириши мумкин.— ...Энг янги қурилмадаги велосипед мингандан мини-юбкали аллақандай жувон... Эҳтимол, бу жувон... бахтга ҳарши мен уни фақат орқасидан кўрдим, аммо унинг оёқлари жуда чиройли эди. Бир марта кўрсанг — бир умр эсингда қоладиган оёқлар. Узоқ йиллар яшикда яшасанг, кўзинг фақат ўткинчилар гавдасининг қуий қисмига тушади, сон-саноқсиз ҳар хил оёқларни кўравериш жонингга ҳам тегиб кетади.

Назаримда, жувон кулгисини босиш учун, лунжини шиширгандай бўлди. Аммо сохта яшик-одам бор овозда кулди.

— Турган гапки, яшикни кўриш бошқа, уни, кийиш бошқа; фарқи катта.

— Шуни эслатиб қўймоқчиманки, мен ҳали сизга яшикка эгалик қилиш ҳуқуқини берганимча йўқ.

— Фоят катта фарқ,— деб қайтарди сохта яшик-одам, худди ниҳоят бу фарқ моҳиятини аниқ тушунгандек хотиржам оҳангда.— Мен кеча биринчи марта бутун тунни яшикда ўтказдим. Бундан завқли нарса йўқ. Ҳа, мен яшик-одам бўлишга беҳуда интилмаган эканман...

— Мен сизни бу йўлдан зўрлаб қайтармоқчи эмасман.

— Узим ҳам қайтадиганлар хилидан эмасман. Нажотки тушунарли бўлмаса?

Сохта яшик-одамнинг дадил овозида масхараомуз

ифода яшири эди. Ҳам хушфеъл, ҳам ичи қора — менга ёқмади у. Ҳафсалам пир бўлди. Аввал-бошданоқ у билан дўстлашмоқ керак экан, шекилли. Аслида у мен билан жангга кирмоқчи эмас эди. Агар яшик-одам биринчи марта кўчага чиққанида унга энг керакли йўл-йўриқлар: овқат топиш усуллари, фойдаланишга яроқли эски нарсаларни қаердан топиш мумкинлиги, узоқ масофаларга текин бориш йўллари, дайди итлардан нарироқ юриш учун улар изғиб юрадиган жойлар тўғрисида сўз очганимда эди, у билан қизишмай, бемалол гаплашиб олишим мумкин бўларди. Ҳар ҳолда, яна битта яшик-одам билан бирга яшащ унчалик ёқимли эмас. Биламанки, у ҳақиқий яшик-одам эмас, бироқ ҳозир бу ҳақда гапириш сайил ўтгандан кейин хино қўйиш билан баробар. Агар мен шундай бўлишини олдиндан билганимда, яшик кийиб келиб у билан беллашган бўлар эдим. Мен жувонга, жигига тегадиган қилиб гап қотаман:

— Хўш, менинг ўрнимда сен бўлганингда нима қилас эдинг? Уни йўлдан қайтарармидинг ёки кўнглига келган ишни қилиши учун йўл қўйиб берармидинг?

У менга муолажа столига енгилгина суюниб турган кўйи қовоғи остидан кўз ташлади. Лаблари сал-пал чўзилган, шунинг учун у кулаётгандек бўлиб қўринар, аммо кўзларн жиддий эди.

— Мен ҳозир, фақат: «Қабул йўқ», деган тахтачани осиб қўйсак, беморлар саросимага тушиб қолишса керак, деб ўйлаяпман.

Балки тўғридир. Унақасига ҳам, бунақасига ҳам түшунсанг бўлаверадиган икки маъноли жавоб. Бироқ мен ҳозирча ана шу жавобдан қаноатланиб туришим керак: Сохта яшик-одам хулоса чиқаргунча кутиб тураман.

Яшик менинг диққатимни тортувчи аллақандай овоз чиқарди ва сезиларли даражада қийшайди. Дарча пардалари йирилиб, кўзлар кўриди. Бирор ифодадан маҳрум, шунчаки қараб турган кўзлар. Мени ўзига қарашга мажбур этганидан мамнун эди улар. Бу усулин қачон ўрганиб улгuriш насиб қилди экан унга? Шубҳасизки, мен — намуна. Мен мағлуб. Кўраётган одам — мен; кўриниётган одам ҳам — мен.

— Минг вайса, бари бефойда.— Сохта яшик-одамининг овози ингичка, унинг ташқи кўринишига мос эмас эди.— Аммо кўриб турибман, ишонмаяпсан.

— Нимага?

— Бу ердан сенинг ўрнингга мен чиқиб кетишимга

асло ишонмаяпсан. Күнглингнинг бир четида ўзинг шуни хоҳлаб турибсан, лекин ишонмаяпсан.

— Аслини олганда ўзи бу ердан кетиш зарурати ҳам йўқ..

— Мен бир кичкина муросага тайёрман.— Сохта яшик-одам йўталиб, томогини қирди-да, мулозамат оҳангида давом этди:— Масалан, сен менинг мана бу таклифимга қандай қарайсан. Сен бу уйда күнглинг тусаган ҳамма ишни қилиш имкониятига эга бўласан. Жувон билан қандай муносабатда бўлсанг — ихтиёргинг, мен халақит бермайман. Халақит бермайман, миқ этмайман, кўзларингга ҳам кўринмайман. Фақат бир шарти бор. Мен сизларни кузатиш имкониятига эга бўлишим керак. Фақат кузатаман, вассалом. Албатта, яшикда туриб. Учаламизнинг ҳозирги муносабатимизни кўзда тутяпман. Менга манави бурчакдан туриб, нима қилаётгандарингни кузатишга рухсат бўлса — кифоя. Бунга кўнишиб кетгандарингдан кейин мен сизлар учун ҳеч нимага, нари борса, қофоз соладиган бир саватга айланаман-қоламан.

Мендан чиқиши керак бўлган бу таклифи қиёфадошим қилганини ҳис этдим. Бўлаётган воқеаларни кузатиб турган жувон гўё ўзини унуган ҳолда ипсиз «мушук беланчаги»ни ўйнаётгандек, панжаларни тез-тез юмиб-оча бошлади. У шошилмасдан оғирлигини бир оёғидан иккинчисига ташлади. Силлиқ дазмолланган опроқ халатининг этаклари очилиб, мен орзуманд бўлган тиззалири кўринди, негадир уларни силагим келиб кетди. Бордию у халат ичида қип-яланғоч бўлса-чи? Назаримда, худди эҳтиёtsизлик билан кичкинагина ҳаво пуфакчасини ютиб қўйдиму у тўсатдан ичимда шиша бошлагандек бўлди. Уни манави сохта яшик-одамнинг кўзи олдида ечинишга мажбур этишга наҳотки журъатим етса?

— Иккиланишнинг ҳожати йўқ,— деб қистади мени сохта яшик-одам.— Агар унинг қисматини дилингга яқин олмасанг, яшик-одам бўлишдан нима фойда? Шамолнинг эсиши чанг кўтарилишидан бошқа нарса эмас. Менинг ўз ҳаётимда шунга алоқадор фавқулодда қизиқ воқеа рўй берган. Бир куни мутлақо тасодифан туширилган аллақандай бир суратни ишлаётган эдим, кутилмаганда кадрда мен ҳатто кўришни хаёлимга ҳам келтирмаган бир тасвир пайдо бўлди. Қатлама картон яшик кийиб олган бир одам кўчада туртиниб-суртингмасдан, бемалол кетиб борарди. Мен сенга ўхшаган мута-

хассис эмасман, шунинг учун ҳам бор-йўғи арzon болалар фотоаппаратидан фойдаланаман. Ўшанда ўзи нимани суратга тушиromoқчи бўлган эдим? Бунга анча бўлди, назаримда, дағи маросимини. Мен ҳар доим ўз беморларимнинг дағи маросимини суратга олишга ҳаракат қиласман. Мен ларзага тушган эдим. Яшик-одамни қандай қилиб пайқамай қолган бўлиш имконини,— ахир мен уни жуда яқин масофадан суратга олган эдим-ку. Лекин уни ҳеч ҳам эслай олмайман. Асли кўзга чалинмайди, аммо кўришадиган шарпадек туюлади — демак, аксилмавжудот. Ўшандан буён, ҳа, ўшандан буён мен яшик-одамларга қизиқиб қолдим. Атай кузата бошладим ва кўча-кўйда худди мен ишлаган фотосуратдагига ўхшашиб одамлар дайдиб юрганларини пайқадим. Яна шуни пайқадимки, уларга ҳеч ким эътибор бермас экан. Демак, уларни кўрган битта мен эмас эканман. Яшик-одам, айтайлик, озиқ-овқат дўконига киради. Яшик тешигидан қўлини чиқаради-да, илингган нарсани бир бошидаң олаверади. Помидор, сут, қуруқ соя лўяси — унча қиммат бўлмаса ҳам, ҳар қалай, озиқ-овқат. Энг кулгилиси шундаки, на харидорлар, на уларга хизмат қилаётган, шундоққина ёнида турган сотувчилар яшик-одамларни сўқиб ҳайдаш у ёқда турсин, ҳатто пайқамайдилар ҳам. Ҳа, у фирт кўзга кўринмас одам. Ўзини худди товарга ўхшатиб яшикка солиб юради,— бу шунчаки ўзини шубҳали тутиш эмас, одамлар учун ҳақоратдан ҳам баттарроқ. Ҳар ҳолда, яшик-одамнинг мавжудлигидан ҳеч кимга зиён етмайди. Мабодо унга эътибор бермоқчи эмасмисиз, марҳамат — эътибор берманг. Сен ҳам менга худди аиа шундай бефарқ муносабатда бўлишинг керак.

Сохта яшик-одам кутилмагандан хўрсиниб, худди сўнгги сўзларини ютиб юборгандек жим қолди, мен ҳам унинг орқасидан чуқур хўрсиндим. Балки унинг шарти чиндан ҳам унчалик ёмон эмасдир. Яшик-одамнинг мавжудлиги ҳеч кимга зиён етказмаслигини мен, ахир, ҳаммадан ҳам яхшироқ биламан. Жой, унчалик қулай эмас, лекин у ўз клиникасини очган экан, демак, шунга яраша жамғармаси ҳам бўлиши керак, яъни бу ноқулийлик биз учун, аксинча, одамлардан узоқроқ турисимкониятига айланиши ҳам мумкин. Жувон бу гапларга қандай қарайди — хуллас, эндиги муаммо шу. Агар унинг розилигини олиш насиб этса, учаламиз ҳам ажойиб ҳаёт кечиришимиз эҳтимолдан холи эмас. Йўқ, учаламиз эмас, иккаламиэ. Гарчи фараз қилиш қийин

бўлса ҳам, агар қогоз соладиган саватни — ичига маймун солиб ётоқхонага қўйилган қафас деб тасавур этсак, у ҳолда ҳаммаси жойида бўлади.

— Ҳўш, сен нима дейсан, розимисан?

— Мен? — Жувон менга тикилиб қаради, кейин нигоҳини сохта яшик-одамга ўгирди. Нигоҳини ўгирап экан, юзида менинг қаттиқ рашикимни келтирувчи табассум пайдо бўлди. — Бекорга сўраяпсиз... Мен ўлақолсам ҳам, кейин ҳамма айбни менга ағдарарадиган қилиб жавоб бермайман... Узингиз ўйлаб кўринг — оёқ-қа қайчини тушириб юбориш ҳам, бор куч билан стакана-га ўтириш ҳам — бир, икки ўн беш — бир ўттиз... Ҳозир соат неча бўлди?

— Йигирма тўрт минути кам ўн,— деди шоша-лиша сохта яшик-одам, мен ич-этимни еб бораётган мужмаллик билан виждан азобини ҳис қилдим. Жувон эса ҳужумда давом этиб, узуқ-юлуқ сўз қотди:

— Менга қаранг, ёшингиз нечада? Фақат тўғрисини айтинг.

— Гувоҳномам бўйича йигирма тўқиз, тўғриси эса ўттиз икки-ўттиз уч.

Тумшуғимдан илиниб, ўйламасдан, дарҳол жавоб қайтардим, аммо шу заҳоти жувон бу саволни қандайдир яширин мақсадда берганлигини сезиб қолдим. Мен жавоб беришга улгурмаёқ, у менга орқасини ўгириб, муолажа столини тартибга келтира бошлади. Чамаси, бу билан у қабулни қолдириш-қолдирмаслик масаласи ҳали ҳам ҳал этилмаганлигини, индамасдан, сўёсиз билдиromoқчи эди. Бу унинг қўлидан келадиган энг тўғри жавоб шекилли. Аммо у муолажа столини ҳам қўл учида тартибга келтирди. Асбоб-ускуналарни шунчаки бир жойдан иккинчи жойга олиб тахлади, шиша найчаларнинг ўрнини алмаштириб қўйди. Балки буни наридан-бери розилик аломати деб тушуниш керакдир? Ёки, аксинча, норозилик деб баҳолашлозим. Бироқ унинг вақтни атайлаб чўзаётганини, мени тайин бир қарорга келиб олишга мажбур этмоқчи бўлаётганини тушуниш мумкин эди. Чиндан ҳам, бир қарорга келишим лозимлигини ҳис этдим. Унга бир оғиз сўз айтишим, ечинишини илтимос қилишим биланоқ шундай саҳна рўй берадики... У халатининг садаф тугмаларини ечади, кейин икки сония ҳаяллайди ва... Мана, у қип-яланғоч. Мендан салкам уч метр нарида. Бу шундай масофаки, ҳаво ҳаракати унинг ҳидини бемалол димомимга етказади.

Хўш, нима қилдик... аммо шу қадар мураккаб ролни худди мен истагандек ижро эта олармикан?

(Шу пайт тўсатдан бир нохуш воқеа эсимга тушиб қолди. Бу воқеа мактаб кечасида бўлган эди. Менда уқувнинг ўзи тугул сояси ҳам йўқлигига қарамай, азбаройи муносиб одам топилмаганидан, кичкинагина бир ролни топширган эдилар. Мен Каллаварам деган оти ролини ўйнашим керак эди, эсимда бор, азбаройи қувониб, ҳовлиқиб кетганимдан оёғим бўрлигини ҳам сезмай қолган эдим. Аммо саҳнага чиқишга чиқдим-у, нима учундир, ўзимнинг шу кичкинагина ролимдан бир оғиз ҳам сўз айттолмадим. Ночор аҳволда саҳнани ташлаб чиқиб кетаётганимда хўжаиннинг оти ролини ўйнаётган синфдошим, жаҳли чиқиб мени бор кучи билан тепиб қолди. Мен ҳам ғазабим қўзиб кетиб, яхшилаб бир тепган эдим, боши билан полга йиқилиб ҳушидан кетди. Кейин нима бўлди, спектакль қандай бузилди, у ёғи эсимда йўқ. Фақат шуни биламанки, ўша воқеадан кейин кўп ўтмай мен узоқни кўра олмаслик дардига чалиндим, ота-онам кўзойнак тақиб юришга мажбур этди. Бу — майда ҳарфда босилган китоб ва журналларни кўзимга яқин келтириб, нимқоронғи, овлоқ бурчакларда ўқишимнинг касофати эди. Менда ҳеч кимга кўринмаслик ва ҳеч кимга қарамаслик учун кўздан яшириниш истаги пайдо бўлди.)

Мен ўзимнинг хунуклигимни жуда яхши биламан. Лекин бошқаларга яланғоч баданимни намойиш этишдан ҳам тортинимайдиган даражада уятсиз эмасман. Албатта, битта мен хунук эмасман — тўқсон тўққиз фоиз одамда қусур бор. Имоним комилки, одамлар баданини қоплаган тукни йўқотиш учун эмас, балки ўзларининг хунукликларини англаб, уни қийим ёрдамида бекитишга ҳаракат қилганлар, натижада, баданларида тук·пайдо бўлган. (Биламапки, менинг даъвоим фактларга зид, аммо бари бир ўзимнинг ҳақлигимга ишончим комил.) Одамлар теварак-атрофдагиларининг кўриш қобилияти яхши эмаслигига ва кўпинча чалғиб кўришларига умид боғлаганлари учун ҳам уларнинг нигоҳла-

рига тоқат қилиб яшашга күникиб кетғанлар. Одамлар бир-бирларидан ажралып турмаслик учун турли-туман ҳйла-найранглар ўйлаб топадилар — иложи борича бир хил кийинишига, сочларини бир хил олдиришга ҳаракат қиласидар. Баъзилар эса, гүё мен ҳеч кимга очиқдан-очиқ тик қарамасам, улар ҳам менга тик қарашга ботинолмайдилар, деб бир умр ерга қараб яшайдилар. Шунинг учун ҳам бир замонларда жиноятчини эл ўртасида шармандан шармисор қилғанлар, бироқ бу ҳаддан ташқари шафқатсиз жазо эди, шу қадар шафқатсиз эдики, юксак маданият тараққиётига эришган жамият бунга барҳам берди. Мўралаб кўриш деб аталган ҳаракат одатда, таънали қараш маъносини билдиради — шунинг учун ҳам менга мўралаб қарашларини истамайман. Мўралаб кўрмаса бўлмайдиган иложсиз бир аҳволга солиб қўядилар-да, эвазига ундан тегишли товои талаб қиласидар — бу одат тусиға кириб қолган. Ҳақиқатда ҳам, театр ёки кино кўраётганлар пул тўлайдилар, унда кўринаётганлар эса — пул оладилар. Бироқ ҳамма ҳам ўзи кўришни истайди, бировга кўринишни истамайди. Тўхтовсиз равишда сотилаётган янгидан-янги мўралаб кўриш воситалари — радиоприёмниклар, телевизорлар эса — фақат тўқсон тўқиз фоиз одам ўз хунуклигини тушуниб етаётганини исбот қиласди. Узоқни кўра олмаслик қасали мени ресторонлардаги яланғоч раққосаларнинг доимий мижози бўлишга мажбур қилди, кейин фотосуратчига шогирд тушдим... табинийки, сураткашлик билан яшик-одамнинг орасидаги фарқ бор-йўғи бир қадам.

(Қизил сиёҳ билан ёзилган яна бир эслатма. Эксгибиционизмга ўхшаш қасалликларнинг мавжудлиги ўзини кўз-кўз этиш — ҳамма одамларда ҳам бўладиган оддий мойилликдир, деб ҳисобловчи бир муаллифнинг даъвосига қатъиян зид. Эксгибиционизмни кўпинча одатдаги қовушишдан қониқмайдиган даражада ўсиб кетадиган жинсий талаб билан чалкаштириб юборадилар, аммо ҳақиқатда эса, у жинсий талабни доимий тийиб туриш деган маънони билдиради. Масалан, бир бемор, эксгибиционизм қасалига гирифтторликнинг охирги муҳим шарти шуки, олдида сен ечинадиган киши қарама-қарши жинсдаги нотаниш одам бўлиши лозим, деб

эътироф этади. Иккинчидан, яқинлашув сен күраётган ва айни пайтда, сени күраётган одамнинг ўзаро муносабатларига путур етказмаслиги учун у билан сенинг ўртангда муйайн оралиқ сақланиши керак. Учинчидан, шахслар бир-бирини фарқлай олмайдиган аҳволда бўлиши шарт. Ҳар учала шарт талабига ҳам қониқарли жавоб берадиган қулай, аниқ жой сифатида, бемор, мисол учун, хотин-қизлар ётоқхонасининг қалин дараҳтзор, ичкари ҳовлисини айтди. Бемордаги мойиллик шуни кўрсатадики, у умуман қарама-қарши жинсдаги айрим шахсга нисбатан муносабатда ғайритабий уятчанликни бошидан кецирган. Агар юқорида айтилган муаллифнинг далилларига суяндиган бўлсак, буни ўз хунуклигини фаҳмламоқ, деб изоҳлаш мумкин.)

— Йўқ, сен на қуш, на туясан,— деб гап бошлади яшик-одам хирилдоқ товушда.— Сенга шунақасинираво кўришсаю... сен бўлсанг, довдираб ўтирибсан... Урнингда мен бўлганимда, ўйлаб-нетиб ўтирамай, хўп, дердим.

— Сен эса кўзга тушган чўпдек бўлиб ўтираверасан.

— Нима қипти...

— Мен ўзим яшик-одам бўлиб кўрганман,— буни сенга қараганда яхшироқ биламан. Кишилар яшик ичида қандай одам борлигини билмаганлари учун яшик-одамга эътибор бермайдилар. Мен эса сени беш қўлимдай биламан. Ҳатто ҳозир менга қандай нигоҳ билан қараб турганингни ҳам тасаввур қиласман. Гашим келади. Бирор мендан кўз узмай кузатиб туришига тоқатим йўқ.

— Ахир мен сенга эллик минг исена тўладим-ку.

— Менинг ўзим мўралаб кўришга ўрганганман, бироқ мени мўралаб кўришларига ўрганмаганман...

Яшик-одам тўхтовсиз чайқалиб ўтирас эди. Бирдан олдинга кескин энгашиб, фараз қилиш ҳам қийин бўлган бир эпчиллик билан ўрнидан ғоз турди. Яшикнинг орқа томони деворни қириб юборди, одатда қақраб кетган қатлама картондан чиқадиган шифиллаган ёқимсиз товуш эшитилди. Хуллас, қалбакилик — қалбакилиkdir. уни узоқ вақт фойдаланиш натижасида бир оз намиққан ҳақиқий яшик билан асло солишириб бўлмайди.

— Бўпти, валақлаб ўтириш етар,— деди оёқларини

кериб турган сохта яшик-одам хүшчақчақ овозда. Яланг оёқлари сержун, сермушак. Наҳотки у иштонсиз бўлса?— Жуда ҳам оч эмасман-у, лекин бир-икки тишлам у-бу бўлса, йўқ демасдим.— Кейин у жувонни номини атаб чақириб, деди:— Менга қара, қани унга бир ялан-ғоч бўлиб кўрин-чи?..

Мен гангиб қолдим. Балки жувон ҳам ечиниш ҳақида буйруқ бўлгани, устига устак оти айтиб чақирилганидан ноқулай аҳволга тушгандир. Мен унинг исмини ҳатто ҳозир бу ерда ёзишни ҳам эп кўрмайман. Бу жувон мен учун нақадар қадрли эканлигини мен яна қайтадан чуқур ҳис қилдим. Тасодифан бўлса ҳам, модомики у, менга ниҳоят учрашиш насиб этган қарамақарши жинсдаги бирдан-бир одам экан, жинсларни фарқлашга имкон берадиган аниқ олмошлар мени тамомила қаноатлантиради ва уни қиёслаб кўриш учун бошқа обьектим йўқ эди.

— Ҳозирми?

Жувоннинг овозида мамнуният аломати сезилмади. Бу овозда ҳатто шубҳа кўланкаси ҳам йўқ эди. Худди ёғли кафт билан силанаётган тухумдек сип-силлиқ. Қерак бўлса худди шундай уят-пuyтни йиғишириб қўйиб ечинишдан ҳам тоймайди. Мен эсанкираб миқ этмай ўтирадим. Азбаройи энсам қотганидан бирор луқма ташлашга ҳам ожиз эдим.

— Қаршимасмисиз?

— Қарши эмасман, лекин...

Иш юзасидан қисқа суҳбат.

— Гугурт йўқми?

Жувон сохта яшик-одамнинг ҳожатини чиқариш учун ёниmdан лип этиб, хонани кесиб ўтди. Ниҳоятда гўзал юриш, худди созлаб қўйилган механизмдай, зиғирча бўлса ҳам чираниш сезилмайди. Жувон оппоқ халатининг чўнтагидан гугурт олиб, уни иккита бармоги билан ушлаган ҳолда, яшик дарчасидан ташлади. Ди-могимга гуп этиб аёл ҳиди урилди. У менга ерёнгоқ пайкалининг ҳидини эслатди, қачонлардир денгиз соҳилида шу ҳид димогимга кирган эди. Юрагим гупуллаб кетди. Балки жувонни сохта яшик-одамдан рашқ қилганим учун шундай бўлгандир? Жувон аввалги жойига қайтиб, шу заҳоти халатининг тумаларини еча бошлади. Иккинчи тумани ечиб бўлиб, ялт этиб менга бир қараб қўйди. Бу— ярим кунда нақ арши аълога бемалол учиб чиқа оладиган шундай тез, учқур нигоҳ эдики, мен ундан кўзимни олиб қочиш . у ёқда турсин, ҳатто

киприк қоқишига ҳам улгурмадим. (Шуни қайд этиш муҳимки, у менга ҳар қанча қарамасин, мен унинг қа-раётганини деярли сезмасдим). У худди ички бир нур-дан чарақлаб тургандек туюларди. Жувон ўта хотир-жам, тишланган пастки лаблари тишлари орасида нам бўлиб кўринади. Чеҳраси очиқ. Балки у бу эшикларни мен учун очгандир? Учинчи тугма. Кейин тўртингчиси. Агар у мени чиндан ҳам охиригача билиб олмоқчи бўлса... агар ўзининг кеча сохта яшик-одамга намойиш этган шу ҳолати билан мени ушлаб олишга уринаётган бўлса... у ҳолда менда яшикниг йўқлиги — айни муд-дао. Яшириши лозим бўлган хунукликдан маҳрум одам-ларнинг кўзига бошқалардаги хунуклик кўринмайди. Агар яшик-одам «мўралаб кўриш» бўйича мутахассис бўлса, у ҳолда, аёл ўз табиатига кўра «мўралаб кўрилувчи» объектдир. (Мени бир нарса безовта қиляпти: шундай аёл билан ёнма-ён яшаётган врачни яшикка қамалиб олишга нима мажбур этди экан?) Ниҳоят, охирги тугма.

Хайрият, халат яланоч баданга кийилмаган экан, мен енгил нафас олдим. Халат тагида зарғалдоқ рангли калта кўйлак — блузка бор эди. Худди шундай рангда-ги майда тугмачалар бамисоли митти мевачалардек пастга югуриб тушган. Биқининг айланаси икки санти-метрча келадиган учта қора тугма қадалган калта са-риқ юбка. Яшик ичида гугурт чақилди. Жувонни ўзимча оқбадан деб ўйлаб юрардим, аммо ҳозир унинг бадани-ни сариқ юбка билан солиштира туриб, фикрим ўзгарди, у кўпроқ қорамагизга мойил эди. Бироқ юбка тугмала-рини ечишига киришган бармоқлари чиндан ҳам оппоқ эди. Мана, ҳозир унга қараб туриб, ўзи аслида қанақа одам экан, деб хаёл суряпман. Юбка устидаги бармоқ-лар, худди фикридан қайтгандек, кутилмаганда таққа тўхтади, кейин калта кўйлакдаги мевачаларни тера бошлади. Албатта, олдин ўшаларни ечиш керак. Ечи-ниш қанча узоқ чўзилса, менга шунча яхши. Тамаки ҳиди таралди. Мабодо мен ўтган ҳафтада уни, худди қудратли кийим тозалаш агрегати доғни йўқотиб юбор-ганидек, болага ўхшаб, ҳеч шубҳаланмасдан бир қанот қоқишида бутун мажбуриятларни ўчириб ташлаган жу-вонни бир марта учратган эканман, менга у билан яна бирор жойда учрашиш насиб этиши эҳтимолдан холи эмас. Унга ҳам, куни кеча мен мўралаб кўрган, худди кўрга ўхшаб, бирорнинг хунуклигига чидаб келаётган, нимасидир чанқоқ босувчи қурилмани эслатадиган, ба-мисоли ароқ ёки нашадек кишиши ўта бекадрлик туйфу-

сидан халос этадиган жувонга ҳам бир кунмас-бир кун мен билан қайта учрашиш насиб этади. Ана шу икки фазилат қоришиб кетган характер ҳақиқатда ҳам борлигига ишониш қийин. Түғри, мен жувонни танқид қилиш ҳуқуқига эга бўлиш даражасида яхши билмайман. Шундай бўлса ҳам танқид қиласман. Ҳар қалай, ўнг кўз орқали кўриб билинган нарса билан чап кўз орқали кўриб билинган нарса ўртасида, чамамда, фарқ йўқ эмас. Энг муҳими — ишонч, фақат биргина нарсага ҳатто ўзлигингни ҳам унугланъ ҳолда диққатни жалб этиш имконини берадиган ва ҳаммамизнинг умумий мулкимиз бўлган нарсага нисбатан қизиқишимизни тамоман табиий қиладиган ишонч. Учинчи мева-тугма ечилди. Қалта кўйлак — блузка, чамаси, яланғоч баданга кийилган. Тамакининг ҳиди келаётган бўлса ҳам тутуни кўринмайди. Бунақа چекиш ярамайди. Шу пайт яшик дарчасидан, барча тирқишилардан тутун бурқси迪 — демак, ичкаридаги тутундан кўзни очиб бўлмайди.

— Сен ҳам тайёрланишинг керак, а лаббай? — деди сохта яшик-одам тантанали оҳангда. — У... қара, менга заррача ҳам эътибор бераётгани йўқ.

Бешинчи тугмачани ечаётib, жувон нимтабассум қилди. Одатда бехосдан қоқилиб тушганда шундай табассум қиладилар. Яна еттита мева-тугма қолди.

— Суратга олмоқчи бўлсангиз, марҳамат, олаверинг.

Ўсал бўлдим. Дарвоқе мен у билан, сени суратга тушираман, деб келишиб қўйган эдим. Жувон ечинияти, аммо бу мутлақо унга қўшилиб мен ҳам ечинишм керак деган маънони билдирмайди. Эҳтимол, ечинарман ҳам, лекин нега энди ҳозироқ. Чамаси, мен бунинг оқибатидан қўрқар эдим. Ўнгайсизликни суваш учун фотоаппаратим турган йўлтўрвага қўл чўзиб, уни олмоқчи бўлдим-у, бироқ фикримдан қайтдим. Негаки, мен фотоаппаратимни олиб, уни жувонга тўғриласам, бу менинг сохта яшик-одам билан бирга яшаш учун индамай рози бўлганимни билдирад эди. Тўғри, мен ечинишдан кўра фотоаппаратимни тўғрилашни афзал билардим, лекин бу ўз уйингнинг иккинчи калитини бирорга бериш билан баробар бўлар эди.

— Қара, қандай жанговар қиёфа...

Жувон еттинчи тугмасини еча туриб, деворга қараб ярим ўгирилди. Қалта кўйлагининг олди очилиб, сийнабанди кўринди. Регби<sup>1</sup> тўлига ўхшаб нурсимон баҳя-

<sup>1</sup> Регби — футболнинг бир тури, бунда ўйинчилар тўпни бемалол қўл билан ушлашлари мусикин (*Таржимон*).

ланган күмир рангдаги сийнабанд. Чиндан ҳам жанго-вар қиёфада, шекилли. Қайнатиб тозаланган тиббий асбоблар турадиган ойнаванд шкафча. Беморларни ёт-қизиб күриш учун қўйилган ингичка, узун юмшоқ курси. Ингичка темир оёқлари йириб қўйилган тагкурси устида турган сирли тоғора. Тиш врачларникига ўхшаган, бироқ нимаси биландир ундан фарқ қиласидиган қаттиқроқ медицина креслоси. Қизиқ, бу нимага керак экан? Бу терма буюмларда, худди дўзах манзарасидагидек, аллақандай шаҳвонийлик бор эди. Суратга олиш учун бундан яхшироқ жойни ўйлаб топиш қийин — қуёш сал юқорироқ кўтарилса борми, чиқиллатиб юбориш истагидан қочиб қутулиш даргумон бўлиб қолади.

— Хоҳласанг, мен жойимни ўзгартиришим мумкин. Ҳув нарёққа кетаман... — деб илтифот билан таклиф этди сохта яшик-одам.

— Аксинча, керак эмас. У ҳолда нур орқадан тушади.

Жимлик, жимлик... Ҳозир менинг ҳар қандай қўполлигим мағлубиятга олиб келади... Жувон тўққизинчи тугмага қўл урди — яна учта қолди, кейин кўйлак ечилади...

— Пайқашимча, бу ерда сендан суратга олиш эмас, ундан кўра қатънироқ ҳаракат кутилмоқда.— Сохта қувноқлик. Сохта яшик-одам менинг иидамаслигимдан пайдо бўлган ёриқ-тирқишлиарни ўз валдирашларидан лой қориб, сувашга кириши.— Агар мендан бирор сўраса, худди ана шу ҳаракатни танлаган бўлардим. Факат ёлғон гапирма, жувон мени қўзғатолмаяпти, деб. Суратга тушириш қочмайди, истаган пайтингда, истаган нарсангни тушираверасан. Бордию менга ноқулай бўлади, деб андиша қилаётган бўлсанг, кўнглингни тўқ тут. Мен ўзимнинг барча ҳақ-ҳуқуқларимдан воз кечганман. Тахминан бир йил олдин. Ҳомиласини олдирраман деб келган куниёқ уни севиб қолганман. Уни операция қилдим, у эса пинагини ҳам бузмай: пулим йўқ, истасангиж, ишлаб бериб қарзимни узаман, деди. Чеҳрасидаги соддалик... мени таслим қилди. Шу заҳотиёқ рози бўлдим. Табиийки, ошнасининг отини ҳам, ота-онасини ҳам суриштириб ўтирадим. Ўтмишига эътибор бермадим, шу йўл билан уни ўзимга жалб этдим.

— Сўрасангиз, айтардим.

— Бу — атайлаб ҳеч нарса сўрамадим, деганим эмас.

— Ҳар ҳолда, сўрамаганингиз ҳам яхши бўлди.

— Олдинги ҳамшира унча күзга яқин әмасди. Бу эса очиқ, пухта бўлиб кўринди.

— Аслида қанақа эдим?

— Дастреб ўта одамови бўлиб кўринган эдинг. Кейин билсам, аксинча, ўта кўнгилчан экансан. Ўта беихтиёр ҳаракат қиласан. Бирор сени сўкса, ҳеч қийналмай, кечирим сўрай оласан. Кечирим сўрасам, ҳар қандай гуноҳим ҳам унтилади, деб қаттиқ ишонасан, шекилли.

— Сизни ҳам анча ташвишга қўйдим.— Жувон охирги тугмага қўл урди.

— Ҳечқиси йўқ, кечираман. Бошида ўтмишингни суриштираганим ҳозир ўзимга аҳмоқона енгилтаклик бўлиб туюляпти. Хуллас, сенга қорни кечиб ўтиб, изсиз йўқолиш насиб этди.

Жувон лабларини сал қочириб, қисқагина кулди, тугмалари ечишган калта кўйлагини юбкаси этагидан тортди-да, силлиқ ҳаракат билан уни ечиб олиб, узун, юмшоқ курсининг бир чеккасига ташлади. У ўгирилганда белида бир қанча нозик қатламлар ҳосил бўлди. У жуда ҳам озғин кўринмас, аммо териости ёғлари ҳам чамаси, унчалик қалин әмасди. Тери қатламлари ниманидир ёдга соларди. Нимани? Эсладим — объективни артадиган, буғу терисидан қилинган юмшоқ чармни.

— Ҳар қалай, ишимиз унчалик ёмон бўлмади, тўғрими?

— Ҳаддан ташқари яхши,— деб масхараомуз пўнгиллади сохта яшик-одам.— Аммо мен даҳшатли дараҷада ўзимга бино қўйган эдим. Нимани хоҳласам, шуни қиламан, деб ўйлардим, негаки, менда жувонни тутиб турин имкони бор эди... Пасткашлик. Худди ярамас восвосга ўхшаб, кунига икки марта — ҳам эрталаб, ҳам кечқурун соқол қирад әдим... Бу билан гўё врач ва унга мурожаат қилувчи беморлар ўртасидаги муносабатни ҳам силлиқламоқчи бўлардим. Кейин тортиш қонуни, яъни Ньютои олмаси тарихи бошланди. Шу орада, ҳеч кутилмагандага олдинги медицина ҳамшираси ҳам кетиб қолди...

(Хошияда қизил сиёҳ билан қўшимча қилинган ва унинг қаерга тегишли эканлиги чизиқ билан кўрсатиб қўйилган.

— У бунинг хотини эканлигини қаёқдан билибман, дейсиз...

— Мабодо билганингда ҳам, ҳеч нарса ўзгармасди. Роль ўйнашга мажбур бўлиш

ўзининг ҳам жонига теккан-да, бор-э, деб кетиб қолган.)

— Одамни ярадор қилишларига гувоҳ бўлишни ўлгудай ёмон кўраман.

— Бу билан нима демоқчисан? Эсингдами, бир куни мен сендан: тасаввур қилки, ер курраси ҳалокатга учрай-учрай деб турибди, энг сўнгги дақиқаларингни мен билан ўтказишга рози бўлармидинг, деб сўраган эдим. Сен эса: агар иложи бўлса, ёлғиз ўзим денгизга қараб ўтирадим, деб жавоб бергансан.

— Ёлғон. Бошқа жавоб берган эдим: вокзалдами, универмагдами... хуллас, бирор гавжум жойда кўпчилик билан бирга ўтиришни хоҳлайман, деган бўлишим керак.

— Ҳа, шунга ўхшаш бир гап айтувдинг.

— Ҳар қалай, ер курраси шундай осонгина ҳалок бўлмайди.

— Ҳар ҳолда, мендан қарзи борлар қарзини узди. Энди мендан ҳеч кимнинг бир чақа ҳам қарзи йўқ...

Сариқ юбка ҳалқа бўлиб оёқлари остига тушди. Жувон чап оёғини юбканинг устидан ошириб ташладида, уни ўнги билан илиб олиб, юқорига чаққон улоқтириди. Юбка ҳайрон қолдиравли даражада маъюс ҳаракатлациб, узун, юмшоқ курси олдига, полга бориб тушди. Бир-бирига урилган тугмалар худди бирор босиб олган чифаноқчаларга ўхшаб овоз чиқарди. Ҳаддан ташқари тор, кичкинагина, оч зангори лозимча сонларига маҳкам ёпишиб турибди. Жувон тиззаларини салбукиб, икки кафтини икки сонига тиради. Шу туришда у худди сувга шўнғимоқчи бўлиб турган қизни эслатар, авзойидан бир жиннилик қилмоқчидек эди. Унинг ҳар бир ҳаракати бўшлиққа чизиқ чизар, уни зиддиятли, ўзгарувчан қилас, қандайдир алоҳида бир олам суратини солар эди. Менда бирдан таассуф уйғонди — тумов теккаи буруннинг қитиқланишини эслатувчи ачиниши. Балки, бундай воқеани биринчи бор кўраётганим учун ана шундай ғалати туйғуни кечираётгандирман.

— Шошмай тур,— деб тўхтатди қўлини лозимчаси резинасига олиб борган жувонни сохта яшик-одам. У нигоҳини менинг бошум оша аллақандай узоқ нуқтага қадаганча қотиб қолди.— Сен нима учун жувонга яхшилаб қарамаяпсан? Ахир, у сен учун ечиняпти. Уни кўзларинг билан еб юборишинг керак. Умрингда ҳеч сунъий марварид қандай қилинишини кўрганмисан? Менга унинг бўйни, елкалари худди ана шундай марвариддан қилингандек туюляпти... Бамисоли қотиш

олдидан туганмас оқым бўлиб қўйилаётган марварид... Белидан бошлаб сонларига қараб кетган манави эгиклик менга жуда ёқади. Терисининг ёшлиги ҳам — пўст эмаски, уни илонга ўхшаб ташласанг,— ҳали ўз тароватини йўқотгани йўқ...

— Хусусан, мени оёқлар қизиқтиради. Менингча...— Шундай деб мен иягимни тириштирдим ва тишимни тишимга босдим. Қовоқларим оғирлашиб кетди, уларни кўтариб қизнинг юзига қарашга кучим етмади. Қизиқ, ҳозир унинг юзида қандай ифода бор экан? Ажабо, яшикдан тутун сизиб чиқмаяпти, сохта яшик-одам эса ҳатто бир марта ҳам йўталмади.— Ҳа, хуллас, мен бу ишларга тушунмайман. Яхши оёқлар, ёмон оёқлар... Бу — одамни нотаниш бир чет тилидаги китобни ўқишга мажбур қилишдай гап... Нега энди унинг оёқлари диққатимни тортди, ўзим ҳам билмайман.

— Эҳтимол, оёқлар сени ҳаяжонга solaётган ҳалиги жойга жуда ҳам яқин бўлгани учундир.

— Асло. Агар фақат шугина бўлганда, оёқларнинг фарқига бориб ўтирмас эдим. Балки улар ҳаракатчан оёқлар бўлгани учун диққатимни тортгандир? Ҳамиша ҳаракатчан оёқлар кетидан одамнинг қувгиси келади...

— Бу очиқдан очиқ вақтни чўзишдан бошқа нарса эмас. Биласанми, гап нимада? Гап шундаки, оралиқ жуда катта. Сен ҳатто ярим қадам ташлашга ҳам журъат қилолмайсан, шунинг учун ҳам бошингни кўтаришга ожизсан. Нима учун шу ярим қадамни ташлашга ҳам журъат қилолмаяпсан? Ҳозир тушунтириб бераман.— Сохта яшик-одам гап оҳангини ўзгартириди ва девордан берироқ сурилиб, мен билан жувонни боғлаб турган чизиқ асос бўлиб хизмат қилаётган тасаввурдаги тенгёнли учбурчак чўққисидан жой олди.— Балиқлар ҳам, қушлар ҳам, ҳайвонлар ҳам жуфтлашишдан олдин алоҳида муҳаббат маросими ўтказдилар. Мутахассисларнинг фикрича, бу маросим, кўпинча, ўзида таҳдид ёки ҳужумнинг бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтишини ифодалайди. Хуллас, ҳар бир жонли мавжудот ўзининг аниқ белгиланган, хусусий майдонига эга ва у чегарасини бузиб ўтган тажовузкорга беихтиёр ҳужум қилиш учун доим шай туради. Бироқ ҳаммасига бирваракай ҳужум қила туриб, жуфтлашишнинг иложи йўқ. Бунинг учун чегара бузилган, эшиклар эса очиқ бўлиши керак. Худди ана шу пайтда бир қарашда ҳужумга ўхшаб кетган, аммо ундан фарқ қиласидиган нарса пайдо бўлади: бутун кўринишлари билан алоҳида санъят туғилади, ўзининг тан ҳаракатлари билан ҳарифининг туғма мудофаа

шаштини сусайтиради. Одамларда ҳам худди шундай. Кўнгил овлаш — фақат либос кийгизилган, пардоз бе-рилган ўша туғма ҳужумкорликнинг ўзидир. Ҳар ҳолда, ҳайвоннинг ҳам, одамнинг ҳам охирги мақсади битта — чегарани бузиш ва бостириб кириш. Уз тажрибамдан биламанки, одамларнинг чегараси иккιя ярим газ келадиган доира ичидаги ўтади. Мабодо сергаклик билан қўриқланадиган ана шу чегара чизифидан ўтишга эришилса, бас,— хоҳ кўндириш йўли билан, хоҳ кучли электр чироқ ёрдамида чекинишга мажбур қилиш йўли билан — хуллас, бунда қайси усулни қўллаш муҳим эмас — рақиб болиб чиқади. Гарчи бундай яқин масофадан рақиби яхшилаб кўриб олиш мумкин бўлса ҳам, унинг кимлигини аниқлаш қийин. Бу ерда фақат ҳид сезиш ва тан сезиш қобилияти иш бериши мумкин.

— Хуллас, нима демоқчисан?

— Демоқчиманки, агар яна ярим қадам қўйсанг, худди ана шу чизйқча кирасан.

— Қейин нима бўлади?

— Йўқ, сен чиндан ҳам на қуш, на туясан. Ахир сен унга ялиниб-ёлвориб, қўриқланадиган чизиқдан бемалол ўтиш учун рухсат олдинг. Яна ярим қадам қўйсанг, бўлди, истасанг-истамасанг, сендан ўтиш учун ана шу рухсатномани кўрсатиш талаб қилинади. Турган гапки, бемалол ўтиш учун рухсатнома. Аммо, у ҳолда, табиийки, ҳамма ҳуқуқларингдан, шу билан бирга ўз яшигингга қайтиб кириш учун барча важ-корсонлардан ҳам воз кечишинингга тўғри келади. Сен кўпроқ ана шуни тан олишдан қўрқасан. Шунинг учун ҳам вақтни чўзяпсан. Жувоннинг ҳам қўл-оёғини боғлаб қўйдинг. Вақтни тўхтатдинг.

Тўғрисини айтганда, у ҳақ. Жувон ҳали ҳам лозим-часи резинасидан ушлаганча ўша ҳолда, қилт этмай, иккиланган вазиятда турар эди. Менинг бошим устида худди нимадир ахтараётгандай бўшлиқда дайдиб юрган кўзлари, бамисоли сунъий қўзлардек катта-катта очилган эди.

— Нима қилиш керак бўлмаса?

— Янгиликни ёмон кўрадиганлар ичидаги жиноятчилар бўлмайди...— Сохта яшик-одам жумлани узиб, бурнини қоқди.— Сен, ўзгаришларга ишонмайдиган одам, ўзинг ялиниб-ёлворган нарсанинг амалга ошишибдан қўрқиб, ўзингга ўзинг қарши чиқиб ўтирибсан, вақтни ҳам тўхтатдинг...

— Афтидан, бундай таваккал иш қўлимдан келмайди.

— Мен ўз маъшуқасини тулупга айлантириб, ўша тулуп билан бирга яшаган бир одам ҳақида ўқиган эдим. Тирик маъшуқага қараганда, тулуп содиқроқ, албатта.

— Афсуски, мен бунга мойил эмасман.

— Бўпти, яхши. Хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Мутлақо аёнки, сен ўз яшигингдан чиқмоқчи эмассан.

— Яшикни бузиб ташладим, дедим-ку...

— ...Ундаи бўлса, бир савол: сен ҳозир, шу дақиқада қаердасан ва нима қиляпсан?

— Кўриб турибсан. Шу ерда, сен билан валақлашиб ўтирибман.

— Яхши... Ундаи бўлса, бу ёзувларни ким, қаерда ёзяпти? Зеро, уларни соҳилдаги пардозхона шифтида осилиб турган қалпоқсиз чироқнинг фир-шира ёруғида, яшикда ўтириб Ҳечким ёзмаяптими?

— Балки, шундай дейиш ҳам мумкиндири. Аммо, у ҳолда, сен ҳам менинг тасаввурим меваси эканлигингни тан олишинг керак бўлади.

— Умуман, тўғри.

— Сўзсиз.

— Чиндан ҳам, аслида битта одам мавжуд. Мана шуларни ёзаётган Ҳечким. Ҳаммаси шу Ҳечкимники. Мени ноҳақ, деб кўр-чи, дея олмайсан. Модомики, Ҳечким жаноблари ўз яшигига шу қадар жон-жаҳди билан ёпишиб олган экан, демак, у ўз ёзувларини умрбод давом эттиromoқчи.

— Мунча гумонсирамасанг. Ички кийимларим қуришини кутиб ўтирибман, холос. Улар қуриши билан йўлга тушаман. Ўзим ҳам роса эзиб ювиндим, қаттиқ шамоллаганга ўхшайман. Фақат бир мақсад — шамолдан қутулиш учун вақтинча яшикка бекиндим. Асло ёзувларимдан ажралгим келмагани учун эмас. Мана шу охирги сатрни ёзиб тугатаман-да...

— Сен чиндан ҳам, кийимларинг қуригац, бў ерга, биз билан учрашувга келишга тайёрланяпсанми?

— Нима ҳам тайёргарлик кўрардим? Деярли ҳеч вақо йўқ менда. Очиғини айтганда, яшикни ташлаш учун... фақат бир нарса... зарур ...агар у бўлмаса — яшикдан чиқолмайман... биласанми... шим. Шим... Шиминг бўлса, бемалол оломонга қўшилиб кетаверишинг мумкин... Ҳатто агар оёқ яланг ёки белингдан тепаси яланоч бўлса ҳам, аммо шиминг борми — демак, ҳаммаси жойида... Аксинча, агар энг сўнгги урфдаги ботинка, қимматбаҳо костюм кийиб, лекин шимсиз қўчага чиқсанг, бу ҳам ҳай-хув кўтариб юборади. Мада-

НИЯТНИНГ ЮКСАК ТАРАҚҚЕТИГА ЭРИШГАН ЖАМИЯТ — ЎЗИГА ХОС ШИМЛИ ЖАМИЯТДИР. ЯХШИ ҲАМКИ, АНА ШУНДАЙ КҮНГИЛСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДНИ ОЛИБ, ЭНГ СҮНГГИ УРФДАГИ ШИМДАН ГАМЛАБ ҚҮЙГАНМАН. УНИ БИРИНЧИ МАРТА ЎТГАН ҲАФТА ДАВОЛАНИШ УЧУН КЛИНИКАГА КИЙИБ БОРГАН ЭДИМ. ЯШИК ШИФТИДАГИ ШИМ ОСАДИГАН ИЛГАКНИ ТАХЛАБ ҚҮЙИНШ МУМКИН — КҮП ЖОЙ ЭГАЛЛАМАЙДИ. АСОСИЙ ИШ ҚУРОЛИМ — ФОТОАППАРАТНИ ВА УНГА ТЕГИШЛИ ҲАР ХИЛ МАЙДА-ЧҮЙДАЛАРНИ ҲАМ ОЛАМАН... ҚОЛГАН НАРСАЛАРНИНГ МЕНГА УНЧА КЕРАГИ ЙЎҚ, АГАР УЛАР ХАЛАҚИТ БЕРАДИГАН БЎЛСА, АЧИНМАЙ ТАШЛАБ ЮБОРАВЕРАМАН. БАЛКИ ТАШЛАШ КЕРАК ЭМАСДИР? БАЛКИ УЛАРНИ СЕНГА БЕРГАНИМ МАҶҚУЛДИР? ЮВИНИШ АШЁЛАРИ, ПИСКА, ГУГУРТ, ҚОГОЗ СТАКАНЛАР, ҚУЛОҚ ТИҚИН, ТЕРМОС, АВТОМОБИЛЬ КЎЗГУСИ, СУВ ЎТКАЗМАЙДИГАН РЕЗИНА БОГИЧ... МАНАВИ КЎЗ ДОРИСИ ВА БОШҚА ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАШЛАБ ЮБОРАВЕРСАМ БЎЛАДИ — УЛАР ЎЗИНГДА БОР... «ЭНГ ЯХШИ ЯЛАНФОЧ ТИЙНАТЛАР ФОТОСУРАТЛАРИ ЯНГИ ТҮПЛАМИ»НИНГ ИККИНЧИ ЖИЛДИДАН ҚИРҚИБ ОЛИНГАН ОЛТИТА ФОТОСУРАТ, АНА ШУ ФОТОСУРАТЛАРНИ КЎРИШ УЧУН МАХСУС ҚУВУРАК... ҚУВУРАКДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЎРГАНИШ ҚИЙИН ЭМАС — УНИ ҚЎЛГА ОЛИШ КИФОЯ... НИҲОЯТ, ЧҮНТАК ФОНУСИ, ЗЎЛДИРЛИ РУЧКА, БИР ПАРЧА ПЛАСТМАССА, БИР ЎРАМ СИМ ВА ҲАР КУНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТЎҒРИ КЕЛИБ ТУРАДИГАН БОШҚА ҲАР ХИЛ НАРСАЛАР, ҲАТТО КЎПЛАРИНИНГ НОМИНИ ҲАМ БИЛМАЙМАН... АРЗИМАС НАРСАЛАР БЎЛИБ КЎРИНГАН БИЛАН, АСЛИДА, УЛАР ҲАЁТ УЧУН ЭНГ ЗАРУР АНЖОМЛАР, УЛАРСИЗ ЯШИКДА ҲАЁТ КЕЧИРИШ МУМКИН ЭМАС. МИННАТДОРЧИЛИК ТАЪМА ҚИЛМАЙМАН — БУЛАР МЕНИНГ ЯНГИ ЯШИКОДАМГА ЭСДАЛИК СОВФАЛАРИМ БЎЛСИН. ДАСТЛАБКИ, ПАЙТЛАРДА, ТРАНЗИСТОР ОЛИБ ЮРИЛСА, ЭҲТИМОЛ, ЯХШИ БЎЛАР. АГАР ХУДДИ МЕНГА ЎХШАБ ЯНГИЛИКЛАР ЗАҲАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ҚОБИЛИЯТИ ПАЙДО БЎЛСА, У ҲОЛДА БОШҚА ГАП, ЛЕКИН ТО КЎНИККУНИНГЧА ҲАР ЗАМОН, ҲАР ЗАМОНДА ёЛҒИЗЛИК ТУЙҒУСИ СЕНИ ЎЗ ГИРДОБИГА ТОРТИБ ТУРАДИ...

— Ювиб қўйган кийим-кечакларинг охири бир кун қуришига сал-пал бўлса ҳам умидинг борми?

— ҶЕМГИР ҲОЗИРГИНА ТИНДИ, ҲАВО НАМ. ШУНГА ҚАРАМАЙ, ИЧКИ КИЙИМЛАРИМ АНЧА СЕЛГИБ ҚОЛДИ, ЭРТАЛАБГА ЯҚИН ШАМОЛ ЙЎЛИНИ ЎЗГАРТИРИШИ БИЛАН ДАРҲОЛ ҚУРИЙДИ.

— Бундан чиқдики, ўтирган жойинги қоронғи экан-да?

— Ҳозиргина уфқда нимадир ялт этди. Чамаси, Каракатица<sup>1</sup> овлайдиган кема яқинлашяпти. Қайтиш вақти бўлди. Демак, ҳадемай тонг отади.

<sup>1</sup> Қаракатица — юмшоқ такли денгиз моллюс, каси.

— Кийимларим анча қуриб қолди, деяпсан, инжиқ-лик қилиб ўтиrmай, кийиб олсанг бўлмайдими? Баъзан иштонингни жиндак ҳўллаб қўйганингда — бирпас сабр қилсанг, ўз-ўзидан қуриб қолади-ку. Тезроқ қимирла, йўқса, сени кутавериш жонимизга тегади.

— Бир оз шамоллабман. Тўйиб ухламагаимдан бўлса керак, жунжикиб кетялман, оёқларимдан ўт чиқяпти... Оёғимни қумга тиққан эдим — ўзимни анча яхши ҳис қилдим... Аммо баттар совуқроқ бўлиб қолди... Шубҳасиз, душнинг тагида жуда узоқ туриб қолдим. Ўтган ҳафта бу ерга келганимда ярам зирқираб оғриб турган эди, шунинг учун ювингмаганман, ҳозир эса, ниҳоят баданимдаги уч йиллик кирни ювиб ташлашга жазм этдим... Бир кулча атир совунни ишқаб тугатдим. Қанақа кулча совунлигини бир кўрсанг эди. Махсус буюртмага кўра тайёрланган... Ўзи ҳам совун бўлганига пушаймонлар еди, десам лофт бўлмайди. Шу ҳафта ичи жуда кўп нарсаларни ўйлаб кўрдим, шунинг учун... ҳатто совундан аёл гавдасини ясашга ҳам уриндим. Оддий аёл гавдасини. Мен уни жувоннинг гавдасига ўхшатмоқчи эдим, аммо қўлимдан келишига кўзим етмади. Зоро, ҳаддан ташқари ҳаётий қилишга уринсам ҳам, аёл эмас, аллақандай қурбақа бўлиб чиқди. Ҳа, юқори сифатли эканлигини тасдиқловчи савдо белгиси бўлган бу совун ҳайрон қоларли даражада ёқимли шаклга эга эди. Бошда душ тагида узоқ туриб, киримни юмшатдим, кейин губка қўшиб калта иштонимни совунладим, бор кучим билан баданимни ишқадим. Киримни аъзойи баданимни оғритиб тирнаб, эринмай қирдим, кейин яна устимдан сув оқиздим. То баданимдан тип-тиниқ сув оқиб тушгуича, тўрт марта ана шу тахлит ювингдим. Тўртинчи мартадан кейин соchlарим худди кўпикка ўхшаб пахмайди. Энди юванишни бас қилсан ҳам бўлади. Узоқ вақт ванна қабул қилгандан кейин одамнинг бадани худди жило берилган стакандай сипсилиқ бўлади, мен ҳам ҳозир баданим ана шундай сипсилиқ сезилишини кутган эдим... Қайда!.. Бор совунни ишқаб тугатдим, азбаройи ҳолдан тойганимдан қўлимни қимирлатишга ҳам мажолим етмади, баданим худди териси шилиб олингандек ачишар эди... Назаримда, гўё ичак-чаворим ағдариб ташлангандек эди... Чиндан ҳам бир кулча совун билан уч йиллик кирдан халос бўлишга ишониш фирт гўллик. Чамаси, фақат тошдек қаттиқ кир парчаларига айланган суякларимнигина қолдирган эдим... Қайтиб, яна қумда ўрмалаётганимда,

тепамдан гуруллаган овоз эшитилди, назаримда, чағир тош ортилган самосвал нақ менга қараб учиб келаёт-гандек бўлди. Нимасидан қўрқаман, ишлаб турган насос экан. Гап шундаки, мен панд ебман — худди шу ерда, соҳилда қазилган қудуқнинг шўр сувига чўмилибман. Бу сувда хоҳ уч йил ювин, хоҳ суюгиннга терингни шилиб ол — оқариб бўпсан, совундан ҳам фойда йўқ...

— Қизиқ, ўзинг валақлаганингда тез чарчармикансан ёки бироннинг валақлашини эшитганингдами?

— Ҳали шунақамисан! Мана энди билдим кимлигингни. Ҳақиқатга ёлғон-яшиқ қўшади, фактларга ҳаддан ортиқ сертакаллуф ёндашади, деб ўйлабсан-да, мени. Бироқ у ёки бу факт уйдирма бўлмаса, унинг мартабаси ошмайди. Сен ҳам, жувон ҳам, манави муолажа хонаси ҳам, яшигим деворларидағи ёзувлардир, холос. Оддий ёзувлар. Ўз яшигингда ўтириб, сен буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан — мана, ҳақиқий нарсалар билан, қалбаки нарсалар ўртасидаги фарқ инмада. Ҳозир мен у ёқ-бу ёққа қараб яшаб турган ер бир одамга мўлжалланган панажой... Мени ҳеч ким кўрмайди, шунинг учун муғамбирлик қилишимнинг ҳожати йўқ — ҳаммаси юзимга ёзиб қўйилган... Оғзимдан чиққан ҳовур билан тердан ошланиб кетгак картон яшигимнинг деворлари ёзувларимдан ола-була бўлиб ётибди... Булар менинг мемуарларим... У ерда емиш то-пиш мумкин бўлган кўчалар тарҳи ҳам, эсда сақлаш учун қўйилган белгилар ҳам бор... Шундай рақамлар, расмлар ҳам борки, уларнинг маъносини ўзим ҳам тузук-қуруқ тушунмайман... Хуллас, бу ерда энг керакли далиллар тўпланган.

— Ҳозир сенинг соатинг неча бўлди?

— Саккиз минути кам беш...

— Сен ўз ёзувларингни ролла-роса учдан ўн саккиз минут ўтганда бошлаган эдинг. Акс соат экан. Ўшандан бери бор-йўғи бир соату ўттиз тўрт минут ўтганини кўрсатяпти.

— Булар фақат менинг ёзувларим эканлигини эслаб қўйсанг ёмон бўлмасди. Нима, сен мени яшикка ҳаддан ташқари боғланиб қолган, деб ўйлайсанми? Маслаҳатингга амал қилиб, яшик билан хайрлашган заҳотим, бу ёзувлар йўқолади, уларга қўшилиб сен ҳам.

— Оббо, сен ҳам бинойидек некбин экансан-ку.

— Устига устак, сенинг шарофатинг билан бинойидек ўз-ўзимдан нафратланадиган ҳам бўлиб қолдим.

— Кел, ҳисоблаб кўрамиз. Ёзувларинг ҳаммаси бўй

либ әллик түккіз сақиға. Бир соату үттиз түрт минутда — әллик түккіз сақиға... Нима десаңг дегин-у, лекин ақлга сиғмайды.. Ахмоқона гапларни күп алжি-райверма, деб неча марта танбөх бердім сенга. Илгариги тажрибанғи бир әслаб күрсанг, әмон бўлмасди. Бир соатда үртача неча сақиға ёза оласан? Үртача бир сақиға ҳам ёза олмайсан. Ҳатто ҳеч ақл бовар қилмайдиган тезликда ёссанг ҳам, нари борса, түрт сақиғани қоралайсан. Бироқ у ҳам ғирт ажи-бужу бўлади.

— Йўқ, мен баъзан кўпроқ ҳам ёзганман.

— Яхши, кел, соатига беш сақиғадан ҳисоблаймиз, розимисан? Эллик түккізни бешга бўламиш, ўн биттадан тегади, яна түрт қолдиқ ҳам бор... Ўн бир соат әллик минут, тўғрими?. Лўнда қилиб, ўн икки соат деймиз. Яъни, ейиш-ичишга чалғимасдан, бош кўтармай ёзиб турганда, ўн икки соатда аранг улгuriш мумкин. Демак, агар сен ёзишни кечаси соат учда бошлаган бўлсанг, ишни кундуз соат учдан олдин тугатолмас эдинг.

— Кечирасан, бироқ булар менинг ёзувларим. Хаёлимга келган нарсани бемалол ёзиб кетаверганман.

— Муайян вазиятда мумкин. Айтайлик, сен мабодо, қандай маҳфий мақсадда эканлигини билмайман, ҳар ҳолда, сафсата ёзишни ният қилган бўлсанг, ёки мабодо шундай кўзга кўринмас бир ҳалокат рўй бериб, натижада ер куррасининг айланиши секинлаб қолган бўлса — бошқа гап эди. Бироқ шу қадар бемаънилилкка боргандан кўра, умуман, бошқа бир фаразни илгари сурган маъқул. Ҳудди сени ёзувларнинг муаллифи деб ҳисоблашга ҳеч қандай зарурат йўқ. Бу ёзувларнинг муаллифи сен эмас, аллақандай бошқа одам, деб фараз қилсак, ким нима дейди?

— Етар энди тирноқ остидан кир қидириш. Буларни мен ёзяпман. Денгиз ҳидига чулғантан қоронги соҳил. Пардозхонадаги тепамда осилиб қизариб турган қалпоқсиз чироққа майда чивинлар бамисоли тутундек ёпирилади. Бирдан яшикда худди ёмғир томчилагандек нимадир қитирлади, билсам, ўйлаганимдан ҳам каттароқ ҳашарот экан. Ҳозир мен лабимга сигарета қистирдим.. гугурт чақдим... алангаси яланғоч тиззаларимни ёритди... сигарета чўғи тиззаларимга яқинлашди.. иссиғини сездим... Ҳар қандай шароитда ҳам бу фактга шубҳа қилиб бўлмайди. Мабодо ҳозир шу ерда мен ёзувни тўхтатганимда, навбатдаги иероглиф ҳам, навбатдаги жумла ҳам пайдо бўлмасди.

— ...Қандайдир бошқа одам, қайсидир бошқа бир жойда ёзаётган бўлиши мумкин.

— Қим?

— Масалан, мен.

— Сен?

— Ҳа, худди мен ёзаётган бўлишим ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу нарса эҳтимолдан холи эмаски, ўзини мен деб тасаввур қилиб ёзаётган сени мен деб тасаввур қилиб ёзаётган мен бўлишим ҳам мумкин.

— Нима учун?

— Балки, яшик-одамни фош этиш учундир, ахир сен у ҳақиқатда ҳам мавжуд деган тасаввур яратмоқчи-сан-ку.

— Аммо бундан бутунлай қарама-қарши натижа чиқади. Мабодо сени муаллиф деб ҳисобласак, у ҳолда, яшик-одам ўша заҳотиёқ сенинг хаёлинг мевасига айланиб қолади.

— У ҳолда, яшик-одам уйдирма эканлигини исботлаш учун, сен у ҳақиқатдан ҳам мавжуд эмас, деган таассурот ҳосил қылмоқчи бўласан.

— Узим ҳам шунга ўхшаш бир нима ўйлаб топасан, деб тусмоллаб турувдим. Аммо қанча қувлик қилма, бу билан ҳеч нарсага эриша олмайсан. Менда инкор қилиб бўлмайдиган ашёвий далиллар бор. Сен билан музокарага киришишдан олдин, огоҳлантириб қўйсам бўлар экан. Агар менинг баъзи бир ғамлаб қўйган нарсаларим борлигини билганингда, ўзингни бунчалик эҳтиёtsиз тутмаган бўлармидинг... Йўқ, мен бундан ёмонлик учун фойдаланмоқчи эмасман. Агар шундай қилиш ниятим бўлса, уни аллақачонлар амалга оширадим. Маслаҳатим шуки, музокараларда ўзингни яхши тут. Ашёвий далилларни эса хоҳлаган пайтимда беришим мумкин сенга.

— Жуда ғалати, бироқ мен нимага шама қилаётганингни тушунолмаяпман.

— Тинч қўй мени, шусиз ҳам ўзи ҳеч уйқуга тўй-майман, доим тажанг юраман. Майли, айтсам — айтиқолай. Мени елмилтиқ билан отган ким? Ҳаммаси мака шу ерга ёпишириб қўйилган.

— Хўш, нима бўпти. Жуда кўпчиликда елмилтиқ бор. Сассиққўзанлар товуқхоналарга ёмон ўрганишибди, бошга битган бало бўлди,— деб қайтарди жувон кутилмаганда, мен ундан олдин ҳам эшитган гапни.

Ҳайрон қолдим — демак, ҳар ҳолда, вақт ўтиб турибди. Мен жувонни хафа қилмоқчи эмасдим, бироқ

унинг сохта яшик-одамга ён босиб кетишига ҳам йўл қўйиб бўлмасди.

— Минг афсус, лекин инкор қилиб бўлмайдиган далил бор. Менга қараб ўқ узилган ўша пайтда, касбим тақозоси билан фотоаппаратим тепкичасини босган эдим. Плёнкани ўша куниёқ ишладим. Сурат жуда ажойиб чиқди. Зеро, орқасидан кўринса ҳам, елмилтиғини қўлтиғига қисганча, қуролини пана қилиш учун уч букилиб қия йўлдан юқорига ўрлаб қочиб бораётган одам. Сочи ўзига хос олинган, букрилигини билдирамаслик учун буюртма қилиб тикирилган костюм, қиммат-баҳо матодан бўлса ҳам фижимланиб кетган шим ва ниҳоят, мокасин типидаги ёnlари тешик-тешик тайпок ботинка... — Мен товушим оҳангини кескин ўзгартириб, фақат жувоннинг ўзигагина мурожаат қиласман: — Кел, ким тез фаҳмлари ўйнаймиз. Соҳи олдиришидан кўриниб турибдикни, бу одам теварак-атрофдагилар билан ҳисоблашмайди, моддий жиҳатдан таъминланган, кўп ўтиришига тўғри келади, ишининг табиатига кўра пойабзалини тез-тез кийиб-ечиб туради... Сен нима деб ўйлардинг? Масала унча қийин эмас. Ҳар қандай одамнинг ҳам хаёлига беморларни қабул қиласиган врач, деган Фикр келади. Бунинг устига фотосуратдаги қия йўл соя заводи ёнидан ўтади, бу ерга, пастга...

Шу пайт вазият кескин ўзгаради. Сохта яшик-одам, ҳа, шу маҳалгача бамисоли оёқ ўсиб чиққан қофоз соладиган саватга ўхшаб, бемалол бамайлихотир турган худди шу сохта яшик-одам, аллақандай нохуш овоз чиқарди ва яшигини бир чайқатиб олди. Дарчани бекитиб турувчи полиэтилен парда йирилиб, у ердан узун таёқ чиқди. Елмилтиқ. Милтиқ чап кўзимни мўлжалга олган эди.

— Иигиштир... — деб танбеҳ бердим ҳазиломуз, бепарво оҳангда.— Мен ингичка, узун нарсалардан қўрқаман — бу заиф томоним...

— Плёнкани берасанми?

— Уни олиб келиш ҳақида ўйлаганим ҳам йўқ. У, ахир, менга сен билан теппа-тенг туриб гаплашиш имконини берадиган ягона далил.

— Тинтиб кўр уни,— деб кескин буюрди жувонга сохта яшик-одам.

Жувон тараддулланди. Менга жавдираб қаради. Орқа ёқасини тузатмоқчи бўлиб, қўлларини кўксига қовуштирди ва мувозанатини йўқотиб, олдинга эгилди. Янги дазмолланган оплоқ халатининг этаклари (уни кийиб олишга қачон улгурди экан?) очилди. Атиги бит-

та — юқориги тұгмаси қадалған. Халат яланғоч баданға кийилған әди. Үзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаган әдим, бироқ тахминим түғри чиққанидан кутилмаганда довдираб қолдим. Халат остидаги яланғочлик қип-яланғочликка қараганда яна ҳам тортувчанроқ бўлади. Халат халатга ўхшамасди — у қурбонлик келтириш учун кийиладиган дабдабали либосга айланған әди. Ички бир босимдан таранг тортиб, дўмпайиб турган жой қандай ишлатилиши номаълум бўлган аллақандай механизми эслатади — одамни йўлдан уради. Фақат кичкинагина ияк ва қорининг пастки думалоқ қисми болаларча ҳимоясиз кўринади. Мен ўз хотирамни кавлаштира бошлайман. Худди бирорвнинг чамадонини титкилаётгандай ундаги ҳамма нарсани ағдар-тўйтар қилиб юбораман. Жувон ўз мувозанатини сақлаш учун чап сёгии олдинга ташлайди. Худди шу заҳоти кўриш майдоним торайиб, менда жанговар руҳ уйғонади. Сабабини ўзим ҳам тушунолмайман.

— Яхши. Ўзимни ўзим тинтиб кўрсатаман, сен овора бўлиб ўтирма.— Бориб, эшик ёнидаги илгакдан тоғ-поққа чиққанда фойдаланиладиган ҳалиги йўлтўрвани олиб, очаман-да (йўлтўрва Америка босиб олган вақтларда сотиб олинган бўлиши мумкин), ундан ўйинчоқ тимсоҳни оламан.— Ҳар эҳтимолга қарши, менинг олдимда виждонингиз пок эмаслигига имоним комил бўлди. Бир қарашдаёқ билиниб турибди бу. Ўзим ҳам ўйловдим, бу одам қўшиғини жуда ширин айтяпти, деб...

Қўлимдаги яшил ўйинчоқ тимсоҳнинг узунлиги ярим газга яқин, эни ўн олти сантиметр келарди, қип-қизил жаги очиқ, елкасидаги ўркаччалари ҳамда панжаларининг учи маллатоб рангда: тишлари, кўзлари эса оқ пластмассадан қилинган. Бу жўн, кўримсиз ўйинчоққа кўзи тушган ҳар қандай киши дабдурустдан бўшашиб, шаштидан қайтиб қолади. Болаларнинг ўтакасини ёриб юборадиган бу ўйинчоқ катталарда қўрқув уйғотмайди, фақат улардаги душманлик. баразини сўндиради. Турган гапки бу, оддий ўйинчоқ эмас әди. Бу сўйил-таёқни унга руҳан таъсир ўтказиш мақсадида ўзим ясаб олган әдим. Йўқ, у ўйинчоқ эмас әди, балки безорилар ҳам, маҳфий полиция ҳам қўллаб туришни жон-дилидан яхши кўрадиган қотиллик қуроллари ичиди машҳур бўлган ҳақиқий сўйил-таёқ әди. Одатда уни ичига таранг қилиб тиқилған губка билан қилиқни тўкиб ташлаб, худди бўш қопчиқдек шаллайтириб олиб юраман. Аммо бугун эрталаб кўнглим бир ёмон нарсани сезиб, ичини денгиз қумига тўлдириб олган әдим. Бу тимсоҳ жони-

ворни думидан ушлаб, бошинг устида айлантирсанг борми, ҳар қандай одаминг ҳам ўтакаси ёрилиб кетади. Агар келишириб урсанг — бошини ёриш ҳам ҳеч гап эмас. Турган гапки, мен бунаقا беаёв ҳамла қилмоқчи эмасман. Сўйил-таёқнинг яна бир қулай томони шундаки, у билан деярли ҳеч қандай из қолдирмасдан рақиби үлар ҳолатга келтириш, яъни, унга жуда қаттиқ зарба бериш мумкин. Йиш битгандан кейин, яхшиси, тимсоҳнинг қорнидаги тиқинни олиб, ичидаги қумни бирор ҳовли-повлига тўкиб ташлаш керак. Мабодо бирон кор-ҳол рўй бериб қолса, оддий латта қопчиқ ажал қуроли бўлиб хизмат қилгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

Шундай қилиб, истар-истамас, ўзимча, сохта яшик одамга латта тимсоҳни кўрсатаётган бўлиб, кучим борича елмилтиқни тагидан юқорига қараб урдим. Зарб ҳаддан ташқари кучли чиқди, чамаси, бу ҳаракатимдаги кескинлик шарофати эди. Милтиқ дарчанинг юқориги четини ўйиб кириб кетди, яшик сапчиб тушди. Тўсатдан панд еган врачнинг дарғазаб ингроги эшитилди. Айни пайтда, худди мих кириб автомобиль шинаси ёрилгандек, ўқ овози янгради. Ўқ шифтга қараб учди, аммо унга қандай бориб урилганини эшитмай қолдим. Милтиқни юлқиб олдим. Врач бўш келмай, дарчадан қўлини узатиб, кутилмаган куч билан, худди нонга ёпишгандек, менинг ўнг юзимга чанг солди. Қўм тўлдирилган тимсоҳ билан оёғига боплаб урдим. Худди жонли дараҳтга болта санчилгандек, чип этган оғир товуш эшитилди. Врач ўкирганча қўлини тортиб олди. Ҳамма унли товушлар қоришиб кетган бу ғайритабии ўкириқ аъзойи баданимдан тер чиқариб юборди. Овозини ўчирилмоқчи бўлиб, яшик оша бошига тушириш учун хезланиб қўл кўтардим-у, иккиланиб қолдим. Яшикни аядим. Энди мен унинг оёғига аниқ мақсад билан ура бошладим (оёғини уриб синдирганим учун унинг бу ерда қолиши мени қизиқтирмас эди), врач яшигига ғужанак бўлиб, яна қофоз соладиган саватга айланиб олди. Яшикдан худди оқаётган водопроводни бураб тўхтатиб қўйган пайтдагига ўхаш товуш эшитилар — ичидаги одам борлигини тасаввур қилиш ҳам ҳатто қийин эди. Мен умримда биринчи марта яшикка тамомила бефарқ қарадим. Қуёшнинг дераза ойнаси орқали ўтаётган заиф шуъласи — соат эндиғина ўн бўлди,— оҳакка бўялган деворларни нурга кўмиб, хонани ёритиб юборган, яшик эса худди ана шу деворда ўйилган кавакка ўхшаб кўринар эди.

Мабодо ҳозир бу ёзувларни мен ёзмаётган бўлсам (сохта яшик-одам томонидан қайд этилган вактда ги қарама-қаршиликни мен ҳам эътироф этмасдан қололмайман), ким ёзаётганидан қатъи назар, ҳикоя ниҳоят бефойда чиқяпти. Ҳар эҳтимолга қарши навбатдаги саҳна фақат шундай бўлиши мумкин: ўгирилиб, жувонга қарайман. Ёзаётган одам унга нисбатан қандай муносабатда бўлиши керак? Яшикни бузиб ташласам, нимани йўқотаман ва нимага эришаман — буни, истасам-истасам, фақат жувоннинг муносабатига қараб ҳал этишимга тўғри келади. Масалан, у мени халатининг тугмаларини ечган ҳолда қабул қиласими ёки бошдан-оёқ кийинган ҳолдами... Иўқ, тугмалар асосий мезон бўла олмайди... Азбаройи қўрққанидан тугмаларини қадашни эсидан чиқариб қўйинши ҳам эҳтимолдан холи эмас ёки аксинча, яна шу нарса эҳтимолдан мутлақо холи эмаски, у тугмаларнинг ечилиш маросимини мураккаблаштирган ҳолда, мени тантанали вазиятда қаршилашга ҳаракат қилиб, ҳамма тугмаларини қадаб олиши ҳам мумкин. Ундан иккя ярим газ берида турсам ҳам, шубҳасиз, юзидағи ифодаларни пайқай оламан. Мабодо юзига ҳатто зўрма-зўраки бўлса ҳам осоишишталик ёйилса, демак, у билан врачнинг ораси бузуқ ва мен уни врачнинг исканжасидан, зулмидан ҳолос этганман, мабодо у, аксинча, қўрқса, демак, бошданоқ уларнинг тили бир экан ва мен мўъжиза билан омон қолганман.

Бас, етар. Булар бари гапириб ўтиришга ҳам арзимайдиган бемаъни ишлар. Энг ёмони — мен ҳикоя қилиб берган воқеанинг ишонарсиз чиқиши эмас, балки, унинг ҳаддан ташқари ишонарли чиқиб қолиши. Худди айрим парчалари кўчиб тушган қурама сурат — мозаикага ўхшаш узуқ-юлуқ, парча-пурча, у қадар силлиқ бўлмаган воқелик. Ҳар қалай мен бўлмаслигим мумкинлигини эътироф эта туриб, ҳалигача мени тирик сақлаб туришдан унга нима маъно бор экан. Балки такрор айтиётгандирман — қотиллик қиласман десанг, яшик-одам сен учун энг беминнат қурбон бўлади. Агар врачнинг ўрнида мен бўлганимда, ўзим билардим: мәҳмонимга дарров бир пиёла чой қуйиб берар эдим. Унинг касбидаги одам учун чойга бир қатра заҳар томизиб юбориш нима бўлти. Еки бўлмасас... Бордию... у менга заҳарли чой ичирган бўлса-чи? Эҳтимолдан холи эмас. Бемалол мумкин. Аслини олганда ҳам, ҳозир менинг тирик эканлигимни исботлайдиган бирорта далил йўқ.

## ЕЗМА ГУВОХЛИКЛАР

Қуйида айтадиган гапларимнинг ҳаммаси — соғ ҳақиқат. Сиз мендан қирғоққа денигиз бўйидаги Т. хиёбонига чиқариб ташланган мурда билан боғлиқ маълумотларни сўрагансиз. Мен ўз хоҳишим билан, ҳеч нарсанни сир тутмасдан, бор гапни батафсил айтиб бераман.

Исмим — С.

Яшаш жойим — (чизиқча).

Касбим — ўз ҳолимча врачлик (санитар).  
Туғилган вақтим — 1926 йил, 7 март.

С. менинг ҳозирги исмим. Бу, асли, уруш йиллари армияда санитар бўлиб хизмат қилиб юрган кезларимда менга командирлик қилгац ҳарбий врач жанобларининг исми, мен унинг ижозати билан санитария-гигиена станциясида уни ўз исмим сифатида расмийлаштириб олганман ва ўз ҳолимча врачлик билан шуғулланиб келганман.

Жиноий жавобгарликка тортилмаганман, полиция ҳамда прокуратурада шубҳали шахс сифатида сўроқ қилинмаганман.

Шу кунгача давлат идораларида бирор мансабда банд бўлмаганман, мукофотларим йўқ, пенсия ва бошқа нафақалар олмайман.

Бўйдоқман, бирон оиласвий аҳволимни майда-чуйдасигача очиқ ёзиш лозим бўлса, шуни қайд этишим керакки, ўтган йилгача фалончи билан никоҳсиз ҳаёт кечириб келганман. У менга ишимда медицина ҳамшираси сифатида ёрдам берар ва барча молиявий ишларни юритиб турар эди. Бу аёл, мен номидан фойдаланиб, ўз ҳолимча врачлик билан шуғулланиб келган ўша ҳарбий врач жанобларининг қонуний хотини эди. Биз у билан ҳарбий врач жанобларининг ижозати ва розилигига кўра бирга умр кечирганимизни ҳисобга олиб қўйишингиизни сўрайман — яъни, бу масалада менга ҳеч қандай эътиroz бўлиши мумкин эмас. Яқин-яқинларгача у билан менинг орамда жиддий келишмовчилик бўлмаган эди, бироқ ўтган йили ўргамчик ҳамшира (Еко Тојма) ёллаганимдан кейин, у ач-

чиқлаб менга ажралишни таклиф этди. Мен розилик бердим ва бу аҳвол ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Уруш йиллари ҳарбий хизматни санитар сифатида ўтадим, тўплаган тажрибаларимдан фойдаланиб, ўз ҳолимча врачлик билан шуғулландим — беморлар мендан жуда хурсанд эдилар, яна шуни қайд этишим керакки, мен қўлида дипломи бўлган ҳарбий врач жанобларининг маслаҳат ва ёрдамларига бирор марта ҳам илтифотсизлик кўрсатган эмасман. Жарроҳлик, масалан, кўричакни операция қилиш — менинг ҳунаримни алоҳида маҳорат билан кўрсата олган севимли соҳам ҳисобланади. Мабодо сиз қонунга хилоф равишда ўз ҳолимча врачлик билан шуғулланганим учун мени айбдор деб топар экансиз, у ҳолда, мен бирорининг номини ноқонуний ўзлаштириб олганим учун қаттиқ пушаймон эканлигимни изҳор этаман ва эътиборан шу дақиқадан бошлиб, ҳар қандай ўз ҳолича врачлик қилишни йиғишишириб қўйишга ваъда бераман, барча гуноҳларим учун чин дилдан узр сўрайман.

Сиз мёдан сўраган мурда билан боғлиқ масалага келсак...

## С.ГА НИМА БЎЛГАН ЭДИ

Энди сен ёлғизсан.

Шифтдаги чироқ ўчирилган, фақат стол устидаги чироқ ёниб турган нимқоронғи хона. Үзинг ёза бошлаган «Ёзма гувоҳликлар»дан ҳозиргина бош кўтариб, чуқур хўрсиндинг. Вазиятингни ўзгартирмасдан бошингни бир оз ўйга эгасан, кўзинг столнинг ўнг бурчаги ёнидаги ингичка нур тасмасига тушади. Бу даҳлиздаги чироқнинг эшик тагидаги тирқишидан сизиб кираётган нури. Мабодо эшик орқасида бирор турган бўлса, унинг сояси албатта ўша нур тасмасида акс этиши шарт эди. Сен кутяпсан. Етти сония, саккиз сония... Эшик орқасида эса тирик жон йўқ. Вақт ўз изини муҳрлаган оқ эшик, ундаги тирналган, қирилган гадир-будур жойларни қалин қилиб устма-уст суртилган бўёқ ҳам яшира олмайди. Кўзларининг эшикка тешиб

юборгудек қадаганча ўйга чўмиб ўтирибсан. Кутилмаганда диққатингни тортган товуш нима бўлдийкин? Балки қулофингга шундай чалингандир? Йўқ, эшиздинг... аниқ, эшиздинг... Афтидан, у бу ердан ўтмади... Деразага ўгириласан. Девор ёнида каравот устида қатлама картондан қилингани худди яшик-одамники сингари кўчма уй. Балки сени эртами-кечми, ҳақиқий яшик-одам келади, деган фикр безовта қилаётгандир? Йўқ, эркак киши қадамни бундай майда ташламайди. Ит ҳам. Ҳар қалай, бу ўша товуққа ўхшайди. Товуқ ҳам шунчалик зааркунанда бўладими, анчадан бери кечаси санқийдиган қилиқ чиқарган. Ҳар кеча дон ахтариб шу ерга келади. Товуқнинг кечаси санқиши — қизиқ, бу онда-сонда рўй берадиган ҳодисами ёки тез-тез учраб турадими? Қечалари ўз инларидан хотиржам ўрмалаб чиқадиган қуртқумурсқаларни бемалол чўқилаб еб юрадиган шундан бошқа товуқ йўқ, демакки, унинг озиқ-овқати жерагидан ортиқ, шундай бўлса ҳам, негадир у оч арвоҳдай оэғин, ҳеч семирмайди. Ҳар қандай имтиёз учун ҳам ҳақ тўлашга тўғри келади. (Энди сенда насиҳат қилиш истаги пайдо бўлди).

Пивоси яримлаб қолган стаканни оғзингга олиб борасан. Лабингга теккизасан-у, ичмайсан. Шу қадар эзилгансанки, томоғингдан пиво ҳам ўтмайди. Столга ўтирганингга тўрт соатдан ошиди. Сентябрь охирлаб қолган бўлса ҳам, ҳавонинг авзойи бузуқ. Спирт шимдирилган юмшоқ пахтада пешонангдан қўйицлиб келаётган терни артасан, ёпишқоқ лабларингни ялайсан; елпаррак ҳам салқин бермайди. Йўқ, қадамлар ҳар қанча шарпасиз бўлмасин, сен уларни эшифтаслигинг мумкин эмас. Юрагингни шубҳа кемиради.

Столда қалин ойна. Унинг устида — тугамаган «Ёзма гувоҳликлар». Ҳали рўй бермаган ва умуман рўй бериши номаълум бўлган воқеалар тўғрисидаги «Ёзма гувоҳликлар». уни бир четга суреб қўйиб, дафтарни оласан. Оқиш-малла чизиқли оддий дафтар.. Во ажабо! Худди меникига ўхшаган дафтардан ғамлаб қўйганинг ҳатто хаёлимга ҳам келмаган экан. Бўйсунмаётган қўлларинг билан дафтарни очасан. Биринчи бет мана бу жумла билан бошланади:

«Бу ёзувлар яшик-одам тўғрисида.

Мен буни яшик ичиди ўтириб ёза бошладим.  
Қатлама картондан қилингани, бошга кийганда белгача келадиган яшикда.

Бу гал яшик-одам — менинг ўзим».

Үн бет варақлаб, тоза сақиғани очасан. Қўлингга зўлдирили ручкани олиб, ёзишда давом этмоқчи бўлдинг-у, аммо фикрингдан қайтиб, соатингга қарадинг. Кечакоқ ярим бўлиши учун яна тўққиз дақиқа бор. Сентябрнинг охирги шанбаси тугай-тугай деб турибди. Қўлингда руқка-дафтар билан ўрнингдан турасан. Каравотга келасан. Яшикни ётқизиб, ичига кирасан. Яшик кийган ҳолда каравотнинг четида ўтирасан. Яшикка кириб-чиқишга одатланиб қолганинг ҳар томонлама кўриниб турибди. Яшикни ўгириб, дарчасини иш столингдаги чироққа қаратасан. Бироқ ёзиш учун ёруғлик етарли эмас. Сен яшик даричаси тепасига маҳкамланган чўнтақ фонусни ёқасан. Олдиндан тайёрлаб қўйилган пластмасса тахтадан стол ўринида фойдаланиб, ёзишга киришасан:

«Воқеалар моҳиятнинг энг умумий белгилари қўйидагилардан иборатдир. Воқеа содир бўладиган жой — Т. шаҳри. Сентябрнинг охирги душанбаси...»

Чамаси, сен ҳали рўй бермаган, фақат эртадан кейинги куни рўй берадиган воқеа тўғрисида, гўё рўй бергандек қилиб ёзмоқчи бўляпсан. Шошилишнинг пима кераги бор? Ёки ўзингга бўлган ишончнинг бир неча чимдими мадад беряптими? Бўлажак ҳаракатлар режаси аллақачон рўй берган воқеалар қиёфасига кирди — демак, сен тепкини босдинг. Ва айрим истиснолар билан, учайтган ўқнинг олдиндан мўлжалланган ҳаракат йўлидан ўзиб ўтиб, ўқ бориб тегиши керак бўлган нуқтани ҳам кўриб турибсан. Ёзувларнинг қолган қисмини ҳам тезроқ ўқишимни истайсан. Менингча, охирги мақсад, ўлимдан бошқа бирор нарса бўлиши мумкин эмас.

«...Денгиз бўйидаги боғнинг одам сийрак юрадиган олис адогига туташ соҳилда таниб бўлмайдиган бир мурда ётарди. Үнга белигача келадиган чуқурликдаги қатлама картондаи қилинган яшик кийгизилган ва камари ёрдамида гавдасига маҳкам чандиб ташланган эди. Афтидан, сўнгги пайтларда шаҳарда пайдо бўлиб қолган яшик-одам каналга қулаб тушгану оқим уни қирғоққа чиқариб ташлаган. Ёнидан ҳеч қандай ашёлар топилмади. Ичи ёриб кўрилганда маълум бўлдики, ҳалокат бундан ўттиз соат олдин рўй берган».

Ўттиз соат олдин... Сен қилни қирқ ёрган одамсан.

Мурда душанба куни эрталаб ёриб күрилган, деб тасаввур қилайлик. Агар ана шу ўттиз соатни орқага қайтарадиган бўлсак, бу айни ҳозирги дақиқаларга тўғри келади. Ёки бор-йўги бир неча соат кечроқ. Афтидан, сен аллақачон қатъий хулоса чиқариб қўйгансан. Кутилмаганда дафтарни ёпиб, каравотдан сирғаниб полга тушасан. Яшикнинг каравотда қолган орқа қисми баланд. Яшик ичидаги нарсалар бир-бирига урилиб кучли шовқин чиқаради. Саросимага тушганча яшикни ушлаб қолмоқчи бўлиб, ўгириласан. Бошингни буриб, иккинчи қаватда нима бўлаётган экан, деб қулоқ соиласан. Кўрқув мўйқалами юзингга қулочкашлаб бўёқ суртади. Шу заҳотиёқ қуриган бўёқ юзингда майдада ажинлар бўлиб жимирилади. Ҳаддан ташқари асабийлашасан. Сен сал ўзингни босиб олишинг — воқеликка яқинроқ бўлишинг керак. Хоҳ чиран, хоҳ чиранма, қўлингдан келганини қиласан, бошқасига кучинг етмайди.

Эшик томон ўгирилиб, қатъий бир вазият эгаллайсан. Юрасан. Бармоқларингни сал қисганча қўлларингни таранг қилиб ёнингга туширасан... Уч қадам ташлаб, бўшашасан. Орқангга қайтиб, стол ёнига келасан. Утириб, бошингни чанглайсан. Бир қўлингдаги дафтар столга шарпасиз тушади. Анча фурсат ҳеч нима қилмасдан, чуқур ўйга ботиб ўтирасан.

Ҳозир сен столинг устидаги қалин ойнадан кўз узмай қараб турибсан. Масофани яшириб турган тиник мовийлик. Билинар-билинмас кўк нуқси ургани беҳад чексиз мовийлик. Қочишга даъват этадиган хавфли ранг. Сен ана шу мовийликка шўнгийсан. Агар сен унга бутунлай сингиб кетсанг, назарингда, абадий сузиб кета оладиганга ўхшайсан. Мовийликнинг ана шу даъватини илгарилари ҳам бир неча бор ҳис этганинг ёдингга тушади. Қемалар паррагининг кетидан кўпирив, мавжланиб қолувчи тўлқинлар мовийлиги... Ташландиқ олtingугурт конлари ўриндаги кўлмак сув... Попукқандга ўхшатиб тайёрланган мовийранг маргимуш... Бошинг оққан ёққа кетиш мақсадида биринчи электричкани кутатуриб кузатганинг — бинафшаранг тонг... «Ўз жонига қасд қилувчиларга ёрдам жамияти» — агар бу ном хунукроқ жарангласса, уни бошқачароқ аташинг ҳам мумкин — яъни, «Роҳатижон ўлим клублари» томонидан юбориладиган муҳаббат кўзойнагининг рангли шишааси... Тажрибали усталар бу шишаларни зўр ҳафсала билан қаҳратон қишининг

қүёшидан шилиб олинган пафис пардага айлантирадиклар. Фақат ана шу кўзойнакни таққанларгина борса-келмас олисларга олиб кетувчи поезд жўнайдиган станцияни кўришга мұяссар бўладилар.

Балки сен ўз яшигингга жуда ҳам берилиб кетган-дирсан ва дастлаб дардингга малҳам бўлган яшик энди сени заҳарлай бошлагандир. Мен, яшик ҳам — хавфли мовийликнинг пайдо бўлиш манбаи, деган гапни эшиг-ган эдим.

Бева-бечорани шамоллатиб қўядиган ём-ғир ранги... Ер ости магазинлари ёпиладиган пайтдаги вақт ранги... Дорилфунунни тугатиш шарафига совға қилинган, гаровхонадаи сотиб олиимаган соат ранги... Ошхонадати зангламайдиган ювғич машинага урилиб чил-чил синадиган рашк ранги... ишсиз қолган кун эртасидаги тонг ранги... кераксиз ҳужжатлардаги сиёҳ ранги... ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган киши томонидан охирги марта сотиб олинган кино билетининг ранги... ва бошқа ранглар — думалоқ хат муаллифи, қишки лаижлик, азоблардан қутулиш воситаси бўлган ўлим ва ниҳоят, кучли ишқор — яъни, вақт ўйиб емирган туйнуклар ранги...

Нигоҳингни бор-йўғи бир исча сантиметр буриш кифоя қилди ва сен йиқилиб тушишдан омон қолдинг. Минг уринма, минг тиришма, гапнинг қисқаси, сен бор-йўғи соҳта яшик одамсан. Бари бир, ўзингни ўзинг ўлдириш қўлингдан келмайди. Мана, энди ойна остидаги доригарлик фирмаси чиқарган календарни қўздан кечиряпсан. Очсариқ тусдаги Гиппократ суратини гир айлантириб аллақандай лотинча ҳикматлар битилган фирма маркасининг икки ёнида шундай ёзув бор эди: чап томонида — «С» витамини ва картизон мавсуми», ўнг томонида — «September — ўз асабларинг устидан назоратнииг сусайиши» ва ҳар ойга оид тиббий маслаҳатлар. Кейин диққатингни, афтидан, чап бурчакдаги қизил иероглифлар жалб этди. Сентябрнинг сўнгги яқшанбаси. Худди ўзи — бир кун олдин... эртасига... йўқ, бугун, мўлжалингга кўра, яшикка тиқиб қўйилган, сувга бўқтириб ўлдирилган манави одам денгиз бўйи бофининг овлоқ қисмидаги қирғоққа элтиб ташланишидан бир неча дақиқа олдин. Сен тиниқ чоп этилган иероглифларга қарамасликка минг ҳаракат

қилганинг билан, улар худди беморларни қабул қилиш бўйича эски усулда тузилган жадвалингга ўхшаб йўқолмайди. Қўлларингни елканг кенглигида ёйиб, стол қиррасига ташлайсан. Ҳа, шуниси маъқул. Мабодо қўлларга суюниб, оғирлик маркази олдинга кўчирилса, дик этиб туриш осон бўлади. Тепкини босдингми, бас, ундан кейин ҳеч қандай эҳтиёт чораси виждонни азобдан қутқазмайди.

Ҳар ҳолда, ёза бошлаган «Ёзма гувоҳликлар»инг сенга ҳеч қандай хизмат қилмайди. Сендан илтимосим шуки, стольдан турмасингдан олдин уни йиртиб ташлаб юбор. Агар ҳамма иш тузган режангга мувофиқ ҳолда амалга ошса, бу қофозлар мутлақо фойдасиз ва ҳеч кимга керак бўлмай қолади, мабодо режаларинг барбод бўлса, у ҳолда, энг ишончли гувоҳликлар ҳам қутқазолмайди.

## ЁЗМА ГУВОҲЛИКЛАР. ДАВОМИ

Сиз мендан сўраган мурда билан боғлиқ масалага келсак, шуни тўла ишонч билан тасдиқлайманки, у, шубҳасиз, ўз ҳолимча врачликни бошлишим учун мен исмидан фойдалангандан ҳарбий врач жанобларининг жасади эди. Мен уни ҳарбий врач жаноблари деб атаётган бўлсам, бу асло эски хурофий табакалар таъсири эмас, азбаройи кўп йиллар мёбайнида унга шундай деб ҳазиллашиб юриб, оғзим ўрганиб қолганидан, назаримда, бу унинг ўзига ҳам мойдек ёқар эди. Ҳарбий врач жаноблари ўз жонига қасд қилмаса эди, деб анчадан бери хавотирланиб юрардим, минг афсус ва надоматлар бўлсинки, вақтида кўз-қулоқ бўлиб туролмадим, фожианинг олдини олиш қўлимидан келмади. Шу муносабат билан буни кенгроқ ва батаф- силроқ тушунтиришимга имконият беришин- гизни ўтиниб сўрайман.

Уруш тугашидан бир йил олдин менى ҳарбий врач жаноблари ёнида майда-чуйда топшириқларни бажариб туриш учун Н-чи дала госпиталига жўнатдилар. Уша пайтда ҳарбий врач жаноблари пўстлоқ билан ўзак оралигидаги ёғочдан қанд ишлаб чиқариш

имконияти устидаги ишга боши билан шўнгиф кетган, деярли барча беморларни даволаш менга қолган эди. Бахтимга, зеҳним ўткир, қўйлим енгил эди. Шу тариқа ҳарбий врач жанобларининг раҳбарлиги остида унча-мунича мураккаб операцияларни ҳам бажара бошладим. Ҳарбий врач жаноблари олиб бораётган тадқиқот масаласига келсак, маълумки, уруш даврида қанд мутлақо етишмас ва унга талаб катта эди. Агар дарахтнинг пўстлоқ билан ўзак ўртасидаги қисмидан қанд ишлаб чиқариш усули топилса — бу дунё аҳамиятига молик кашфиёт бўлар эди. Ҳарбий врач жанобларини қўйларнинг қофоз ейиши қизиқтириб қолган эди, қофоз учун эса, ҳаммага маълумки, хомашё сифатида дарахтнинг пўстлоқ билан ўзак ўртасидаги қисми хизмат қиласди; демак, унинг назарида, ҳайвонларнинг ичагида цеплюзозни крахмалга айлантириб берувчи актив ферментлар бўлиши керак; у кечаю қундуз шу ферментларни топиш ва уларни ажратиб олиш устида бош қотирав эди.

Кунларнинг бирида баҳтсиз ҳодиса рўй берди — билмадим, қўйларнинг ичагида бўладиган юқумли бактериялар таъсириданми ёки қайта ишлайсан ёғочдан узлуксиз олинган намуналар заҳарладими, ишқилиб, ҳарбий врач жаноблари қаттиқ оғриб қолди. Уч кечакундуз роса иситмалаб ётди, кейин қандайдир ғалати ҳодиса рўй бера бошлади: ҳар учинчи куни ўткир мушак оғриғи хуруж қилиб, гоҳ гужанак бўлиб олар, гоҳ ҳушдан кетиб қолар эди. Ҳарбий врач жанобларининг ўзи диагноз қўйишга ожизлик қилас, бошқа врачлар, унинг ҳамкаслари ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олмас эдилар. Мен кейинчалик кўп марта, ҳар гал шу ҳол қайтарилганда, китобларга мурожаат этдим, аммо ҳанузгача бу касалликка ном топа олганим йўқ.

Ҳарбий врач жанобларининг маънавий фазилатларига мен катта ҳурмат билан қараб келдим ва бор кучимни аямасдан уни парвариш қилдим. Бақт ўтган сари унинг

дарди оғирлашиб борарди, мен ҳарбий врач жаноблари тортаётган азоблардан күз юмиб, унинг қатъий талабларини кўнгилчанлик билан бажарганим ва кўкнор ширасидан олинган, оғриқ босувчи морфийдан тўхтовсиз укол қилиб турганим учун ўзимни ҳали-ҳали кечиролмайман. Урушнинг охирига келиб, у фирт банди бўлиб қолди. Мен ҳарбий врач жанобларини ўз ҳолига — тақдир ҳукмига ташлаб қўя олмас эдим, шунинг учун у билан биргаликда ҳарбий хизматдан бўшадим.

Хизматдан бўшаганимиздан кейин ҳарбий врач жаноблари билан иккаламиз биргаликда клиника очдик, мен унинг ассистенти сифатида клиника ишларини юрита бошладим ва беморларни қабул қилдим. Вақт ўтиб борар, аммо ҳарбий врач жанобларининг соғлиғи яхшиланмас эди, бора-бора у беморларни қабул қилолмайдиган бўлиб қолди. Фақат беморларнинг касаллик тарихи билан танишиб чиқар ва менга кўрсатмалар бериб тураг эди. Нима учун ўз ҳолингча врачлик билан қонунга хилоф равишда шуғуланаётганингни била туриб, бу ўзбошимчаликни тўхтатмадинг, деб сўрарсиз, ҳойнаҳой, майли, бу тўғрида ҳам ҳеч нарсани яширамасдан айтиб беришга тайёрман.

Биринчидан, мен ҳарбий врач жанобларини морфий билан таъминлаб туришга мажбур вазиятда эдим. Маълумки, ҳозир олий ва паст табақалар йўқ, турган гапки, ҳарбий врач жаноблари ҳам мени, бундай қилма, деб зўрламади. Мен бу ишни, содир бўлган фалокат олдида ўзимни бир қадар жавобгар ҳис этганимдан, азбаройи дўстона бир туйғу билан қиласр эдим. Сиз унга чинакам дўстлик қилмоқчи бўлган экансиз, уни даволаб бангиликдан халос этиш чораси тўғрисида нега ўйламадингиз, деган савол туғилиши мумкин ва мен бунга қўйидагича жавоб бераман. Врачни даволаб бангиликдан халос этиш — деярли бефойда иш, тузалиш дараҷаси нулга яқин. Бу — организмнинг пировард-натижаси ўлимга олиб келадиган астасекин заҳарланиши эканлигини фаҳмлаб,

мен ҳарбий врач жанобларини ўз ҳолига — тақдир ҳукмига ташлаб қўйишга журъат қила олмадим.

Иккинчидан, мен ҳарбий врач жанобларининг номидан фойдаланиб, ўз тириклигимни таъминлай олганим тўғрисидаги фактини рад этиб бўлмайди. Аммо мен ҳарбий врач жанобларининг заифлигидан ғаразли мақсадларда фойдаланганим йўқ. Барча молиявий ишлар жилови унинг умр йўлдоши қўлида эди. Кейинчалик бу аёл билан менинг ўртамда яқин муносабатлар қарор топди, буни ҳарбий врач жанобларининг ўзи вужудга келтирди, негаки, уни ташлаб кетишимдан хавфсираб, умр йўлдошини мен билан шундай мулоқатларда бўлиб туришга зўр бериб қистай бошлаган ва буни, мени қўлдан чиқариб юбормасликининг бирдан-бир воситаси, деб билган эди.

Бу — бағиљикнинг сўнгги босқичида тез-тез учраб турадиган ҳодиса — психознинг бир тури эди.

Учинчидан, ўз ҳолимча врачлик билан шуғулланишни давом эттирганимнинг яна бир сабаби, кундан-кун шуҳратим ошиб, маҳоратимнинг кенг тан олиниши натижасида ўз қобилиятимга нисбатан пайдо бўлган ишонч эди. Тўғри, ўз ҳолиҷа врачлик қилиш санъатини аниқ баҳолайдиган холис мезон мавжуд эмас. Афтидан, шунинг учун ҳам қонунга хилоф равишда врачлик қилиш ҳеч қачон жиноят сифатида англашмайди. Бундан ташқари, тибиётга бўлгак қизиқишим тўхтовсиз ўсиб борди, медицинага оид китоб ва журнallардаги энг янги маълумотлардан ҳам доимий равишда баҳраманд бўлиб турдим. Иигирма йиллик тажриба, ҳалоллик ва илмий ғайрат-иштиёқ, назаримда, врачлик дипломи билан боғлиқ муаммони чиппакка чиқарадиган дадил ишончга айланади. Чиндан ҳам, илгари бошқа клиникаларда даволанган беморларни текшириб кўрарканман, университет томонидан масъулиятсизлик билан, нотўғри қўйилган анча-мунча диагнозларга дуч келдим. Турган гапки, бу далил-

лар ўзим йўл қўйгап жиноятни оқлайди, демоқчи эмасман. Қонунга хилоф ишни ҳеч нарса оқлай олмайди.

Саккизинчи йили жиддий ўзгаришлар со-дир бўлди. Бунга қадар ҳарбий врач жаноблари менга врачлар конференцияларида иштирок этиш ва ташки муносабатлар ўрнatiш қаби ишларни ҳам топширар эдики, пировардида, хунук гап-сўзлар пайдо бўлди, гўёки у ақлдан озган деган бўхтондан ибораг мишмишлар тарқала бошлади. Бу мишмишлар бизга ҳам етиб келди. Ўша пайтда ҳарбий врач жаноблари истеъмол қиладиган мукайифот миқдори одатдагига нисбатан сезиларли даражада ошиб кетди ва мен бунинг устидан қатъий назорат ўрнатишга мажбур бўлдим. Мен устимида қора булут — жиддий хавф пайдо бўлганини фаҳмладим, ҳарбий врач жаноблари билан маслаҳатни бир жойга қўйдик-да, клиникани ёпиб, мана шу шаҳарга кўчуб келишга қарор қилдик.— во-қеалар энг охирги дамга қадар шу тарзда ривожланди.

Ана шу кўнгилсизликлар туфайли ҳарбий врач жанобларининг руҳий аҳволи кескин ёмонлаша бошлади, унда мизантиопия — яъни, одам иси ёқмаслик касали авж олди ва ўз жонига ўзи қасд қилишга интилиш нишоналарин яққол кўринди. Умр йўлдошининг таклифига биноан, биз ҳарбий врач жанобларининг ташки олам билан ҳар қандай алоқасини узиб қўйишга келишдик ва мен ҳарбий врач жанобларига айланиб, клиникани ўз номимга ўтказишга қарор қилдик. Зоро, бу билан аҳвол расмий жиҳатдангина ўзгарар, аслида эса ҳаммаси эски ҳолида қолар эди. Ҳарбий врач жаноблари ҳам бизнинг таклифимизга бажонидил кўнди. Гарчи, жиноят қилганимни тушуниб турган бўлсам ҳам, бахтимни қарангки, бу шаҳарда ҳам беморлар ишончини қозондим, шуни комил ишонч билан қайд эта оламанки, бирорга шикаст етказганим тўғрисида устимдан ҳеч қандай шикоят йўқ. Зоро, қонунни бузиш мумкин, деган ақидам бўлмаса ҳам, бир нарсани ай-

тишни истар эдим: мөдомики, ўзининг қурбон эканлигини тушуниб етмаган қурбон — қурбон ҳисобланмас экан, демак, мен ҳам ўзимнинг жиноятчи эканлигимни тушуниб етмаганман, яъни, жиноятчи эмасман. Модомики, мамлакатимиз фуқароси сифатида менинг ҳам ҳаётим ва мол-мулким қонун ҳимоясида экан, қонунга қарши бориш мумкинлигини исботлашга уринмайман.

Ўтган йили мен янги ўргамчик медицина ҳамширасини ишга қабул қилдим, бу эса, ҳали айтганимдек, фалонча билан бошқабошқа яшашимизга сабаб бўлди. Аммо мен унга барча кирим-чиқимлар тўғрисида илгаригидек ҳисобот бериб турдим ва иккаламиз ҳам ишни илгаригидек баҳамжиҳат олиб бориш ҳуқуқига рози бўлдик. Шу боисдан, менингча, бу ерда хеч қандай муаммо туғилгани йўқ. Айни пайтда у фортеяно чалишни ўргатиш синфи очди ва болаларни ўқита бошлади — истардимки, сиз буларнинг ҳаммасини ўша аёлнинг ўзидан батафсил суриштириб аниқлассангиз ва гувоҳликларим мутлақо тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилсангиз.

Ҳарбий врач жаноблари нима учун клиникани ташлаб кетди ва ўлишга аҳд қилди, бунинг бевосита сабаби нима — мутлақо ақлга сифмайди. У иккинчи қаватдаги хонада яшар, қачон ётиб, қачон туриши номаълум эди. Кўпинча хонага кириш ёки ташқарига чиқиш учун хуфя йўл зинапоясидан фойдаланарди — худди шунинг учун ҳам мең унинг барча хатти-ҳаракати учун жавобгарликни бўйнимга ололмайман. Яқиндагина рўй берган бир кичик тўқнашувни айтиб беришим мумкин: у дарахтнинг пўстлоғи билан ўзаги ўртасидаги қисмидан қанд олишга алоқадор ўзининг ўша тадқиқотини қўмсаётганини арз қилиб, ширинликка ниҳоятда ўч бўлиб бораётганидан нолиди, мен эса унинг саломатлигидан ташвишланиб, ширинлик танаввул этишини тақиқладим, шунда у мендан қаттиқ ранжиди. Бироқ худди шу факт унинг ўлимига сабаб бўла олиши мумкин, дея олмай-

ман. Маълумки, марҳум картон яшик кийган, шу нарса эҳтимолдан холи эмаски, ҳарбий врач жаноблари ўлмоқчи бўлмаган, шунчаки тўғонда сайд қилиб юрган, бундай ғайри-одатий «либос»га ўрганмаган одам оёғи остида нима борлигини кўра олмайди ва кеча куни бўйи ёқсан сирпанчиқ ёмғирда қоқилиб тушган бўлиши ҳам мумкин.

Нима учун у қатлама картондан қилингани яшик кийган деб сўрашингиз мумкин.— мен бу хусусда ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман. Бир неча ойдан бўён шахримизда картон яшик кийган бир дайди сандирақлаб юради, уни кўплар кўрган, агар сиз мендан, ўша дайди ҳарбий врач жаноблари бўлмаганмикан, деб сўрасангиз, у мендан яширинча яшик кийиб кўчага чиқиш эҳтимоли йўқ эди, деб қатъий рад эта олмаган бўлур эдим. Тўғрироғи, у ҳуқуқларига қўшиб исмини, келиб чиқишини ва шахс сифатида ўзини ҳам менга бергани, ўзи эса йўқ нарсага айланниб қолганига қатъий ишонч ҳосил қилган. Бунинг устига у одамлардан даҳшатли дараҷада нафратланадиган бўлиб қолган эди ва мен у кўчага чиқар экан, ҳаммадан қочиб яшикка бекиниб олишга ҳаракат қилганини — унинг ана шу аҳволини жуда яхши тушуниш им мумкин. Экспертиза натижаларидан мурданинг иккала билаги ва сонларида сонсаноқсиз укол излари борлиги яққол маълум бўлди. Модомики, унинг организми шу қадар катта ҳажмда заҳарланишни кўтара олган экан, унинг хатти-ҳаракатларидаги гайритабиийлик ҳам фавқулодда ҳайрон қолдириши даргумон.

Яшик-одамнинг клиникага кириб-чиқиб юрганини кўрган кишилар бор, ўшаларнинг гувоҳликларига ва мурдада аниқланган сонсаноқсиз укол изларига асосланиб, яшик-одамнинг клиникага алоқаси бор, деб шубҳаландингиз ва ҳатто мени сўроққа ҳам яқиридингиз. Аммо, мабодо — далиллар шундай яққол кўриниб турмаганида, яшик-одамнинг мурдасини таниб бўлмаганида эди, очиқ танолишим керакки, мени ўзини ҳеч нарсани бил-

маганга солиб, ўз ҳолица врачлик билан шуғулланишни давом эттираётган киши сифатида айблашга ҳатто қилча ишора сезганимда ҳам ўзимни ниҳоятда таҳқирланган ҳисоблар эдим. То ўзи қўнғироқ қилиб чақирмагунча, мен ҳам, медицина ҳамшираси ҳам ҳарбий врач жанобларининг хонасига кирмасликка келишиб олган эдик. Илгарилари ҳам шундай бўлиб турарди, у бизни ярим кунлаб, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт ичидаги қайтмасди, шунинг учун бирор кор-ҳол рўй бермадимикан, деган шубҳада унинг хонасига фақат якшанба куни тун оғганда кирдим. Ҳатто тонг отгандан кейин ҳам у уйга қайтмагач, зоро, бунииг оқибатида менинг қонунга хилоф равишда врачлик қилишим фош бўлиб қолишига ақлим етса ҳам, иложим йўқлигидан ўзимни руҳан шайлаб, уни қидиришларини сўраб полицияга илтимоснома бердим.

Ўз ҳолимча врачлик қилишни йигиштириб қўймоқчи бўлганимда ҳарбий врач жанобларининг ўзи ҳаммадан кўп қаршилик кўрсатган. У мени ҳадеб мақтайверар, авраб-қизиқтириб, ҳатто қутуртириб юборар, айни пайтда, ўзимни ўлдираман, дея қайта-қайта кўрқитар эди. Банги одамларнинг муқаййифотга эришиш учун қандай қайсарлик ва телбалик қилишлари ҳаммага маълум. Ҳарбий врач жанобларининг ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли борлиги мени чиндан ҳам қаттиқ ташвишга солар эди. Аввало, ўлим тўғрисидаги справкаларни тўлғазиш пайтида унинг ҳам, менинг ҳам исму фамилиямиз бир хиллигини кўрсатишга тўғри келарди, мен эса шаҳар бошқармасига бундай ҳужжат кўрсатишни истамас эдим. Шунинг учун ҳарбий врач жанобларига, нима қилсангиз қилинг, фақат ўз жонингизга қасд қилиш фикридан қайting, деб неча марта ялиниб-ёлворишимга тўғри келган. Ҳарбий врач жаноблари жуда ҳам ҳаддидан ошибб кетди: вақтинча ўз жонига қасд қилмай туриши учун, муқаййифот миқдорини кўпайтиришимизни, янги ёлланган ўргамчик медицина ҳамширасини

(Еко Тояма) ечинтириб қўйиб, кўнгил очишига рухсат беришимиизни очиқдан-очиқ талаб этдики, пировардида, мен ниҳоятда ёмон аҳволга тушиб қолдим. Бироқ мен унга кин сақламадим. Бемор соғлом кишилар учун номаълум бўлган азоб-уқубатга йўлиқ-қан экан, назаримда, тишни тишига қўйиб чидаш керак.

Модомики, ҳарбий врач жаноблари менга муҳтож эмас экан, энди мен одамларни алдаб, бундан бўён ҳам ўз ҳолимча врачлик билан шуғулланишин давом эттиришим шарт эмас. Ҳарбий врач жанобларининг фикрича, bemор моддий ёки жисмоний шикаст топсангина, ўз ҳолича врачлик қилиш қонунга хилоф ҳисобланади, модомики, ҳеч ким ундан озор кўрмаган экан, бу ишга жиноят сифатида қараш мумкин эмас. Лекин шунга қарамасдан, мен қалбаки врач бўлишнинг ўзиёқ жиноят деб биламан ва ўз хатти-ҳаракатими ни ҳам худди шу нуқтаи назардан баҳолайман. Ҳозир менга ҳамма гуноҳларимни очиқ тан олиш имконияти туғилди ва мени юрагимдан ана шу узоқ йиллик юкни олиб ташлашга қарор қилдим.

Айтган гапларимнинг ҳаммаси соф ҳақиқат.

## ЖАЛЛОД – ЖИНОЯТЧИ ЭМАС

...Афтидан, ўйлаб қўйган ишингни ниҳоят бошлашга тўғри келаётгани сени безовта қилмоқда. Ҳозиргина беозор маъдан товуши эшитилди — сен шприцини стерилизаторга солдинг. Бу товушни мен ҳар қандай масофадан ҳам эшитаман. Дала сичқони сувнинг ҳидини ўн чақирим наридан ҳам сезади. Гўриллаб кирган шамолдан зинапоя майдончасидаги дераза зириллаб кетди... Ҳа, шубҳасиз.. У фақат сен турган хона эшиги очилганда ёки ёпилганда шундай товуш чиқаради. Эшитяпман... даҳлизига тўшалган матода оёқ яланг юриб келяпсан... Сен жуда секин, ҳар сонияда бир қадам ташлаб яқинлашяпсан... Албатта, яшик кийиб олгансан... Ўн биринчи қадамда бошқача товуш эшитилади — гўё нам рух устида юраётгандайсан. — чунки энди зинапояга оёқ қўйдинг. Кўтариляпсан. Бир поя, яна бир

поя... одимларинг борган сари суст... ниҳоят, майдончага етасан, тұхтайсан... Иккінчи қават майдончаси иҳоталанған, устунчалари күнгурадор қилиб ишланған зинапоя панжараси бўйлаб юрасан, шундоқ рўпарангда чоғроқ хона. Тор даҳлизнинг бор энинг баравар де-вор билан қарийб қўшилиб кетган маҳфий эшик.

Ўликхона.

Гёёки мурдаларни асло таҳқирлаш мақсадида эмас, шунчаки клиника bemорлари ўлимга нисбатан ўта таъсирчан бўлишларини (бу ҳодиса кўп кузатилган) эътиборга олиб, марҳумлар учун кўздан йироқ, холироқ хонани танлаганилар. Бунинг устига хона хуфя йўлнинг ёнгинасида, мурдаларни олиб чиқиш ҳам ўнғай.

Аслини олганда, мен ҳали мурда эмасман. Тўғри, тирик дейиши ҳам қийин, лекин ҳар ҳолда, мурда эмасман. Ҳали ўлмасдан туриб, ўликхонада ётибман — мен буни сенга алоҳида таъкидлаб айтиб қўйишим керак, йўқ, менга худди мурдага муомала қилгандек муомала қилганилари учун эмас, мени бунга сен мажбур этганинг учун. Бу хона менга ёқади. Аввало шуки, унинг деразаси йўқ. Бу эса менинг ҳозирги аҳволимга мос келади. Анчадан бери қорачиқларим ёруғликдан таъсирланиш қобилиятини йўқотган, куидузлари ҳам кўзларим худди қум тиқилгандек ачишади. Бундан ташқари, хонанинг узунаси энинг қараганда икки ярим баравар катта, нақ тобут билан теппа-тенг, қисқаси, одамларга хос бутун ҳимоя таъсиroti кўринишлари: нафрат, норозилик, кек, қаҳру ғазаб туйғуларини йўқотган мендек бир киши учун энг шинам, қулай жойдир.

Даҳлиздан шарпа ҳам эшитилмай қолди — сен тўхтадинг. Мен эшик тирқишидан сенинг нима қилаётганингни илғаб олишга қандай уринаётган бўлсам, сен ҳам эшик тирқишидан менинг нима қилаётганимни илғаб олишга шундай уриняпсан. Агар эшик ақлли мавжудот бўлса эди, қорнини ушлаб қаҳқаҳ уриб юборишдан ўзини тийиб туролмасди. Аммо сен ҳам ўзингга яраша иккиланасан. Биз бир-биrimizni кўндиришга қанча ҳаракат қилмайлик, жаллодлик вазифасини бажариш, бари бир, сенинг зимманига тушади. Табиийки, ичингни ит тирнаяпти — қийналяпсан. Агар мен сенинг ўрнингда бўлсам, афтидан, иккиланиб, нима қилишимни билмай қолардим. Ўлдирилиши керак бўлгаи одамгина ўзининг ўлдирилишини аниқ билади. Мен,

Эҳтимол, ўзининг ўлдирилишини билиб турган одамни қийнаб, у билан кераксиз нарсалар тўғрисида гаплашиб ўтириш учун ҳеч қачон журъат қила олмаган бўлардим. Агар кераксиз сұхбат ўрнига у билан биргаликда ўлим муаммосини муҳокама этсак, ўзимни бирмунча хотиржам тута олишим мумкин бўларди. Йўқ, чамаси, бу мавзу ҳам ярамайди. Бу, нари борса, жуда қўпол ҳазил бўлиб чиқарди. Агар бир-бирига сўзсиз қараб ўтириладиган бўлса, асаблар таранглашиб, чирсиллаб кетади-да, чақин чиқади — оқибатда кучли куйиш рўй беради.

Мен учун ҳозир энг яхшиси — ухламоқ. Уйқуда тинчгина бошқа оламга кўчиб ўтишдан ҳам ёқимлироқ нима бор? Банги одам қушуйқу бўлишини ҳам яхши биласан. У доим карахт, доим мудроқ, шу бонсдан кўнгилдагидек мизғий олмайди. Сен эса менга қаттиқ уйқу тиламайсан — шу қадар бераҳмсан. Ухламай ўтирибман. Қаравотга ўтирганча тез-тез ёзяпман. Фасад бойлаб кетаётган кўзларимни вақти-вақти билан борат кислотасида ҳўлланган пахта билан артиб қўяман — бу қилиқларим сенинг гашингни келтиради. Лекин ўтинаман, тинчлан. Ҳали қўлинг эшик тутқичига тегмай туриб... биринчи қадам шарпаси эшитилиши биланоқ... дарҳол ўзимни уйқуга солиб ётаман. Сен, албатта, ўзими уйқуга солиб ётганимни биласан, бироқ ростакамига ухлаганимдан кўра, сенга кўпроқ шуниси маъқул, кўнглинг хотиржамроқ бўлади. Агар мен чиндан ҳам ухлаётган бўлсам, у ҳолда, уйғониб қолишим хавфи бор, агар ўзимни уйқуга солиб ётган бўлсам, бу хавф йўқ, ташвишланмайсан. Истасанг, дафтаримни атай полга ташлаб, диққатингни жалб этишим мумкин, шунда мутлақо онгли равишда ўзимни уйқуга солиб ётганимни билиб оласан. Ўлимимнинг бош айбдори — ўзим, сен фақат шериксан, холос. Бутун жавобгарликни ўз устингга олишинг ҳам мутлақо керак эмас. Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул, қани, бошла. Ҳозир, шу дақиқада бўлса ҳам, майли. Сен кўнглингдаги ишни бошлаган заҳоти менинг ёзувларим ҳам адо бўлади.

Икки энлик бўлса ҳам сенга хат қолдиришимни истайсанми? Хатга зарурат туғилмаслиги ҳам мумкин, бироқ, ҳар ҳолда, кўнглинг тинчроқ бўлади. Ўз жонига ўзи қасд қилишда иштирок этганлик учун жавобгарликка тортиш — аҳмоқлик. Тўғри, баъзанчувалган битта ип бутун бошли нимчани титиб юборади. Қуйида келтирилган сатрларни қирқиб олиб (қофоз ивимаслиги

учун полиэтилен пакетга сол,) мурданинг бармоғига боғлаб қўй. Тўхта, бармоққа боғлаш ярамайди, уни менинг ўзим боғлай олишим мумкин бўлган бошқа бир жой топиш керак... Ё найча қилиб ўраб бўйнимга осиб қўйсангмикан? Йўқ, ахир сен менинг ўлимим баҳтсиз ҳодиса туфайли содир бўлгандек таассурот қолдиришини истайсан, шунинг учун, то эпчил полиция бу ерга етиб келгунча, балки хонанинг у ер-бу ерига яшириш керакдир, масалан, бир қарашда сезилмайдиган каравот қувурлари бир-бирига уланган жойга; агар полиция нимадандир шубҳаланса, синчилаб текшириб, албатта топиб олади. Қелтирилган сатрларни қирқиб олиб, турган гапки, дафтарни албатта ёқиб юбор.

Улимни мен ўзим танладим. Агар бирор томонидан ўлдирилган деган таассурот кутилгандан зиёд мураккаблашадиган бўлса, бу фақат ўзимнинг уқувсизлигим туфайлидир...

Йўқ, сунъий чиқди, кимнидир аяётганим яққол билниб қоляпти. Демак, аксинча, шубҳа уругини сочишм керак. Яхиси шамасиз, рўйирост ёзганим маъқул.

Мен ўлишга қарор қилдим. Мунофиқлик билан менга ишонмоқ керак эмас. То ўзинг оғзингга солиб, шимиб кўрмагунча ҳар қандай новвот ҳам тошдек қаттиқ туюлади. Агар оғзингга солсанг, дарров тишлаб синдиригнинг келади. Тишлаб синдиридингми, бас, энди у ҳеч қачон бутун бўла олмайди.

Менга ҳали ҳам ачиняпсанми? Сен беихтиёр ўз ҳақиқий қиёғангни маълум қилдинг. Тацвишланишнинг кераги йўқ. Минг ачинма, ачиниш — фақат ачиниш, холос. Ақлим башорат қиялпти: мен ортиқ яшашим керак эмас. Ҳар ҳолда, ақлимнинг ҳали ҳам ўзимда тургани жуда муҳим. Аммо бу ақл ҳам денгиз бўйнадаги тўлқинлар ювиб кетган қумқургонга ўхшаб бебақо. Яна икки-учта катта тўлқин келса — ундан асар ҳам қолмайди. Айни шу лаҳзаларда мен, чамаси, ўз сўзимдан қайтишга ва ҳаётга жон-жаҳдим билан тармашинга тайёрман. Ҳаётга сурбетларча таклиф қилишга, агар у таклифимни рад этса (рад этишига имоним комил), уни ўлдиришга ҳам тайёрман, бу эса менга роҳат бағишлайди. Мен тушимда бир неча марта уни қандай еяётганимни кўрдим. Унинг мазаси мол гўшти билан

ильтасин гүшти ўртасидаги бир таъмни эслатарди. Назаримда, ҳаётга бўлган туйгуларим қайнаб тошгандек эди ва ниҳоят, улар айнаб, очлик туйгуларига айланиб қолди. Агар бу очлик бундан кейин ҳам кучайиб кетаверса, истасанг-истамасанг, уни хомлайнин ейишга тўғри келади. Ҳозирча ақлим жойида экан, мен буларнинг ҳаммасини бартараф этмоқчиман. Ўз жонига қасд қилиш эътиборга лойиқ ҳаракатлар сирасига киради, модомики, у ҳаракат экан, уни ёлғиз ақл ва истак ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас. Акс ҳолда, ҳар қандай пушаймон, ҳар қандай туйғу иккиланиш учун баҳона бўлади. Бироқ ҳозирча ақлим ҳушёр экан, ҳар ҳолда, ўзимни сен ёрдамга чўзган қўлни силтаб ташлаётган қилиб кўрсатмаслигим керак. Ягона илтимосим шуки,— ҳозирча менда ушлаш истаги бор экан,— қўлингий чўз менга. Бундан— ҳам сенга фойда, ҳам менга.

Сенга нима бўлди? Нима учун иккиланасан? Ахир биз келишган эдик-ку: мен ўзимни уйқуга солиб ётаман. Нега қимир этмайсан? Бунақада тош ёки тўнкага айланиб қолиш ҳам ҳеч гапмас. Наҳотки, мени эшитмасин, деб шарпасиз юриб қайтиб кетаётган бўлсанг? (Мумкин эмас. Бу ерга қандай шарпасиз келган бўлсанг, ундан ҳам шарпасизроқ пусиб чиқиб кетолмайсан бу ердан).

«Менга қара, шу ердамисан?.. Агар шу ерда бўлсанг, жавоб бер... Қўрқма, киравер».

Бу — мен, овоз пайларимни кучим борича таранг тортиб, эшик ортидан мен қичқирипман. Жавоб йўқ. Бирор ҳаракат шарпаси ҳам сезилмайди. Фақат тун сукунати, худди бирор болға билан пўлат сандонга аниқаниқ ураётгандек, оғриқ бўлиб қулоққа чалинади. Балки булар бари менга шундай туюлаётгандир? Зина поядаги деразанинг зириллашига ҳам, худди пол ювадиган ҳўл латта суртилаётгандек йўлакдаги пол тахталарнинг ғижирлашига ҳам, эҳтимол, уч кун сурункасига ёқкан ёмғирдан сўнг тоғдан кутилмагандан ёпирилиб келган қуруқ шамол айбордир. Вазият шу қадар чигаллашдики, шошилинч келган хулосалардан қутула олмадим. Ўша кеча сен уни ёнимга жўнатдинг. Унинг яланюоч бадани — ўлимимни бир оз кечиктириш эвазига йўлланган мутлақ зарурий шароит эди. Сен яшикни (менинг тобутимни) тайёрлашга киришганингга

ўн кун бўлди, ўшандан бери ундан дарак йўқ — ило-жим қанча, тан олиш керакки, аллақачон ҳаммаси шай, мен ўлимга маҳкум этилганман. Ҳа, ҳа, майли, эшик орқасидаги шарпалар — миямнинг чалғишидан бўла қолсин, аммо сенинг келишинг — фақат вақт ма-саласи, холос.

Кўп ўтмай, чиндан ҳам эшик оҳиста очилди. Мен дарҳол ўзимни уйқуга солдим. Сендан бошқа ҳеч ким эшикни бу қадар сассиз оча олмасди, шунинг учун ҳам айниқса мен ухламай ётганимни эътироф этишим ке-рак эмас. Мен ўзимни уйқуга солиб ётавераман. Кўланса ҳидга кўнизиш учун сен бир зум нафас олмай турасан. Яна нафас олишдан олдин тупугингни юта-сан. Кўксингда қотиб қолган, катталиги ўрта қўлдай келадиган муз атиги бир неча сантиметр пастга сил-жийди. Пластмассадан ишланган сувдонни полга қў-йиб, яшикдан чиқасан-да, деразасиз, узун ва ингичка хонани кўздан кечириб, тагин завқланасан: чиндан ҳам тобутнинг ўзи. Хонани шифтдаги ёлғизгина кундузги ёруғлик чироғи ёритади. Уида худди атиргулга ўхшатиб ўралган пашша тутқич осилиб туради. Унинг тагида эса, хона ўртасида, худди ҳалиги атиргул ўзагига ўхшаб касалхонанинг темир каравоти турибди. Ана шу кара-вотда қовушиқсиз жойлашиб, мен жимгина ухляяпман. Муз эриган халта бирор нарса текканда қандай дир-килласа, ҳар нафас олганда мен ҳам шундай диркил-лайман. Худди балиқ дўкони токчаларида харидор ку-тиб ялпайиб ётган денгиз иблисига ўхшайман. Йўл-йўл пижамамнинг олди очилиб кетган, сарсабил ўсимлиги мураббоси рангига ўхшаган қорнимни унниқиб кетган гулчин сочиқ бекитиб туради. Сочиқ осгида чиқиб, оси-либ ётган оёқларим худди териси шилиб олинган кара-катицага ўхшаб деярли юнгиз ва ҳўл. Ҳавоини бурним билан олиб, юмуқ оғзимдан чиқарганим учун лабларим худди йўғон резина клапан сингари титрайди. Бу кла-панда метан ёки аммиак кристаллари қотиб қолган ва у бамисоли раққосалар трикосига ўхшаб, ялт-юлт қи-лади. Ҳар ухлаганимда ичимдаги у ёки бу аъзойим ўлади. Агар тез сасиш бўйича мусобақа ўтказиладиган бўлса, ҳақиқий мурда ҳам менинг олдимда ип эшол-мас эди. Сен бурнимни қисдинг, кўзларимдан ёш чиқ-ди. Кўзларим шўртанг тердан ачиб сасийди. Тоқатинг тоқ бўлади. Ахир мен сенга илгари ҳам сабр қилиш ке-рак эмас, демаганмидим. Айни пайтда, ўлган одамга унчалик қайғурмасдан сасиш жараёнини тўхтатиш учун шу тўғрида ўйлашнинг ўзи кифоя.

Елкамга оқиста құл теккизасан. Мен ўзимни уйқуға солғанча ётавераман. Резина чирмов солиб, құлымни сиқиб бойлайсан. Ништар билагимга осонгина кириб күктөмиримни топади. Құлым терисида яра-чақа ўрни бўлмаган соғ жой йўқ — нинанинг киргани ҳам сезилмайди. Азбаройи баданим оқарнб кетганидан қон ҳам кўринмайди. Бармоқларингда намни шимиб оладиган пахтани сиқиб туриб, кўктомирии ушлайсан ва унга нина тиқасан. Шприц ичига қоп-қора қон сизиб киради. Поршень йигирманчи бўлаккача, то охирнгача олиб келинган, аммо шприца бор-йўғи уч куб сантиметр нордон-шўртоб морфий бор. Чирмовни бўшатиб, сен энг аввал ана шу уч куб сантиметр морфийни кўктомирга юборасан. Сен укол қилаётган вақтда мен уйғондим (бошданоқ ўзимни уйқуга солиб ётибман, уйғонишм учун ҳожат йўқ эди) ва ҳарсиллаб нафас ола бошладим, шунинг учун сен морфийдан яна битта укол қилишга жазм этдиңг — хуллас, ўзингни оқлаш учун кўнглингга сиққанча баҳона ўйлаб топишинг мумкин. Шундоқ кўз олдингда нафас олишим янада оғирлашди, қоқчакак юзларим яна ҳам баттарроқ ичига чўкиб кетди, оғзим эса худди ўликникига ўхшаб очилиб қолди. Сен поршенин сиқишида давом этасан. Энди кўктомирга фақат ҳаво киради. Кўктомиримнинг очилиб қолган бир бўлаги қавариб шишиб чиқади ва балиқ пуфаги шаклига кира бошлайди. Игнани суғуриб оласан, жароҳат атрофини ёпишқоқ бирикма суриб ишқалайсан, бармоқларинг билан маҳкам эзасан. Мақсадинг — мени даволаш эмас, шунинг учун нина ўрни газак олиб кетишининг олдини олиш тўғрисида ташвишланмасанг ҳам бўлади, сен илгаридан йўл қўйиб келётган шунига ўхшаш пала-партишликларга, яхшиси, эътибор бермайлик. Бунинг устига, мен, афтидан, аллақачон қаттиқ уйқуга кетдим. Мабодо ҳозир бирор бармоғимни кесиб олса ҳам, бу менга қичишган кўктомиримни қаттиқ тишлаб тортгандек туюлиши мумкин. Кутимаганда нафас олишим яна издан чиқди. Ҳансираб, ҳарсиллаб нотекис нафас ола бошладим, бўғзимдан мушукникига ўхшаш пихиллаш отилиб чиқди, кейин умуман нафасим ичимга тушиб кетди.

Туш кўрдим: улкан нурафшон шаҳарга кираверишда — узоқ-узоқларга юриб кетаётгандек сон-саноқсиз чақноқ деразалар қаршисида турганмишман. Қаҳқаҳамдан силкина-силкина югуриб ичкарига кираман ва вужудим ҳавога қушдек енгил кўтарилади. Соя ҳам, шу билан бирга оғирлик ҳам йўқолади.

Бу дақиқаларда мен каравотда ётганча тишларимни ғижирлатар, ғужанак бўлиб типиричилар эдим (худди қармоққа илинган балиқдек). Каравот ҳам тицила-рини ғижирлатади. Гулханда ёнаётган йўғон, қуруқ шохларга ўхшаб юзлаб пружиналар ҳар хил овоз чиқарганча қасир-қусур ноласига қоришиб кетади ва менинг мотам маршимга айланади.

Тиззаларимни қучоқлаганча осмонда учар эканман, хайрон қоларли даражада ҳам қувноқ, ҳам мунглий эдим. Инерлаётган аёлнинг маҳсус мен учун йирик кўришишда олинган сурати. Қиши нафаси ёш қарағай учун айни муддао бўлади. Мен қўлларимни чўзиб, бармоқларим билан ҳавони тешаман. Тешиклардан қўланса ҳид ёпирилиб киради. Тушим қоронилаша-қоронилаша узилади. Мен ўламан.

Сен жасадим устига чиқасан. Қўлингда сув тўла сувдон. Кўкрагимга ўтирасан-да, бор оғирлигинги ташлаб, ичимдаги ҳавони сиқиб чиқарасан. Қолган-күтган ҳаво худди балиқ увилириғидек ғичирлаб, енгил қулқуллаб чиқади. Кучинг борича ўпкамни маҳкам босиб туриб, оғзимга каттакоп воронкапи тиқасан-да, унга сувдондаги сувни қуя бошлайсан. Айни пайтда катта босим эзиб турган кўкрагимни аста-секин бўшатасан. Сувдон денгиз сувига тўлдирилган. Воронка ичида кичкинагина гирдобча ҳосил бўлади. Төшикка бир парча бақатўни тиқилиб қолади. Уни тортиб оласан, худди тиш ковагидан симирилгац ҳаводек ғалати товуш чиқади,— балки бу ичим тўлиб кетиб, ортиқчалиси оғзимдан тўкилаётган денгиз сувидир? Чамаси, яна бир оз кўтарилиб, кўкрагимни бўшатишинг керак. Сен устимдан бутунлай тушганингда икки литрли сувдоннинг ярми бўш эди.

Шу тариқа мени сувга чўкиб ўлранга чиқариш учун олиб борилган тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди.

(Албатта, сен ҳаммани, жумладан суд медицина экспертизасини ҳам алдай олмас эдинг. Суд одам ҳақиқатда ҳам сувда чўкиб ўлган, деган аниқ холоса чиқариши учун, ўпкасидан ташқари унинг бошқа ички аъзоларидан ҳам денгизда яшовчи ҳайвон ва ўсимлик организмлари намуналари топилиши керак. Денгиз сувининг фақат ўпкадагина бўлиши, бу иш минг усталик билан қилинмасин, аксинча, шубҳа уйғотади. Хуллас, менинг мурдам шубҳаланиш учун кўп асослар

беради. Ичига сув түлган мурда хоҳ пулак-дек шиширилган бўлсин, хоҳ бирон жойини балиқ юлиб кетган бўлсин, барни бир, жасадда шундай излар қоладики, уларни пайқамаслик мумкин эмас. Кўлларни — елкадан то бармоқларга қадар, оёқларни — чотдан то тиззага қадар нина излари, қизаринқираб, бўртиб-бўртиб турган яра-чақалар қоплаб ётибди. Булардан беморвинг узоқ йиллардан бери сурункасига муқайифот истеъмол қилиб келадиган бангги эканлиги бир қараашдаёқ аён бўлади. Бундан ташқари, муқайифот олиш учун ишончли маҳфий йўллар лозим бўлганлигини гапирмай ҳам қўя қолайлик; шундай кичкинагина маҳаллий шаҳарчада доимий равишда шу қадар катта миқдорда муқайифот олиш имкониятига эга бўлган одамлар, турган гапки, бармоқ билан санарли. Бундай одам, аввало у ёки бу врачининг кўнгилчалигидан усталик билан фойдалана оладиган қандайдир товламачи ёки ўзи врач бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, гисевандларнинг касб-корини ҳисобга олган статистика маълумотларига қараганда, уларнинг энг катта қисмини медицинага алоқадор кишилар ташкил этади. Мабодо истеъмол қилинган муқайифот миқдори аниқланадиган бўлса, сенинг танг аҳволда қолишинг тайин. Сен ўз «Ёзма гувоҳлиқлар»ингни қайси аҳволда тайёрлаганингни тушупиб турибман. Бироқ кечикдинг. Энди қўлингдан келадиган ягона иш — кейинги тайёргарлик кўришларда ортиқ хатога йўл қўймасликдир. Майли, ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида, бундан ортиқ бўлмайди. Ичимга сувни қандай қилиб қуйганинг тўғрисида ёзган эдим, бироқ ишинингга аралашиб учун имкониятим йўқ. Сен аллақачон яшик кийиб юрган дайди тўғрисида полициячиларга гапириб берган бўлишинг керак, аммо менингча, ҳалокат сабабини аниқлаш мақсадида ўлиб кетган дайдининг ичини ёриб кўриш учун давлат маблагини сарфлаш — йўл қўйиб бўлмайдиган бемаъниликдир.)

Шундай қилиб, сўнгги тайёргарлик ишлари. Мени зинапоядан пастга судраб тушиш осон эмас. Сенга ўхшаган нимжон киши учун бу — фирт машаққат. Бунинг

устига агар мени елкалаб оладиган бўлсанг, ўлкам қисилицаб, ичимдаги сув фаввора бўлиб энсаннга тўкилади. Шунинг учун бошимни сочиқ билан ўраб-чирмаганинг маъқул. Кейин яшикни олиб келиш учун орқангга қайтасан. Сувдоңда қолган денгиз сувни тўкиб ташлашни ҳам унутма. Зифирча хато машъум оқибатларга олиб келиши мумкин. Кейин жасадимга яшикни кийгизиб, камаримга чилвир билан маҳкамлаб боғла. Эҳтимол, буни мурданни аравага ортиб бўлганингдан кейин қилганинг маъқулдир. Шим билан ботинкани эса жасадни яшикка тиқмасдан олдин кийгизиш керак. Шу билан барча тайёргарлик ишлари тугайди. Энди йўлга туш. Балки, ҳар эҳтимолга қарши, мурда устига латта-путта ёпиш керакдир? Йўқ, оқ латта кўзга тез ташланади. Йўлда битта-яримтасига дуч келиш хавфи ҳам қарийб йўқ. Мабода дуч келиб қолсанг ҳам сал четга буриласан — тамом-вассалом. Йўл эниш, арава фидираги ҳам боллаб ёғланган, хуллас, уни ҳеч қийналмай итариб кетаверасан. Фақат итни илакиширмаслик керак. Шилқим ит орқангдан илакишса, бундан ёмони йўқ. Шунинг учун йўлга чиқишдан олдин уни занжирга боғлаб кетишни унутма.

Энди мурда ташланадиган жой масаласи — мен ўша илгари ўзимиз келишиб олган жой — соя заводининг орқасига ташлашни таклиф ётаман. Аравани у ерга осонгина итариб бора оласан, дея олмайман, бироқ бу жойнинг афзаллигини ҳам назардан қочирмаслик лозим,— тўлқин кўтарилганда сув тўппа-тўғри ўпирма жарликкача келади, ташлаган заҳотинг оқим мурданни олиб кетади. Сен то бу ишларнинг уддасидан чиққунча соат бир ярим бўлади. Кечи билан соат учгача ҳамма ишни тугатиш керак. Акс ҳолда, тўлқин қайтиши тугайди, каналда оқим тўхтайди, қарабсанки, туни бўйи қилган ҳамма ишларнинг чиппакка чиқади. Бу жирканч ишни эртага қолдириш эса, фақат...

(Жумла номаълум сабабга кўра узилган).

## ШУ УРИНДА ЯНА, БУ САФАР ОХИРГИ ҚУШИМЧА

Ниҳоят, бор ҳақиқатни очиш вақти келди. Ниятим шуки, яшигимдан чиқиб, олдингда ўз асл қиёфамда турмоқчиман ва бу ёзувларнинг ҳақиқий муаллифи кимлигини, унинг асл маҳсади нимадан иборат

эканлигини фақат сенга, битта ўзингга очиқ айтиб бермоқчиман.

Сен менга ишонмаслигинг мумкин, аммо шу пайтгача ёзилган гапларда бир қатра ҳам ёлғон йўқ. Ҳатасаввур меваси — лекин ёлғон эмас. Ёлғон ўзига ишонган одамни чалғитиб, ҳақиқатдан узоқлаштиради, тасаввур эса, аксинча, уни энг яқин йўл билан ҳақиқатга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, мана, биз ҳам ҳақиқатга яқин келдик — унга қўл чўзсан етади. Мана шу жуда қисқа, охирги қўшимча бор гапни ойдинлаштириб бериши керак.

Турган гапки, мен ҳақиқатни очишум шарт эмас. Худди шундай, сен ҳам менга ишонишинг шарт эмас. Гап сен билан менинг нималар қилишимиз шарт ёки шарт эмаслиги, яъни бизнинг мажбуриятларимиз устидага кетаётгани йўқ, балки мутлақо аниқ, ҳақиқатда эришилган ва йўқотилган нарсаларга ўралашиб, чигаллашиб қолган муаммолар хусусида боряпти. Менга сени алдашимдан ҳеч қандай маънио йўқ. Фақат сендан бир илтимосим шуки,— менинг ёзувларимни ичидаги кўп фикрлар бўладиган саргузашт романи деб тушунма.

Тўғри, назаримда, кейинги вақтларда саргузашт романларда энг нобоп фикрларни илгари сурмоқдалар,— бу ялпи касалликка айланиб кетди. Ҳозир худди шугапларни ёзиб ўтирам, миямга муҳлат системасини кенг жорий этиш ҳақидаги фикр келиб қолди. Энди худди ўтмишдагидек уколдан қўрқадиганлар йўқ, шунингдек, муҳлат билан сотиб олишга журъат қилмайдиган одамларни ҳам жуда камдан-кам учратиш мумкин. Муҳлатга таяниш — қарзни тўлашининг кафолат берувчи гаров сифатида ўзингни ҳам, касб-корингни ҳам, уй-жойингни ҳам кўз-кўз этиш демакдир. Модомики, ҳақиқий касб ва ҳақиқий номга эга бўлган ва булардан гаров сифатида фойдаланиб келаётган одамлар ҳозирги кунда бениҳоя кўпчиликни ташкил этар экан, табиийки, бу жиноятчилар, изқуварлар ҳамда қоровуллар миқдорининг камайишига олиб келади. Ҳозирги даврда муҳлатнинг қулайлигига қарши чиқаётган ниқоб гадолари партизанлар ва яшик-одамлардир. Мен ҳам ана шундай яшик одамман. Муҳлат душманларидан бириман. Умумий фикр ва ғояларга қарши чиққан ҳолда ўз ёзувларимни ҳаққоний ҳикоя билан тутатмоқчиман.

Дарвоқе, сен азоб-уқубатдан қутулиш воситаси бўлган ўлим тўғрисида қандай фикрдасан? 1963 йил-

нинг февралида Нагон Олий суди томонидан эълон қилинган суд қоида-сабоқларини изоҳ тариқасида келтираман:

1. Ўлим киши бедаво касалликка чалинган пайтда муқаррардир.
2. Бемор чеккан дард атрофдагиларни қийнаб юборса.
3. Мақсад — bemorni azobdan қутқазиш бўлса.
4. Беморнинг эс-хуши тамоман жойида бўлса-ю, у ўз илтимоси ва ихтиёрини изҳор этса.
5. Бу ишни врач қилса. Ёки bemor билан келишиш учун етарли асос бўлса.
6. Ўлдириш воситаси мантиқан оқланса.

Мабодо мендан фикр сўрасалар, мазкур суд қоида-сабоқларида жисмоний хусусиятлар билан боғлиқ сабабларга ҳаддан зиёд катта аҳамият берилган, деб жавоб қилган бўлардим. Инсон моҳиятини тушуниш жиҳатидан олиб қараганда, бу қоида-сабоқлар менга бемазалик ва юраксизлик оқибати бўлиб туюлади. Чамаси, инсоннинг руҳий азоблари ҳам жисмоний шикастлари сингари атрофдаги кишиларни жонидан тўйдириб юборадиган ҳодлар ҳам бўлади. Бироқ бунга ҳеч қандай эътибор берилмайди. Агар кишилар қонун кўли етмайдигаи панароқ жойда бўлсалар, ҳар бир қотилликка азоб-үқубатдан қутулиш мақсадида содир бўлган ўлим, деб қараш мумкин.

Урушда ўлдириш ёки жаллод томонидан ўлим ҳукмининг ижро этилиши жиноят ҳисобланмайди, худди шунга ўхшаб, яшик-одамнинг ўлдирилишнга ҳам жиноят, деб қараш керак эмас. Бунга исбот тариқасида юқорида келтирилган қоида-сабоқдаги «бемор» сўзи ўрнига «яшик-одам» сўзини қўйиб қайта ўқиб чиқиш кифоя. Сен шу нарсани пухта ўйлаб тушуниб олишинг керакки, яшик-одамнинг мавжудлиги ўз-ўзидан душман солдати ёки ўлимга маҳкум этилган кимса мавжудлигига ўхшайди ва олдиндан чиқарилган ҳавоий хulosалар қонуний ҳисобланмайди.

Мана шунинг учун ҳам мен яшик-одам асли ким бўлганлигини эмас, балки ким яшик-одам бўлганлигини аниқлаш — ҳақиқатга яқин келининг бирмунча осон усули деб биламан. Яшик-одам фақат яшик-одамгина муҳокама эта оладиган тажрибага эга, бу яшик-одамгагина хос тажриба, уни муҳокама қилишга соxта яшик-одам мутлақо ноқобилдир.

Масалан, яшик-одамга айланган киши биринчи марта дуч келадиган ёз кунларини олайлик. Ёз — яшик-одам тўқнаш келадиган синовларнинг бошланиши. Кечаги куннинг ҳар бир хотираси энтиклиради, нафасни бўғади — яшикни тирноқларинг билан тилка-тилка қилиб ташлагинг келади. Мабодо бу фақат иссиқ туфайли бўлса (кошкийди) — бир амаллаб чидаш мумкин. Тоқатинг тоқ бўлса — ер ости йўлларидағи хоҳлаган барнинг эшигига бор, у ерда ишлётган кондинционер салқингина ҳаво пуркаб қўяди. Энг ёмони, билчиллаган тер, у қуриб улгурмасдан олдии қўчадаги ҳамма чангни ўзига тортиб, қалинлаша-қалинлаша охири қатлам-қатлам шилимшиқ лойга айланади. Могор ва бактериялар учун ана шу кирдан созроқ озуқа муҳитини ўйлаб ҳам топа олмайсан. Шўртанг кир қатлами тагида димиқаётган тер безлари эса, сув пасайган саёз жойларда қолган моллюскаларга ўхшаб, зўрга ҳансираф нафас олади. Ҳар қандай ички оғриққа чидаш мумкин, аммо терини емираётган бу қичишишга бардош бериш қийин. Яшик-одам арава мойинга белаб ташланган кишининг тортган азоблари ёки баданини олтин рангига бўяган бир раққосанинг ақлдан озиб қолгани тўғрисидаги ҳикояларни эшитганида, гўё ўзига буларнинг алоқаси йўқдек, парво қиммайди. Пўсти арчилган термевадаги покизалик тозалик намунаси сифатида яшик-одамга тинчлик бермайди. Неча марта худди алжир пўстини арчгандек, устимдаги яшикка қўшиб, баданининг терисини ҳам шилиб ташлагим келди.

Бироқ пировард-натижада яшик билан боғлиқлигим ролиб чиқди. Беш-олти кундан кейин баданим ифлосликка қўникиб қолди, шекилли, ҳар қалай, энди қийналмадим. Ё балки, аъзои баданим терининг нафас олиши учун зарур бўлган ҳавони кам миқдорда истеъмол қилишга мослашиб қолгандир. Ўтган ёзнинг охирига келиб бир марта қаттиқ терладим-у, қайтиб деярли терламай қўйдим. Киши токи терлар экан, у ҳали чинакам яшик-одам эмас.

Энди нишончалар тақиб юрадиган бир гадо тўғрисида гапириб бераман. Яшик-одам дўч келган нусхалар ичидаги энг жирканчи ана шу гадо. Бу — шляпасига, худди туғилган кунларда қилинадиган пирогга суқулган шамлардек, жажжи-жажжи байроқчалар қадаб олган, ҳамма ёғига балиқ тангачаларига ўхшаш нишончалар, ўйинчоқ орденлар, медаллар ва бошқа темиртаклару тумтумакларни тақиб ташлаган бир жулдуурвоқи

гадо эди. У ҳар дуч келганда ўкирганча мениң ташланыб қоларди. Одатда мениң ҳеч ким пайқамасди, бунга күнигиң кетганимдан парвойифалак юраверар эдим, бир куни у кутилмаганды ҳамла қилди, азбаройи бепарвөлигимдан ғафлатда қолдым. Гадо бир балоларни ғүлдираб ўкирганча, сапчиб яшигимга ёпишди-да, унга ниманидир ғарч этказиб санчди. Санчган нарсасини зўрга қайриб, минг машаққат билан суғуриб олдим,— шляпасини безаган байроқчалардан бириниң дастаси экан.

Мен қаттиқ ҳаяжонланган эдим. Байроқчаларнинг пилтакашсимон узун, ингичка темир дастаси атиги яна бир неча сантиметр ичкарироқ кирганида, тўппа-тўғри қулоғимни тешиб юборган бўларди. Ўшандан бери, зоро, менинг қоидамга тўғри келмаса-да, нишончалар таққан гадони кўрган заҳотим биринчи бўлиб унга ўзим ҳужум қиласидиган одат чиқардим. Бахтими қарангки, ўша пайтларда яшикдан туриб оғир нарсаларни отишни ўрганиб олган эдим. Дастваб (агар чапақай бўлмасанг), ўнг қўлни кесик жойга тиқиши керак, кейин кафтингни ўзингга қаратиб тирсакдан букасан ва яшик билан биргаликда, оёғингни ердан узмаган ҳолда чапга эгиласан. Гавданг даствабки ҳолатига қайтиши билан тирсагингни мўлжалга тенг қилиб кўтарасан-да, қўлингни олдинга кескин силтайсан. Худди диск улоқтириш пайтидагидек, фақат оёқ иштирокисиз. Кимки нишончалар таққан гадога ҳужум қилишни эп-лай олмас экан, ҳали уни тўла шаклланган яшик-одам деб аташ мумкин эмас.

Яшик-одам кўчага чиққанидан кейин одатда кунлари хотиржам ўтади. Қўнгилсизликларга ҳаддан ташқари кам дуч келади. Қўпчилик диққатини тортишдан хавфсирашлару хижолатпазликлар даствабки икки-уч ойда ўтиб кетади. Аввало, теварак-атрофдаги нигоҳлардан ғайритабий таъсирланиш — ўз ҳаётингни мураккаблаштириш демакдир. Яшик-одам ҳам инсоннинг кундалик ташвишлари: овқатланиш, ухлаш, ҳожат чиқариш билан банд бўлиши муқаррар. Ухлаш ва ҳожаг чиқариш учун алоҳида жой танлаб овора бўлиш шарт эмас,— аммо гап овқат хусусида бўлса, бошқа масала. Гамлаб қўйилган озиқ-овқат тугаб қолса, уни яна гамлашга тўғри келади. Агар озиқ-овқатни текин ва жон койитмай топмоқчи бўлсанг, сарқит ахтариш керак. Сарқит ахтариб, шундай жойга бориш керакки, азба-

ройи мүл-күллигидан танлаб-сарапалаб олиш имкони бўлсин.

Бироқ ҳатто сарқит топишинг ҳам сирини билиш керак. Яшик-одам ахлатхоналарда кун кўрадигац гадо ва дайдилардан фарқли ўлароқ, дуч келган нарса билан қорнини тўйгазиб кетавермайди. Гап таъби нозиклигига эмас, оддий тозалик-озодалик тушунчасида. Тўгри, сарқитлар ҳаммавақт ҳам нотоза бўлади, деб ўйласанг хато қиласан, лекин ҳар ҳолда, улар одамда ёқименз таассурот қолдиради. Хусусан, ҳиди одамни чўчитади. Уч йилдан бери ҳали ҳам ҳидига кўника олганим йўқ.

Ҳамма гап таъб билан сарқит ҳидининг мос кел-маслигига. Ҳамма нарса ўз ҳидига эга: балиқдан — балиқ, гўштдан — гўшт, сабзавотдан — сабзавот ҳиди келади; ҳар хил ҳидлар оғзимда маълум бир ўзаро муносабатда қоришиб кетади, деб ўзини ишонтирган одам ана шу омихталикка кўнади ва кўнгли хотиржам бўлади. Қовурилган майда қисқичбақани оғзинга солган одам, агар унда банан ҳидини сезса, албатта тупуриб ташлайди. Агар тишланган шоколаддан қовурилган моллюска таъми келса, кўнгли айнаб, ўқчииди. Бир-бирига аралашиб кетган сарқитларнинг ҳиди ана шу аралашмани маълум озиқ-овқат маҳсулотлари билан қўшиб истеъмол қилишга йўл қўймайди, гарчи одам нимани сяётганини назарий жиҳатдан билиб турса ҳам, физиологик жиҳатдан уни тановул қилишга қурби етмайди.

Озиқ-овқат топишда биринчи қадам ҳидсиз, қуруқ сарқит ахтаришдан бошланади. Аммо бу мушкул иш. Ресторан ва газакхоналар ташландиғи икки асосий турга бўлинади: биринчиси — энг кўп учрайдиган, сақлаш қийин бўлган, шаклини тез йўқотадиган маҳсулотлар. Булар еб бўлмайдиган нарсалардан (лағмончўп, пат-қофоз, кемтик идиш ва бошқалардан) ажратиб олиниб, ҳар куни эрталаб улкан пластмасса идишларда чўчқа фермаларига элтиб ташланадиган озуқалар. Бошқа тури — ўз шаклини ўзгартирмайдиган, аммо бир хўраидадаи ортиб қолганини бошқа хўрандага бериб бўлмайдиган озиқ-овқатлар... масалан, нон, қовурдоқлар, дудланган балиқ, пишлоқ, ширинликлар, ҳўл мева... Бу маҳсулотлар бирор маҳсус қимматга эга бўлмаса ҳам, бироқ уларни излашга тўғри келганда — ҳеч кўзга чалимайди. Улар сарқит бўлгани билан тезда бузилмайди; улардан узоқ вақт фойдаланиш мумкин. Балки шунинг учун ҳам топилиши қийиндир. Ҳақиқа-

тан ҳам, ионни қуритиб ионқоқи қилиш, қовурилган балиқ ёки товуқ суюгидан ажойиб шүрва тайёрлаш мумкин.

Аммо яшик-одам, мөн бу ҳақда олдин ҳам ёзган эдим, түпла-түғри магазин пештахталаридан ҳам озиқ-овқат ундириши мумкин. Шундай экан, у озиқ-овқат излаш илмини жуда ҳам пухта эгаллаши үнчалик шарт эмас. Овқат излаш — фақат күчага күнигиш учун яхши имкониятдир. Яшик-одам сифатида вақтни тиқилинч, гавжум күчаларда ўтказиш учун, даставвал күчага күнигиш керак. Яшик-одам күникма ҳосил қилганидан кейин, у қаерда бўлишидан қатъий назар, вақт унинг теварагида мужассам давра расмиин чиза бошлайди. Ҳамма узоқдагилар зудлик билан яқин келади, яқиндагилар эса — деярли силжимайдилар, марказдагилар эса — умуман қотиб туради, демак, вақт зерикарли даражада бир хил оқмайди. Яшикда кун кечириш кимгаки чидаб бўлмас даражада зерикарли экан — у ҳали ҳақиқий яшик-одам эмаслиги аниқ.

Мана энди ўйлаб кўр. Ким яшик-одам бўлмаган экан? Хуллас, яшик-одам бўлиш кимнинг қўлидан келмабди?

## Д.ГА НИМА БЎЛДИ

Д. деган ўсмир зўр бўлишни орзу қиласди. Зўр бўлиш учун ҳамма царсага тайёр эди. Бироқ бунга қандай эришиш йўлини аниқ тасаввур этолмасди. Ажойиб кунларнинг бирида миясига бир фикр келди — кўзгу, қалин қофоз ва фанердан перископга ўхшаш алланима ясамоқчи бўлди. Қувуракнинг юқориги ва пастки учларига кўзгучаларни қирқ беш градус бурчак остида қия ўриатди ва ана шу қиялик ёрдамида, шартли қилиб айтганда, кўзниңг кўриш ҳолатини икки четга, қувуракнинг узунаси бўйлаб юқори ва пастга аралаштириб юбора олди. Кўзгучаларнинг юқориги учига қалин қофоздан ошиқ-мошиқ ўрнатди, чилвир бойлади ва истаган пайтда уларнинг эгилиш бурчагини ўзгартириш имкони туғилди.

У ўз асбобини биринчи марта кўп қаватли қўшни уй тахтадевори билан омборхона ўртасидаги жинкўчада синаб кўрмоқчи бўлди. У бу жойни кичкиналик пайтлари, бекинмачоқ ўйнаб юрган кезларидан бери яхши биларди, бу кўчадан ҳам, ҳатто уйларнинг деразасидан

ҳам кўринмайдиган тор, хилват жой эди. У чўнқайиб ўтириди — димоfigа зах тупроқ иси аралаш каламуш ҳиди урилди. Тирсагини тиззасига тираб, перископини кўзига тўғрилади. Юқориги учини тахтадевор устига қўйди. Кўча тепалик ёқалаб тикка кетган, шунинг учун ҳатто новча йўловчилар ҳам тахтадевор орқасидан нима бўлаётганини кўра олмайдилар. Бундан ташқари, тик йўлда улар ўзларини ноўнфай сезадилар, шундай экан, ким ҳам оёғининг остини қўйиб, юқорига қарап эди. Ҳаяжонини босишига ҳаракат қиларкан, Д. ўзига шундай таскин берди, аммо кўча кўзгуда ҳақиқатдан ҳам шундоқ кўз олдида акс этганида, у дабдурустдан шошиб қолди. Назарида, бутун манзара унга айситувчи назар билан тикилаётгандек бўлди. У беихтиёр ўзини орқага ташлади. Перископининг уни тахтадеворга урилиб, худди бирор пишган мандаринни босиб олгандек чирт этиб узилиб тушди. Д. қора терга ботиб, уни елимшак боғич ёрдамида қайта тузатишга киришдай.

Кейинги сафар у кўзгудан тўппа-тўғри ўзига қараб ўрмалаб келаётган манзарага иложи борича дадилроқ туриб қаршилик кўрсанади, ўзини зўрлаб, кузатишни давом эттириди. Ана шу босимга таслим бўлмай, собиг турат олганидан сўнг ҳаяжони анча пасайди. Ўзига қадаластгани нигоҳлардан қўрқишининг ҳеч кераги йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бутунлай кўнгли жойига тушди, аста-секин хижолатпазлик ҳам йўқолди, манзара эса шундоқ кўз ўнгига турлана бошлади. У ўзи билан манзара, ўзи билан одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарганини яққол тушуниб етди. У перископини ясаётган пайти кўзда тутган асосий мақсадига унча-мунча эришган эди.

У ўзи учун айтарли бирор янгилик кашф этгани йўқ. Сокин ва айни пайтда катта куч билан манзаранинг ич-ичига ёғилиб турган нур уни бутун майда-чўйдаларигача ёритиб юборган, гўё ҳамма нарса беҳад майин, мулойим бўлиб туюлади. Уткинчиларнинг юзларидаги, уларнинг қадди-қоматларидаги душманлик ҳиссини туйишга мажбур этувчи ҳамма ифодалар тамомила униб кетган эди. Бирорта ҳам айситувчи, ёмон назар қолмаган. Гўёки бетон ётқизилган тошйўл, тахтадеворлар, телеграф симёочлари, йўл белгилари, ҳар хил дўнглик ва ўйдим-чуқурлардан ташкил топган манзаранинг бўртиб чиққаи ўтқир бурчаклари қирқиб ташланган. Гўёки бутун олам шанбаолди тунининг узоқдан узоқ сукунатига ғарқ бўлган. Кўзгу ёрдамида у кўчаларни завқ билан томоша қилди. Унинг завқига

құчалар ҳам табассум билап жавоб қайтарди. Сен унға қараб турған лаҳзада, ҳа, ҳеч бўлмаса шу лаҳзада дунё гўзал. У ўз тасаввурнида ана шу олам билан тинчлик шартномасини тузди.

Д. ўз кузатишларидан завқланиб, яна ҳам дадил бўлиб, гоҳ нари, гоҳ бери сурилиб, бутун кўчани томоша қила бошлади. Бунинг учун кўча унга таъна қилмади. Перископ орқали қараганда, олам беҳад олижаноб эди. Бир маҳал ғоят ҳаяжонланиб, кичкинагина бир қалтис ишга қўл урмоқчи бўлди. Мўралаб, қўшни уй ҳожатхонасида нима бўлаётганини кўришга қарор қилди. Сал ҳолироқ жойда турған бу қўшимча-уйда жисмоний тарбия муаллимаси яшар эди. Балки у бу сарда яшамас, шунчаки пианино чалган пайтларида ҳеч кимга халақит бермаслик учун бу уйдан бир бироқ жой сифатида фойдаланаар. Бироқ Д. у пайтда буларнинг бирортасини ҳам билмасди, билишга унчалик ҳаракат ҳам қилиб кўрмаган эди.

Аммо ҳалиги қалтис иш ҳаёлига келганида, бунга у кутилмаганда худди илгаритдан ўйлаб қўйилган ишдек қаради. Ҳатто унинг бутун ҳаракатлари ана шу қалтис ишга тайёргарлик кўришга қаратилгандек туюла бошлади. Қўшимча уй тахтадевордан анча нарида, қарийб Д. нинг даҳлиздан тўсив берилган кичкинагина машғулот хонасига тақалиб турар эди. Шунинг учун ҳожатхонада туширилган сувнинг шовқини девори овоз ўтказмайдиган хонадаги пианино товушига қараганда бирмунча яқиндан ва аниқроқ эшитилар эди. Тўғрисини айтганда, пианино ва туширилган сув шовқини ҳеч қачон бир пайтда эшитилмас эди. Аммо бунда гўё аллақандай бир яширин маъно бордек, муаллима ўз машқининг охирида чаладиган ғамгии, мафтункор куй ва оппоқ чинни идиш ичида гирдоб ҳавоси билан қўришиб кетадиган шовқини Д. нинг миясига сингиб қолган эди. Қўшни ҳожатхонада бирор борлигини пайкаши билан худди буғ ютгандек ичи ўртанаар, одатдаги куй унда одатдаги ҳаяжонни уйғотар эди.

Янгишмаса, ахлат-пахлат — супуриб ташлаш учун ҳожатхона поли билан баравар қилиб қўйилган кичкинагина эшикча бор — бир пайтлар тасодифан кўзи тушган эди. Агар ана шу эшикчани очиш имкони бўлса — масала ҳал, агар очиш иложи бўлмаса, у ҳолда, елпарракка мўлжалланган шифтдаги туйнукдан мўралашга тўғри келади — бошқа илож йўқ. Ундан қараш қийин, чунки, елпаррак олиб ташлангандан сўнг (халақит берган бўлса керак), туйнукка ҳар хил ҳашаротлар кир-

маслиги учун симтўр тутилган. Д. қандай қилиб мўралаб қарашини ўзича тасаввур этиб кўрдию, кўзлари ҳирсдан ёна бошлади.

Олдинги кузатишлар бўйича, муаллима машқини икки марта тўхтатади — тахминан соат бешда ва саккизда. Шундан сўнг ҳожатхонага боради — кўпинча соат саккизда. Бу вақт унга жуда ноқулай эди. Бу пайтда одатда ота-онаси уйда бўлади, уларга билдирилмасдан ҳовлига чиқиш қийин. Агар соат бешда бўлса, бошқа гап эди: бу пайтда ҳали отаси хизматдан қайтмайди, онаси ҳам кечки овқатга у-бу олиб келиш учун кўчага чиқиб кетади. Айни қатъий ҳаракат қиласидиган вақт. Тўғри, бу пайтда ҳали ёруғ бўлади, муаллиманинг кўриб қолиш хавфи ҳам бор, бироқ перископ уйи ана шу ноқулайликлардан қутқазади. Кўчани кузатавериб, перископдан фойдаланишининг роса ҳадисини олган. Мақсадини амалга ошириш ва муаллимани пойлаб кўриш истаги ундаги ланжликни камалакнинг ҳамма рангига бўяди.

Ўша куни Д. мактабдан қайтгач, онасини соат бешгача уйдан чиқармай туриш учун ҳеч ақлга сиғмайдиган хархашаларни ўйлаб топди. Тахминан соат тўртдан қирқ минут ўтганда машқ тугади ва энди ҳадемай ҳалиги «наво» бошланиши керак эди — ана шунда у, ниҳоят, онасига жавоб берди. Ўзи эса перископини қўлтиғига қисганча тумшуғи йиртилган брезент спорт туфлисини кийди-да, яшириқча сирғалиб ҳовлига ўтди. Тусмоли чатоқ чиқди, тахтадеворнинг бу томонидан кўриш учун ҳатто перископ ҳам ожизлик қилди. Илож қанча, қўлидан нима ҳам келарди, бунинг устига, агар тахтадеворнинг бу томонидан пойлаб қарайдиган бўлса, қўлга тушиб қолиши ҳам осон. Тахтадевордан ошиб ўтиш керак,— деб ўйлади у,— у ёқда, балки бирор пайқамаслиги ҳам мумкин. Модомики, у мўралаб кўраётганини муаллимага билдиримоқчи эмас экан... ҳатто агар муаллима ўзини кимdir пойлаб кўраётганини сезиб қолса ҳам, бу худди унинг сезиб қолганини билмагандек ўзини гўлликка солиб тураверади... пойлаб кўраётган ўзи билан пойлаб кўрилаётган муаллима ўртасида аллақандай яқинлик пайдо бўлади, деб ғира-шира умид қилар эди у. Айтилмаган, сирли муҳаббат изҳори — яъни пойлаб кўриш учун қандай жазо берилниши ҳатто унинг хаёлига ҳам келмасди.

У тахтадевор тагидан эмаклаб нариги томонга ўтди. Бу ер ўзининг ҳовлисига қараганда ҳам анча заҳроқ эди. Тахтадевор билан уй оралиги ярим метрча ҳам

келмасди, бирор бу ерга адашиб ҳам кириб қолмасди шекилли, у ерии қалин кумушранг йўсин қоплаб ётарди. У ёнбош бўлиб тахтадевор билан ҳожатхона ораглиғидаги тор ёриққа кирди. Иши ўнгидан келди. Ҳожатхона полидаги эшикча беш сантимётрча қия очик эди. Табиийки, перископни ётиқ ҳолатда ушлаш керак. Нафаси тиқилди, кўкраги сиқилди. Тахтадеворга суюнганча кўзини юмди. Ниҳоят нафасини ростлаб олгач, қулай жой топиб, перископини ўрнаштириди. Биринчи бўлиб у кўрган нарса — чинни тувак эди. Тувак у фараз қилганидек оқ эмас, балки оч зангори тусда эди. Полга оқ гиламча тўшалган, устида кумушранг сандал турарди. У кўзгулар ҳолатини ҳар қанча ўзгартирмасин, манзара фақат ўнгга, чапга суриларди-ю, керакли нарса эса ҳеч кўзга чалинмасди. Эсингни йигиб ол, деди у ўзига ўзи, перископ ётиқ ҳолатда турибди, юқори ва пастни кўриш учун қувуракни айлантириш керак. Девор ёғоч рангига бўялган фанердан қилинган эди.

Назарида, худди вақт ўтмаётгандек туюлди. Музика ҳам бугун жуда чўзилиб кетди. Унинг аъзои бадани ловиллар, нафаси бўғиздан худди сивизғадан чиққандек, отилиб чиқарди. Назарида, бош чаноғи очилгандек, ичидан эса худди шишанинг оғзидан отилган пўкакдек, кўзлари ўйноқлаб чиққангага ўхшарди. Ҳадемай онаси келади. Пианинонинг тантанавор садолари тиззаларини худди асабий одамларикидек қалтиратиб юборди. У уйга отилиб кириб, пианинони парча-парча қилиб ташлашдан ўзини зўрға тийиб турарди.

Бироқ куй охирлаб қолган эди. Якунловчи таниш аккордлар... мана, охиргиси... Д. ўзига ўзи тасалли берарди: у қадар катта умид қўлмаслик керак, биринчи мартадаёқ ҳамма нарсага эришаман, деб ишониш ўтакетган сурбетлик бўлади. Аммо умид қўлмаслик ҳам яҳши эмас. Д. қалтираб кетди. Ҳаво етишмаганидан зўрға-зўрға нафас оларди. Оғзини каппа-каппа очганда ҳавони худди насосдек сўриб тортарди.

Дабдурустдан қулоқлари тагида овоз жаранглади:

— Ким у? Нима қиляпсан бу ерда? Менга қара, қочишни хаслингга ҳам келтирма. Қочсанг, ҳаммага айтиб бераман.

Қисилиб ётган Д. қаддини сал кўтарди. Тарвузи қўлтиғидан тушган эди. Ҳатто бошини буриб, овоз қаердан келаётганини билишга ҳам мадори етмади. У зўрға нафас олар, тобора ичига тушиб бораётгай нафаси тутаётган ингичка чўп учидаги чўғдан ҳавога

сочилиб қолаётган ва йўл-йўлакай сўнаётган учқунларни эслатар эди.

— Юзингни менга ўгириб, зинапоядан уйга кир.— Унинг овозида таҳдид солувчи эмас, аксинча, қутқазувчи оҳанг бор эди.— Қани, тур тезроқ...— Овоз чамаси ҳожатхонадан келаётган эди. Аммо ҳеч ким кўринмасди. Муаллима мени қаердан, қандай қилиб кўрятти?— Анави ғалати асбобингни ҳам эсади чиқарма. Зинапояга бор. Эшик очиқ.— У ҳожатхонага ҳали, кеинироқ борадими ёки ҳозир ўша ерда ўтирибдими? Перископ ёмон созланган экан.— Нима қилмоқчи бўлганингни кўриб турибман. Қочсанг — ёмон бўлади. Тайсаллама, зинапояга бор...

Унинг бўйсунишдан бошқа иложи қолмади. Чиндан ҳам, фараз қилайлик, у қочди, лекин бундан нима фойда чиқади. Агар қочсанг — ёмон бўлади, деган огоҳлантиришни, қочмасанг мактабга ҳам, ота-онангга ҳам айтмайман, деган маънода тушунилса, қандай жазо кутаётган бўлмасин, уни шу ерда олақолгани маъқул. Д. худди қопга тиқилган чўчқа боласидек итоаткорлик билан энди кераксиз бўлиб қолган перископини бағрига босганча уйни айланаб ўтиб, подъездга қараб йўл олди. Илгари юмшоқ жонли жисмга ўхшаб кўришган эшик энди бетон сатҳга айланди.

Шундоқ эшикни очса — пианиноли каттакон хона. Пианинони қурт шунчалик еган эдики, кўзи тушган заҳоти бадани қичиша бошлади. Полга яшил гилам тўшалган. У ичкарига кириб эшикни ёпиши билан хона тўридаги эшик очилиб муаллима кириб келди. У билан кетма-кет сув шовқини ҳам отилиб кирди. Афтидан, у тўлпта-тўғри ҳожатхонадан чиқиб келган эди. Қуйилаётган сув шовқини унинг хаёлида муаллиманинг тувак устидаги турган оппоқ қўймичини жонлантирди. У бошини кўтаролмас эди — ўзини гўё ҳозир чиндан ҳам муалиманинг қўймичини кўриб тургандай ноқулай ҳис этарди.

— Эшикни қулфлайман.

Муаллима унинг ёнидан ўтди — қулфда калит овози эшитилди.

— Уялмайсанми?

— Уяламан.

— Кўриб турибман, овозиг дўриллаб қолган. Нега бундай қилганинг энди менга тушунарли, лекин бу ахлоқсизлик — хунук одат. Биламан, уялиб турибсан, аммо мени ўқитувчиман, баттарроқ уяляпман. Ўзингни уятга қўйганинг етмагандай, мени ҳам уялишга мажбур

қилдинг. Айт, нима қилай сени? Агар ҳозир қўйиб юборсам, бу қилигинингни яна такрорлайсан...

— Бошқа қилмайман..

— Хўш, нима қилай сени?

— Чин сўзим, бошқа қилмайман.

— Яхши... бари бир, мен сени жазолашим керак.

Шундай қиласанки, сен мени қайси аҳволга солган бўлсанг, ўзинг ҳам, тахминан, ўша аҳволга тушасан.

Муаллима пианино ётириди, бармоқлари кла-вишлар бўйлаб чопа кетди. Бу, ўша, ҳалиги куйнинг сўнгги аккордлари эди. Аммо бу, девор орқали эшитган куйдан фарқли ўлароқ, мислсиз даражада тантанавор эди. Назарида, таранг тортилган энли байроқ шамолда қаттиқ ҳилпираётгандек туюлди. Д. қилиғининг нақадар бемаънилигини, ич-ичидан ҳис қилди ва пировардида, кўз ёшини тийиб туролмади.

— Бу куй сенга ёқадими?

— Ёқади.

— Ростдан ёқадими?

— Ростдан. Жуда ҳам.

— Композитори ким, биласанми?

— Иўқ.

— Шопен. Ажойиб буюк Шопен.— Муаллима куттимагандада чалишдан тўхтаб, ўринидан турди. — Энди дарров ечин. Мен чиқиб тураман.

Д. упинг мақсадини ҳадеганда тушунолмади. Муаллима хонадан чиқиб кетганидац кейин ҳам ҳеч балога ақли етмай, анча фурсат серрайиб турди.

— Нима гап? Нега тайсаллайсан?— деган овоз келди эшик ортидан.— Мен қулфнинг бурнидан ҳаммасини жуда яхши кўриб турибман. Агар сен чиндан ҳам қилимишингга пушаймон бўлсанг, бу иши қилишинг керак.

— Қайси ишни?

— Ечинишишинг керак, нима, ҳали ҳам тушумадинги? Сен муаллимангни худди шундай шармандали аҳволга солиб қўйдинг — шундай экан, энди қаршилик қилишга ҳеч қандай ҳаққинг йўқ.

— Кечиринг, илтимос.

— Иўқ. Бор гапни ота-онангга айтиб берсам яхши бўлади, деб ўйлайсанми?

Д. ичор аҳволда қолди. У ўзини гўё қурсоғи пастга ўпирилиб тушаётгандек, ичи бўм-бўш бўлиб қолаётгандек сезди. Гап унга қип-яланғоч бўлиб ечиши ёқмаганида эмасди. Ҳатто унга шундай туюлдики, ана шу

ечинишда улар бир-бирларини тушунишлари мумкин.  
Аммо у ўзида зарур бир журъат тополмади.

Унинг олдида фақат битта йўл бор эди — итоат. У ўз хунуклигидан изза чека-чска, аввал камзулини седи, кейин кўйлагини, кейин.. иштонини туширди ва қипялангоч бўлиб қолди . Аммо муаллиманинг дами ичи-га тушиб кетган эди. Эшик орқасида сукунат ҳоким эди. Тиқ этган товуш, чурқ этган садо йўқ — моддий-лашган сукунат чўнқайғанича ўтирас эди. Муаллиманинг нигоҳи қоп-қора нур бўлиб, унга қулф бурнидан санчилиб турарди. Ҳамма нарса бир хил тусга кирди, Д. нинг кўз олди қоронгилашди. У йифламоқдан бери бўлиб, тиззаларини қисди, бошини кафтлари орасига олди. Лекин кўзида ёш йўқ эди. Ичи, худди тоңг олди-даги қумлоқ соҳилдек бирдан қуп-қуруқ бўлиб қолди.

— Ҳўш, қалай, энди тушундингми? — Эшик орти-даги муаллиманинг овози ифодадан маҳрум эди. Д. бош иргади. Чиндан ҳам у ҳаммасига тушунган эди. У ҳаммасини ўзи бош иргаб маъқуллаганидан ҳам чуқурроқ, ҳатто ўзи тасаввур қилганидан ҳам чуқурроқ тушунган эди.— Энди кетишинг мумкин.

Эшик қия очилиб, полга калит тушди. Ичкари-дан калитсиз ҳам очиш мумкин бўлган эшикнинг ка-лити.

Ниҳоят етиб келсам, клиника эшиклари қулф, бугун қабул йўқлигини билдирувчи тахтаға осиғлиқ эди. Хуфя йўл оғзида ўша ювош ит бўғиқ улийди. Қўн-фироқни чаламан. Қўнфироқ тугмачасидан бармоғимни олмай, сабрсизлик билан босаман. Кимдир келяпти, эшик ланг очилиб, худди келишимни интизорлик билан кутаётгандай, жувон мени уйга бошлаб киради. У алла-нималар деб бидирлаганича уйнинг тўрига йўл олади. Нима деганини тузук эшитолмадим,— чамаси, у мени сохта яшик-одам (ёки сохта врач) билан янглиштириб, унга гапираётган эди. Хатосини қанча эрта тузатсан, шунча яхши. Бир йўталиб олиб, тушунтира бошлайман:

— Мен сэнсэй эмасман. Мен ҳақиқийман. Қайтариб айтаман, ҳақиқий. Кеча кечқурун сени кўприк остида кутган. Собиқ фоторепортёр...

Анграйиб, у менга тезгина бошдан-оёқ кўз югургириб чиқди. Азбаройи ҳайрон бўлганидан юзи қотиб қолди.

— Уялмайсизми? Ваъдангизни нега бажармадин-гиз? Дарров ечинг яшикни. Афтидан, ҳали хабарингиз йўққа ўхшайди, а...

— Хабарим бор. Сен, ҳойнаҳой, сэнсэйни назарда

тутаётган бўлсанг керак. Мен уни ҳозиргина кўчада кўрдим.

— Ечинг, ўтинаман...

— Иложим йўқ, ечолмайман. Жуда шошилиб келдим.

— Бас қилинг. Энди...

— Мен яланғочман. Қип-яланғочман. Соҳилдаги душда ювениб бўлганимдан кейин ички кийимларимни ювиб, уларнинг қуришини кутдим. Яшидан, фақат ўзингни ундан чиқишга обдон тайёрланганингдан кейингина чиқиш мумкин — ё нотўрими? Кейин яшик билан хайр-маъзур қилиб, бу ерга келмоқчи эдим. Сен сўзимда турганимга ишонч ҳосил қилишинг учун. Лекин ухлаб қолибман. Ухлаганда ҳам худди йўл текислайдиган ғалтак машина эзиб ташлагандай донг қотиб ухлабман. Устига устак, қанча ухлаган бўлсан, худди кўзимни юмишга мадорим йўқдай, шунда туш кўрибман, ўзи яқинда уйғондим, шунга қарамай, кўнғилдагидек ухлай олмадим. Бу ҳам майли эди; уйғониб қарасам, ички кийимларим ҳам, шимим ҳам йўқ. Аҳвол чатоқ. Назаримда, эрталабга яқин бир туш кўрувдим, унда болалар бамбук чўпига байроқ қадаб соҳилда чувиллаб юришувди,— афтидан, тушим эмас, ўнгим экан. Энди билсан, улар байроқ эмас, менинг шимимни чўпга илиб югуриб юришган экан. Ҳафсалам пир бўлди. Қаерда бўлса ҳам, қандай қилиб бўлса ҳам, битта шим топиш керак эди. Эски-туски бўлса ҳам гўрга... Шу хаёлда шаҳарга йўл олдим, бирдан — тўғон тугаган жойда,— худди ўзимга ўхшаган яшик-одамни кўриб қолдим... Энди ҳаммаси тугади, деб ўйладим... шим топишга улгуролмайман...

Жувон кутилмаганда кулиб юборди. Икки букилган гавдасини товони учиди зўрға тутиб турганча силкиниб силкиниб кулар эди. Кулгиси бошда ҳақоратомуз, гарразли эди, бироқ бу узоқ чўзилмади, охири қувноқ, беғараз кулгига айланди. Қулги уни хушчақчақ ва олижаноб жувонга айлантириб қўйди.

— Яланғоч бўлсангиз нима қипти, зарари йўқ. Шартнома шартномалигича қолаверади.

— Кечирасан-у, эски-туски шим бўлса ҳам кетаверади менга, балки, вақтинча қарзга бериб турарсан?

— Бўлганича бўлди: сиз учун мен ҳам ечиниб оламан. Ахир, мени суратга туширмоқчи эдингиз-ку. Агар иккаламиз ҳам яланғоч бўлсак, нимадан уяламиз, тўғрими?

— Яланғоч әркакка қараш — даҳшат-ку!

— Янглишасиз,— деб совуққина жавоб қилди у ва  
ечина бошлади. Блузка... юбка... сийнабанд...— Яшик  
ҳам шунчалик жирканч бўладими! Жуда жонимга тег-  
ди — ташламасам бўлмайди.

Жувон олдимда қип-яланғоч турибди. Лабларида —  
сезилар-сезилмас даъват. Аммо қўзларида — маъюс ил-  
тижо. Қип-яланғоч, лекин ҳеч ҳам яланғочга ўхшамай-  
ди. Яланғочлик унга жуда ярашади. Менга эса яраш-  
майди. Хусусан, гавдамнинг яшикдан чиқиб турган  
пастки қисми жуда ҳам кулгили кўринади.

— Балки, барпас кўзингни юмиб турарсан? Е ўги-  
рилиб...

— Жоним билан.

Овозида — кулги. У ўгирилиб, елкасини даҳлиз де-  
ворига бериб тўради. Этигимни ечаётib, аъзои бада-  
нимни майда титроқ қамраб олаётганини ҳис эта-  
ман. Яшикдан секин чиқаман-да, оёқ учида юриб ке-  
либ, орқасидан елкаси аралаш аста қучоқлайман. У  
қаршилик кўрсатмайди, мен эса ўртамизни ажратиб  
турган масофани қисқартира-қисқартира, ўзимни ўзим  
бир умр масофа сақлашим шарт, деб қатъий ишон-  
тираман.

— Лоп этиб сэнсэй қайтиб келиб қолса, нима бў-  
лади?..

— Қайтишидан қайтмаслиги аниқ. Нияти ҳам йўқ...

— Сочларинг нақадар хушбўй экан...

— Ҳурпайган...

— Тан оламан. Мен ҳақиқий эмас эдим.

— Жим бўл.

— Ёзувлар эса — ҳақиқий. Ҳақиқий яшик-одам ўл-  
гандан кейин қўлимга тушиб қолган.

— Терлаб кетяпман...

(Улимолди ёзувлардаги ҳамма гаплар — чин  
ҳақиқат эканлигидан, улар чинакам фактлар  
эканлигидан огоҳ этиб қўйишим шартми?  
Улаётган одам ҳамиша ўзидан кейин қолаёт-  
ганларга аллақандай ҳасад қиласди, кек сақ-  
лайди. Улар орасида «ҳақиқат» деб атал-  
ган сохта тилхатга қон-қонига сингиб кетган  
ўқинч билан қаровчи умидсизлар албатта то-  
пилади,— улар ҳаттоқи тобут қопқоғини ҳам  
«ёлғон» михи билан қоқишга ҳаракат қила-  
дилар. Фақат уларни одатдаги ўлимолди  
ёзувлари деб қабул қилиш ярамайди.)

**ЯШИК-ОДАМ ҲАМ ТУШИДА ЯШИГИНИ  
ЕЧАДИ. У ЯШИҚДА ЯШАЙ  
БОШЛАГАНИГА ҚАДАР ҚЕЧИРГАН  
ҲАЁТИНИ ТУШ ҚУРАДИМИ ЕКИ  
ЯШИҚДАН ВОЗ ҚЕЧГАНИДАН  
КЕЙИНГИ ҲАЁТИНИ ТУШ ҚУРАДИМИ?..**

Мен бораётган уй шаҳардан чиқаверишдаги тепаликда жойлашган эди. От аравада узоқдан-узоқ йўл босиб, ниҳоят, уйнинг дарвозасига етиб келдим. Йўлнинг узоқлигига қараб ҳукм чиқарилса, уй шаҳардан чиқаверишда эмас, балки унга кираверишда турар эди.

Аравани шунчаки номига от аравада дейман. Чунки, аслида, уни от эмас, қатлама картондан қилинган яшик кийиб олган одам тортиб борар эди. Агар буни жуда ҳам очиқ қилиб айтадиган бўлсан, бу одам — менинг отам эди. Ёши олтмишдан ошган. Никоҳ маросими пайтида куёв келинни от-аравада олиб кетиши урф бўлган бу шаҳарниң қадимий анъанасини бузишни истамаган отам, гарчи бу бир қадар эски расм бўлишига қарамасдан, от ўрнига ўзини аравага қўшиди. Мени шарманда қилмаслик учун эса қатлама картондан қилинган яшик кийиб олган. Бундан ташқари, унинг, афтидан, келин айнаб қолмасин, деган ташвиши ҳам бор эди.

Турган гапки, агар от-арава ёллашга пулни етганидá, отам, эҳтимол мен учун бу ишни қилмаган ва ўйлайманки, ўзим ҳам ундан буни ўтнимаган бўлар эди. Бироқ от-арава ёллашга қурбим етмагани учунгина тўйдан овоз кечиш ҳам менга ҳаддан ортиқ алам қиласди. Шу боисдан отаминг меҳрибоилигини сунистемол қилишдан ўзга чорам йўқ эди.

Аммо олтмиш яшар отам асло от ўрнини боса олмасди. У аравани ўйдим-чуқур йўлдан тепаликка қараб минг машаққат билан судрарди — у ҳақиқий отнинг ўндан бирича ҳам келмасди. Турган гапки, орқасидан итариб ёрдамлашиб юбориш учун мен аравадан туша олмасдим, арава эса аранг силжир, фидираклар имиллаб айланар эди. Фақат вақт чарх урганча зин-ғиллаб учарди. Устига устак, беаёв тарақа-туроқ силкиниш ҳожат чиқариш эҳтиёжини энг сўнгги мэррасига келтириб қўйган эдик, бир амаллаб манзилга етганимизда, азбаройи зўриққанимдан кўм-кўк бўлиб кўкариб кетган эдим.

Ниҳоят, арава тўхтади.

Отам отни аравага қўшганда бойланадиган чарм таスマни (унинг нима деб аталишини билмайман) яши-

гидан ечиб олди, яшик дарчасидан менга боқиб заиф, ҳорғин жилмайды. Мен зўраки табассум билан жавоб қайтардим-да, имиллаб аравадан тушдим.

Мен от-арава деб атаган бу арава юқ ташишга мүлжалланган эди. Бироқ келинни олиб кетиш учун бунақа аравада келиш-келмаслик ҳақида гап бўлмаган—муҳими, уйланиш, у ёғига мендан қочиб қаёққа ҳам борарди.

Ҳансираб, оёғимни шап-шуп судраб ташлаганча йўл-йўлакай шимимнинг тутмаларини еча-ечса, наридан-бери йўл четига ўтдим-да, кучаниб ичимни бўшатдим ва шундай снгил тортидимки, гўё осмонга парвоз қилгандай, олисдаги мовий тоғлар устида учуб юргандай бўлдим.

— Эй, Шопен, нима қиляпсан?— деб саросима ичда қичқирди отам орқадан. Мен даҳшатли бир эҳтиётсизликка йўл қўйган эдим. Йўл билан қайлиғимнинг уйи ўртасида қалин бутазор бор эди, ана шу бутазор мени бутунлай пана қилиб турганига ишончим комил эди. Бироқ қайлиғимизнинг кутиб туришга сабрлари чидамабди. Афтидан, у узоқдан яқинлашаётган от-араванинг овозини эшитгану мени кутиб олиш учун йўллекага чиқкан. Хижолатдан ўзимни қўйишга жой тополмай, энгашиб, яша ўша ишончли пана деб ўйлаб алданганим буталар орқасига пусинишга ҳаракат қилдим. Кўзларимиз учрашди. У ҳаммасини кўрганига ишончим комил эди. Шоҳ-шабба орасидан йилт этиб оқ кўйлак кўринди, чопиб бораётган оёқларининг енгил шип-шиппи, худди ёғоч болғада ёнгоқ чаққандек, эшикнинг қарс этиб ёпилгани эшитилди... Кейин жимжит бўлиб қолди. Мен умид билан умидсизлик ўртасида тортилган ингичка арқондан қийнала-қийнала, у ёқдан-бу ёққа чайқала-чайқала минг машаққат билан осилиб ўта бошлаган ва узатилган қўлим муқаддас соҳилга етай-етай деб қолган,— умид соҳилига мана ҳозир оёқ қўяман, деб турган бир лаҳзада,— буни қарангки, арқон болта билан чопилган бўлиб чиқди. Баҳридан ўтсаммикан, йўқ, баҳридан ўтиш- ақлга сиғмайди.

— Ота, сен унга васийсан, ўтинаамаи, бир иложини қил.

Упкам тўлиб кетади. Бовул қила турниб, ҳўиграйман. Очсариқ пешоб тупроқни ўйганча чулдираб қуйилади.

— Йўқ, Шопен, баҳридан ўтишга тўғри келади,— деб мени кўндиришга уринади отам маъюс ҳолда, туйпукдан чиқариб турган қўллари билан яшикни чертар-

кан.— Үтинаман, қайсарлик қилма. Замонавий ёш қиз ҳеч қачон экгибиционистга тегмайды.

— Ахир, мен ҳеч қандай экгибиционист эмасман.

— Аммо қиз бемалол шундай деб ўйлаши мумкин, қўлингдан нима ҳам келарди. Ахир у ҳаммасини кўрди.

— Нима бўлса ҳам уйланишим керак.

— Ҳеч бўлмаса сени деб ўзини от ўрнига қўйган отангнинг меҳрибонлигини ҳурмат қил, эркак бўл. Үтинаман. Ҳали ҳам бахтпиг бор экан, буни ундан бошқа ҳеч ким кўрмади. Қелажакда, Шопен, сенинг таржимаи ҳолинг юзлаб жилларда ёзилган вақтда, бу жанжалли воқеани бирор билиб қолмаслигини истардим. Таржиман ҳолингдан, сенинг бутун тақдиринг бемаврид бовул қилганинг туфайли ўзгариб кетган, деган маъно келиб чиқса — чатоқ. Тўғри эмасми? Сен ахир ҳеч қандай уятли иш қилганинг йўқ-ку. Ҳамма айб экгибиционистлар ҳақидаги тушунчанинг нотўғрилигида ва жамоат ҳожатхоналари қурилишига бармоқ орасидан қараб муносабатда бўладиган шаҳар ҳокимиятининг ношудлигига. Бўлар иш бўлди, кетдик. Бизни бу шаҳарга боғлаб турган ҳеч нарсамиз йўқ. Энди бошқа, жамоат ҳожатхоналари бўлгац қатта шаҳарга жўнаймиз. Жамоат ҳожатхоналари бўлса, хоҳлаган пайтда ҳожат чиқаравериш мумкин, каттасини ҳам, кичигини ҳам...

Мен катта шаҳар юрагимдаги ярани тузатиб юборишига ишонмас эдим. Ҳаммаси рост, аммо отам нима учундир мени Шопен дейди. Ярадор битта мен эмасманку, деб ўйладим ва ортиқ отамнинг ғашига тегмасликка қарор қилдим. Ҳуллас, отамнинг, бу шаҳарда қолишимиздан фойда йўқ, деган фикрига мен ҳам қўшилдим. Одам бовул қилаётган пайтида нақадар ожиз,— бу фикр мени даҳшатли даражада безовта қилди.

От-аравани ташладик. Бироқ яшикни ташлашдан отам қатъий бош тортиди. Модомики, бу ишда айбнинг ярми унинг бўйнига ҳам тущар экан, у ота сифатида яна илгаригидек от вазифасини бажариш кераклигига зўр бериб мени ишонтирди. Шундай қилиб, мен отамнинг яшигига минганча кўп йиллар яшаган шаҳримни ташлаб кетдим.

Катта шаҳарга келгач, биз дарҳол пианиноси бор бир болохонани ижарага олдик ва бахтимиз кулиб боқишини кутиб ётавердик. Андишага бориб ўтирмаи, ўзимни гўё бир айланиб келиб, қизнинг ўйига энди хуфя зошкдан киргандек тасаввур қилдим. Мажруҳ юракка фақат иш таскин бериши мумкин эди, отам менга алла-

Қандай альбом билан перо топиб келди. Пианинодан стол ўрнида фойдаланиб, хотирамга суюнган ҳолда қайлиғимнинг расмини чизишга киришдим. Маҳоратим ошаги сари у портретларидага тобора яланғочланиб бораверганини айтиб ўтиришим керакми?

— Шопен, сен фавқулодда истеъоддисан. Тан оламан. Лекин биласан-ку, пулимиз оз. Расмларингни кичикроқ чизиб, балки қофозни тежаброқ сарфларсан...

Отам ҳақ эди. Албатта, у қофоз ҳажмини кўзда тутмайтган эди. Шунчаки кичкина расмда ўзинг истаган нарсангни ифодалаш осонроқ бўлади. Мен қофозларни борган сари кичрайтириб чизишда давом этавердим. Кичкина бўлгандан кейин расмни ҳам тезроқ чизиб тугатаман, шунинг учун қофозни олдингидан ҳам кўпроқ кетказардим; пировардига қофозни яна ҳам майдароқ бўлакчаларга ажратиб қирқишимга тўғри келди. Оқибат шу даражага келиб етдики, бош бармоқнинг тирноғидек катталиқдаги кичкина тўртбурчак қофозчани тўғионич билан таҳтага маҳкамлаб, заррабин ёрдамида оддий кўз илғай олмайдиган ингичка чизиқлар чиза бошладим. Бутун борлиғимни ана шу ишга багишлаган дақиқаларимда мен қиз билан бирга бўла олардим.

Бир куни ғалати нарсанинг гувоҳи бўлдим. Ҳаммавақт қабр сукунати ҳоким бўладиган болохона кутилмаганда одамларнинг гангир-гунгурига тўлиб кетгандек туюлди. Нима учундир мен буни шу маҳалгача пайқамаган эканман. Одамлар эшикдан то пианиногача навбатда туришар, навбатнинг у ёғи даҳлизнинг энг охиригача чўзилиб борган эди. Навбатда биринчи бўлиб турган киши яшикка пул ташлаб, (яшикда албатта, отам бор эди), мен чизган расмни авайлаб оларди-да, нари кетарди. Бунга унча ҳайрон бўлмадим. Назаримда, бу иш анчадан бери давом этиб келётгандай бўлди. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда овқатимиз анча яхшиланиб қолган, менга стол вазифасини ўтайдиган пианино ўрнида энди яп-янги рояль турар эди. Отамнинг яшиги ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган эди — энди у қатлама картондан эмас, балки ҳақиқий қизил теридан қилинган бўлиб, ялтироқ илгаклари ҳам бор эди. Чамаси, ҳеч шубҳаланмасдан, мен эл орасида шуҳрат қозонаётган эдим. Расмларимни тўппа-тўғри чизиб бўлишим билан сотиб олар эдилар, қанча кўп чизмай, расм сотиб олиш учун навбатда турганлар сони ҳеч камаймас эди.

\* Бироқ мен ўчун энди бунинг аҳамияти йўқ. Йигилган пулларга, чамаси, отам ҳақиқий от сотиб олган эди,

аммо бунинг ҳам менга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ўшандан берир бирор марта отамнинг яшидан чиққанини кўрганим йўқ, ҳатто яшик ичидаги одам ҳақиқатан ҳам отами ё бошқами, деб шубҳаланиб қолдим. Мен чизган расмларда қайлиғим бир маҳаллар қандай бўйса, ўша ҳолича қолган эди, аслида эса у анча қариб кетган бўлиши керак, бу муқаррар,— ахир, орадан қанча йиллар ўтди — ҳасратимнинг сабаби шу. Шу ҳақда ўйлашим билан — ўша кунги ачиқ айрилиғимиз дарров хотира мадда аниқ жонланади ва эндиликда доим намланиб турадиган кўзларимдан дув-дув ёш оқа бошлайди. Отам эса ҳар сафар яшидан қўлини чиқариб, янги ипак дастрўмолча билан кўзларимни артиб қўяди. Чунки, расм шу қадар кичкинаки, унинг дабдаласини чиқариб юбориш учун бир томчи ёш кифоя.

Шунинг учун ҳам эндиликда менинг номимни билмаган бирорта одам йўқ. Илгарилари почта маркасининг дунёда илк ижодкори ва ихтирочиси бўлган Шопен тўғрисида мақола чиқмаган қомусни учратиш амримаҳол эди. Аммо почта ишларининг тараққий этиши ва бу иш давлат ихтиёрига ўтиши муносабати билан менинг номим қалбаки маркачи сифатида машҳур бўлди. Бирор почтада портретимнинг осилиб турмаслигига ҳам, айтидан, сабаб шу. Фақат отам меҳр қўйган яшикининг қизил рангирина ҳозир ҳам у ер-бу ерда почта яшигининг ранги сифатида қабул қилинган.

## ПАРДА КУТАРИЛИШИДАН БЕШ МИНУТ ОЛДИН

«Энди сен билан менинг орамизда қайноқ шамол эсаётir. Куйдирадиган, ҳис уйғотадиган қайноқ шамол туғён кўтармоқда. Тўғрисини айтганда, у қайси лаҳзадан бошлаб эсаётганини билмайман. Ана шу телба ҳарорат ва қулоқларимда ҳуштак чалаётган шамол туфайли мени вақт сезгисини йўқотганга ўхшайман.

Аммо шуни биламанки,— шамолнинг йўналиши эртами-кечми ўзгариши керак. Ажойиб кунларининг бирида унинг ўрнига салқин гарб шамоли эсади. Ана ўшанда бу қайноқ шамол ялангоч бадандан худди хаёлий шарпага ўхшаб учиб кетади, уни ҳатто ҳеч ким эсламайди ҳам. Ҳа, тобора даҳшатли бўла бораётган ҳарорат. Айни мана шу қайноқ шамолнинг ўзида: у ҳозир, мана ҳозир тугайди, деган умид яширин.

Нима учун? Мабодо мендан буни тушунтириб бе-

ришни сўраганларида, балки, қўлимдан келарди. Сен менинг тушунтиришларимга қулоқ соласанми ёки йўқми — муҳими ана шу... Биламан, оламда бир актёр театри деган гап бор, бироқ мен сени зериктириб қўймасмиканман? Қалай?.. гапираверайми?.. ёки...

«Илтимос, фақат кўп чўзма...»

«Кўп чўзма дейсанми, беш минут бўладими?»

«Ҳа, беш минут айни муддао».

«Афтидан, бу ҳар ҳолда, севги. Ўз моҳиятига кўра, охири улкан бир минорага айланмагуича ва совиб, шаклланмагуича аста-секин тобора юксалиб бораверадиган, муҳаббат деб аталган туйғудан аълороқ бир нарса. Агар таъбир жоиз кўрилса, муҳаббат — жавобсиз, деб тушунишдан пайдо бўлган севги... охирдан бошловчи акс ва терс севги. Бир шоир айтган экан: севмоқ — яхши, севилмоқ — ёмон. Жавобсиз муҳаббатдан пайдо бўлган севги ўзидан кейин бирор шарпа ҳам қолдирмайди. Севги гўзалми ёки йўқми — билмайман, аммо, ҳар ҳолда, ундан қолган дардда пушаймон йўқ».

«Нега?»

«Нима нега?»

«Аллақачон тугаган гапни чўзиш нега керак?»

«Ҳеч нарса тугагани йўқ. Ў жавобсиз муҳаббатдан тугилди. Худди ҳозир иссиқ шамол зўрайяди».

«Иссиқ, чунки ёз».

«Йўқ, чамаси, сен тушунадиган аҳволда эмассан. Турган гапки, бу ҳикоя. Айни пайтда ривожланиш жараёнида бўлган ҳикоя. Модомики, сен бу ҳикояни эши-таётган экансан, унда қатнашувчи шахслардан бири бўлишга мажбурсан. Ҳозиргина сенга севги изҳор этишди. Майли, менга кўнгилсиз бўлсин, майли, ўзимни аҳмоқ ҳис қиласай, лекин бари бир, агар менга гариф ролини ижро этиш берилмаса, бу мен учун катта зарба бўлар эди».

«Нега энди?»

«Тугаллаш муҳим эмас. Бир амаллаб ҳозир менинг яланғоч баданимга урилаётган иссиқ шамолни даф этиш керак,— бу факт. Тугаллаш муҳим эмас. Ҳозир эсаётган иссиқ шамол — муҳим. Ухлаётган сўзлар ва туйғулар, худди улардан юқори кучланишли ток ўтказилгандек, лов этиб ёниб, зангори оловга айланди — мана, иссиқ шамол чангалига тушишининг маъноси! Одам қалбини ўз кўзи билан кўра олиши — жуда ноёб ходиса».

«Нодир одам. Агар аёлники шундай қизиқтирса, ўзига мутлақо гард юқтирумаслиги тайин. Аммò бу ерда

ҳаддан ортиқ пухта ўйланган мақсад мұраламаётгандык миқан?»

«Чиндан ҳам, тенг ярми — ҳақиқат. Бироқ агар сен буни тан олмасанғ, иккінчи ярми түғрисида яхшиси оғиз очмайман».

«Гапни чүзгінг келяптими?»

«Турған гап».

«Яна икки минут вақтинг бор».

«Тентаклик қылғапсан».

«Вақтни елга совуриш керак әмас».

«Ха, вақтнің қадрига етиш керак. Бироқ мен вақтни орқага қайтармоқчы әмасман. Менинг сенда мавжудлигим сенинг мендә мавжудлигиндан нақадар өз. Аммо ана шу азобни бартарағ этиш учун мен вақтни шошилмасдан лаңг очишим керак. Агар қызықтириш санъетини бемалол әгаллаб олган бұлсанғ, у ҳолда, баҳт ва тинчликдан бир бурда құлға киритиш учун ҳамиша умид бор. Шу болисдан жағобсиз муҳаббатдан пайдо бұлған бу ноёб иссиқ шамол мен учун жуда муҳим. Сүзларнің ҳайратомуз ўрмона, түйғуларнің ажырылған... Сенинг баданингга салгина тегишиннің ўзи-кофия — вақт түхтаб, мангулик бошланади. Мен бу қийнокли иссиқ шамол гирдобларида ўлим қадар йўқ бўлиб кетмайман, улар менга бошқа шаклга кириш санъетини инъом этадилар...»

## ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ПАРДА ҚУТАРИЛИШИ ОЛДИДАН ЧАЛИНАДИГАН ҚҮНФИРОҚНИ КУТМАСДАН, ДРАМА ТУГАДИ

Мана энди бемалол очиқ-ойдин айтавериш мүмкин. Мен хато қилмадим. Балки мағлубиятга учрагандирман, аммо хато қилмадим. Мағлубият заррача ҳам пушаймон туғдиргани йўқ. Демак, мен азбаройи хотима учун яшамадим.

Кўча эшик тарақлаб ёпилдик.

Жувон кетди. Энди мен хафа ҳам бўлмайман, зарда ҳам қилмайман. Тарақлаб ёпилгай эшик товушида чуқур раҳмдиллик ва ҳамдардлик — садоси янгради. Орамизда жанжал ҳам, душманлик ҳам йўқ эди. Афтидан, у иложи борича намойишкорона юриш билан мангулика сингиб кетишни истамади. Шунинг учун ҳам кўча эшикнинг тарақлаб ёпилишидан хижолат чекди. Яна ўн минутча кутаман, кейин уни михлаб ташлайман. Энди унинг қайтиб келишига умидим йўқ. Мен фақат болға

тovушини эшитмаслиги учун унинг узокроқ кетишини кутаман.

Кўча эшикни михлаганимдан кейин, фақат иккинчи қаватдаги хуфя эшикни тамбалаш қолади. Дераза билан шамолтуйнука фанер ва қатлама картон қоқиб, уларни бекитиб ташлаганимдан кейин, уйга ҳатто қуёш нури ҳам сизиб киролмайди. Бунинг устига ҳозир булутли оқиом. Уй ташқи оламдан бутунлай узилади — унга кирадиган ҳам, чиқадиган ҳам йўл қолмайди. Шундан сўнг мен уни ташлаб кетаман. Ўйдан фақат яшикодамгина чиқа олади. Мен қандай йўл билан ва қаёққа қочишмни ушбу ёзувларим охирида айтиб бермоқчиман.

Ун минут ўтди.

Михлаш учун кўча эшикка келдим. Қоқаётib, чап қўлим бошмалдоғининг терисини шилиб олдим. Қон чиқди, аммо оғриқ тезда ўтиб кетди.

Эслаб кўреам, мен бу уйга келганимдан то у чиқиб кетгунинг қадар ўтган вақт ичидан биз бир оғиз ҳам гаплашмабмиз. Асорат албатта қолди. Гаплашганимизда ҳам бу асорат йўқолиши гумон эди. Сўз ҳали маълум бир мавқега эга бўладиган босқичдан ўтган эдик. Бор гапни тушуниш учун кўз урйштиришимизнинг ўзи кифоя эди. Нигоҳлар сўзлашуви — хароб бўлиш жараёнида вужудга келадиган энг мукаъммал ҳодисалардан бири-дир.

Юзида сесилар-сезилмас ҳаяжон. Балки қариyb нардоз берилмагани учун юзи шундай кўринаётгандир. Аммо бу унинг юзига қалқаётган ифодалар ичидан содир бўлган ўзгаришларнинг фақат бир. қисми, холос — юзида қандай ифода борлигининг менга фарқи йўқ. Муҳими, у кийиниб олган. Айни пайтда эгнида қандай кўйлак борлиги ҳам муҳим эмас. Икки ойга яқин у қип-яланғоч яшади. Мен ҳам қип-яланғоч эдим. Яшикдан бўлак кийимим йўқ эди. Ўйда фақат иккита яланғоч одам бор. Биздан бошқа ҳеч ким йўқ. Клиника номи ва врачнинг исми шарифи ёзилган тахтачалар олиб ташланган, дарвозадаги қизил чироқ ўчирилган эди. Уйга ҳатто янглишиб ҳам бирор кирмасди, шу боисдан қабул қилиш вақтинча тўхтатилгани тўғрисида эълон осишга ҳам ҳожат қолмаган эди.

Мен кунига бир марта яшик кийиб кўчага чиқардим. Кўчада худди кўринмас одамга ўхшаб кезиб юрар, энг зарур нарсалар, биринчи навбатда, озиқ-овқат топниб келтириар эдим. Агар бир магазинга ойида бир мартадан кўп кирмассанг, сени ҳақорат қилишларидан қўрқмассанг

ҳам бўлади. Биз жуда шоҳона яшадик, десам, лоф бўлади, ҳар қалай, муҳтоҷ қолганимиз йўқ. Мен иккала-  
миз шу тарзда бир неча йил яшай олишимизга ишонар-  
дим.

Хуфя эшик зинасидан иккинчи қаватдаги даҳлизга кўтарилгач, яшик билан ботинкамни ечардим, йўлнинг  
кўзи тўрт бўлиб ўтирган жувон эса қип-яланғоч ҳолда югуриб менга пешвоз чиқади. Бу энг ҳаяжонли дақиқа-  
ларимиз бўларди. Титраб-қақшаб бир-биримизга шу қадар маҳкам, шу қадар жисп ёпишиб олардикки, ора-  
мизга қил ҳам сиғмас эди. Луғат бойлигимиз эса ниҳо-  
ятда қашшоқ эди. Жувоннинг боши тахминан менинг  
бурнимга тўғри келар ва мен уни бағримга босганча:  
«Сочларинг нақадар хушбўй», дер эдим, у эса менга  
яна ҳам жиспроқ ёпишиб: «Нақадар лаззатли!», деб  
такрорларди ҳар сафар. Шунинг учун ҳам, ўйлайманки,  
гап сўзда эмас. Сўз, қачонки сизни икки ярим газ айла-  
надаги масофа ажратиб турган бўлса ва унинг ҳам,  
ўзингизнинг ҳам бошқа-бошқа одамлар эканлигинизни  
билиб турган бўлсангиз, ана шундагина самара беради.  
Шунингдек, мен ёнгинамизда, шундоқ зинапоя билан  
ёнима-ён бўлган ўликхона муносабатларимизга соя со-  
ларди, деб ўйламайман. Биз ўликхона ёнидан жимгина  
ўтардик, жимгина ўтиш эса унинг ҳақиқатда йўқлигини  
тан олиш билан баб-баравар.

Кейин биз бир-биримизнинг бағримиздан чиқиб,  
даҳлиз охиридаги ошхонага қараб юрадик. Ҳатто қу-  
чоқлашмаган пайтларимизда ҳам иложи борича доим  
баданларимиз бир-бирига тегиб турнишига ҳаракат қи-  
лар эдик. Масалан, у чиғаноқидиши олдида туриб кар-  
тошка ёки пиёз арчар, мен эса ана шундай пайтларда,  
полга ўтириб олганча унинг оёқларини силар эдим.  
Ошхонамиз полини юпқа пўпанак босиб ётарди. Асосий  
ошхона биринчи қаватда бўлиб, буни эса бир маҳаллар  
клиникада ётган беморларга ажратиб берган эдилар.  
Лекин ундан деярли ҳеч ким фойдаланмас, доим ҳувил-  
лаб ётгани-ётган эди. Биз бир сабабга кўра ана шу  
ошхонадан фойдаланаардик. Даҳлизнинг нариги бетида,  
шундоқ ошхона рўпарасида бўш хона бўлиб, унга овқат  
тайёрлаш вақтида чиқадиган чиқитларни ташлаш қулай  
эди. Сабзвот пўчоқлари ва балиқларнинг калласини  
полиэтилен халтачага солиб қўярдик, аммо каламуш-  
лар ўша заҳоти уларни хомталаш этиб, сканини еб,  
қолганини пол билан битта қилиб сочиб ташлар эдилар.  
Ярим кундан кейин чиқиндилар айнир, ҳар сафар хона  
эшигини очганимиэда, димоққа гуп этиб бадбўй ҳид

урилар әди. Бизга ҳатто ана шу ҳид ҳам халақит бермасди. Аввало, шунинг учунки, бошқа одам терисининг тегиб туриши сендаги ҳид билиш қобилятини тамоми-ла бошқача қилиб юборади. Бундан ташқари, биз, афтидан, нодонлик билан бу сассиқ ҳид ёнгинамизда ўлик-хона борлигини ўйламасликка имкон берувчи қулай шароит вужудга келтиради, деган хаёлда әдик. Биз некбинлик билан, бутун хонани чиқитларга тўлдириш учун камида ярим йил керак, деб тахмин қилардик.

Бироқ биз чиндан ҳам шундай некбинмидик? Назаримда, биз аввал-бошданоқ ҳар қандай умиддан воз кечган әдик. Эҳтирос — руҳланишга, гайратланишга ундовчи сабаб. Бизда енгиб бўлмас даражада руҳланиш истаги бор әди. Биз ана шу руҳланиш узилиб қолишидан қўрқардик, биз мавжуд олам ҳеч тугамаслигини истармидик, мен ҳатто шунга ҳам шубҳаланмайман. Биз чиқиндилар бутун хонани тўлдириб юборадиган вақтга, ярим йилдек ана шу чексиз узоқликка назар ташлаш ҳуқуқига эга эмас әдик. Эртадан-кечгача бир-биrimизга тўхтовсиз тегиб туришга интилардик. Икки ярим газ айланадаги доирадан камдан-кам четга чиқардик. Одатда бизнинг ўртамизда бўладиган масофа шу қадар яқин әдики, бир-биrimизни қарийб кўра олмасдик, аммо бунда ҳеч қандай ноқулайлик ҳам сезмас әдик. Биз алоҳида-алоҳида қисмларни ўз тасаввуримизда бир бутун ҳолда кўришга ўрганиб қолган әдик — бир-биrimизни фақат шундай кўра олардик ва бу бизга улкан озодлик туйғусини баҳш этарди. Унинг кўзларидан мен майда-майда бўлакларга ажралган әдим. Ел-камга онд мулоҳазасидан бўлак, менинг умумий қиёфам тўғрисида, бу унга ёқиши-ёқмаслигидан қатъий назар, бир оғиз фикр билдириган эмас. уни, афтидан, бу нарсалар унчалик қизиқтирумасди. Шундай қилиб, сўзлар ҳар қандай маъносини йўқота бошлади. Вақт ҳам тўхтаб қолган әди. Уч ҳафтаю уч кун ҳаммаси жойида бўлди. Аммо ёнгин қанча узоқ чўзилмасин, агар у тугайдиган бўлса, бир лаҳзада тугайди-қолади.

Шу боисдан, бугун унинг яланғоч ҳолда югуриб пешвоз чиқиш ўрнига кийиниб олганча менга жимгина қараб турганини кўрганимда, аллақандай бошқача бўлиб довдираб қолмадим, фақат яна ўша ўзимнинг эски, ғамгин ҳаётимга қайтишимга тўғри келар экан-да, деган фикрдан маъюс тортдим. Яланғочлигим энди беҳад аянчли кўриниб кетди. Худди орқамдан бирор қуваётгандек, яшигимга кириб олдим-да, қимир этмай, унинг кетишини кута бошладим: шундан бошқа иложим қол-

маган әди. У хұмрайғанча атрофга назар ташлади, бироқ үзини мени күрмәтганды солди. Бу қилиғи билан гүё бадбүй ҳид қаердан келәтганини аниқламақчи әди. Кейин охиста үгірилиб, үз хонасига қайтиб кетди. Мен ҳам оёқ учида собиқ муолажа, хонасига қараб юрдим. Агар у истаса, яна ҳаммасини бошқатдан бошлаш мүмкін. Истаганча янгитдан бошлайвериш мүмкін. Қулғимни динг қилиб, уннинг нима қилаётганини билмоқчи бўлдим. Қилт этган ҳаракат йўқ. Эҳтимолдан холи эмаски, у менинг янгитдан бошлаш ҳақидаги таклифимни кутаётгани бўлиши ҳам мүмкін. Бироқ неча марта янгитдан бошлама, бари бир, ҳар сафар, яна ўша жой, яна ўша вақт қайтиб келади.

Соат рақамлари қирилиб кетган.

Энг кўп қирилгани —

8 рақами.

Бир кунда икки бор унга албатта  
Боқадилар қўтирил кўз билан,  
Шу боисдан у қирилиб кетган.

Уннинг қаршисида

2 рақами.

Тун маҳали юмилган кўзлар  
Унга боқмай, ҳатлаб ўтади,  
Шуннинг учун кам қирилган у.  
Агар рақамлари қирилиб кетган  
Соат таққан одам бор бўлса,  
Билингки, у, демак, соатнинг  
Бир айланиб келган милича  
Кеч бошлаган ўз ҳаётини.  
Шуннинг учун дунё ҳамиша  
Олдин юрар ундан, соатнинг  
Бир айланиб келган милича.  
Назаридан, ўзи кўриб тургани  
Ҳали бошланмаган дунё.

Хаёлий вақт.

Миллар тик турибди рақамлар узра,  
Парда кўтарилиш олдиндан  
Чалингувчи қўнғироқни кутмасдан  
Драма тугади.

Энди — охирги дангал ҳикоя. Мен әшиятган товуш ҳақиқатан ҳам жувон кириб кетган хонанинг әшигидан чиққан әди. Мен кўча эшик овозини әшитишим мүмкін эмасди. Бу эшик аввал-бошданоқ михлаб ташланған әди. Уни маҳкамлаб михлаш учун озмунча қуч сарфла-

маганман. Демак, жувон кета олмаган. Хуфя эшикни ҳам тамбалаб ташлаган эдим. Қисқаси, энді у үйда бир умр қамалиб қолди. Бизни фақат анати лаънати блузка билан юбка ажратиб туради, холос. Шуниси ҳам борки, чироқни ўчирсам — бўлди: кийимнинг қиммати ўша заҳоти йўқолади. Унинг кўзга кўринмаслиги — яланғочликка баравар. У менга кийимда қараб турса тоқатим тоқ бўлади. Қоронгидан у нимаю кўр нима. Яна мулойим бўлиб қолади. Мен эса ўзи асли шунингсиз ҳам кўнглим чопмай турган режа — уни бир амаллаб кўр қилиш тўғрисида бош қотириш заруратидан тамомила озод бўламан.

Яшикдан чиқиши ўрнига, яхшиси, бутун дунёни унинг ичига қамайман. Айни ҳозир дунё кўзларини юмиши керак. Мен уни қандай тасаввур қилган бўлсан, худди шундай бўлиб қолади. Бу уйдаги соя пайдо қи́лувчи ва щакл вужудга келтирувчи ҳамма нарса: чўнтақ фонусидан тортиб гугуртгача, шамдан тортиб газли чақмоқтошгача саранжом қилинган.

Бирпас туриб, чироқни ўчирдим. Намойишкорона бўлмаса ҳам, ҳар қалай, анча дадил ҳолда унинг хона-сига кирдим. Турган гапки, яшикни ташлаб, яланғоч ҳолда. Ўзимча кичкинагина хонани тасаввур этиб кирганим учун у ерда рўй берган ақл бовар қилмайдиган ўзгаришни кўриб, дабдурустдан довдираб қолдим. Мен кўрган нарса фараз этганимдан шу қадар фарқ қилар эдик, қўрқувдан ҳам кўра, мени саросима босди. Ҳар доим хона бўлиб келган бўшлиқ аллақандай вокзал олдида турнақатор тизилиб турган магазинларнинг орқа томонидаги жинкўчага айланиб қолган эди. Магазинларнинг рўпарасида, йўлнинг нариги томонида кўчмас мулк: ер-сув, ҳовли-жой билан савдо қи́лувчи идора ва айни пайтда қўл юкларини сақлайдиган хусусий камералар биноси қад ростглаб тураган эди. Бу — атиги бир одам қийинчиллик билан зўрға ўта оладиган торғина жинкўча бўлиб, ҳатто бу жойларни яхши билмайдиган киши ҳам, ландшафтга, жинкўчанинг кўриниши ва жойлашувига қараб, бу ҳақиқатда ҳам, бескат биноларига бориб тақаладиган боши берк кўча эканлигини дарҳол фаҳмлаб олиши қийин эмасди. Бовул қилгиси қистаб қолмаса, бу ёққа бирорнинг ўтиши ҳам гумон.

Йўлни резина ичак ўрами.. темир бўчканни бузиб ясалган пеcъ.. қатлама картондан қилинган яшиклар уюми.. эеки пачоқ автомобиль ва ичига ўтқазилган митти дарахтчалари қуриб қолган бешта гултувак тўсиб ётар эди. Жувон қайси мақсад билан худди шу

ерга келди экан? Агар нияти фақат қатлама картондан қилингандай яшик топиш бўлса, у ҳолда, бу ердан қайси гўрга йўқолиб қолдийкин?

Лаш-лушларни нари-бери сурганча олдинга силжирканман, йўлимни тўсив турган ингичка бетон зинапоячага қоқилиб кетдим. Унча тик эмас, бор-йўғи бешта зинаси бор. Ундан пастга тушдим-у, кўзларимга ишонмадим — зинапояшинг охири каттагина бетон супачага бориб тақалар эди. Бир қарашдаёқ, бу ерда йўл устидан ўтадиган тешик кўприк қурмоқчи бўлганларини билдим, аммо иш ярмига бориб тўхтаб қолган, кўприк эса шу кўйи қурилмай қолиб кетган эди.

Супачага оёқ қўйдим. Кутилмагандан шамол кучайиб, қулоғимга темир йўлдаги тунги иш шовқинини олиб келди. Осмон тўқ қизил тусга кирган — чамаси, булутларга неон рекламаларнинг акси уриб турарди. Яна бир қадам босган эдим, олдимда бўшлиқ ва етти-саккиз газ келадиган темир йўл изи пайдо бўлди. У худди қуш тезагига ўхшаб сув изи қолган бетон деворлар орасида сиқилганча ҳали қуриб битказилмаган иморатнинг темир синчидан осилнб турган кўтарма кранни эслатар эди.

Мен жувонни топишим керак. Бироқ бу ердан бир қадам ҳам илгари силжий олмайман. Афтидан, бу ҳам, хуллас ўша чекланган бўшлиқнинг бир қисми эди. Ҳар ҳолда, у қаерга йўқолди? Ҳавфсираб пастга қарадим, лекин қоронғида ҳеч нарсани кўролмадим. Яна бир қадам қўйсам нима бўларкин? Қизиқ. Балки у ёқда ҳам худди шу аҳвол, мана шу уй ичидан рўй бераётган аҳвоздир.

Ҳа, эсдан чиқиб қолмаслиги учун яна битта муҳим қўшимча. Яшикни тайёрлаш вақтида, унда ўз ёзувларинг учун етарли бўш жой қолдириш — жуда муҳим. Қолдирмасанг ҳам бўш жой ҳамиша старли бўлади. Қашчалик қўп, берилиб ёзма, бари бир, бўш жойни бутунлай тўлдириш насиб қилмайди. Мени ҳамиша бир нарса ҳайратга солади: бўш жойда қанча маъно бўлса, айрим ёзувларда ҳам шунча маъно бўлади. Ҳар ҳолда, исму шариф учун зарур бўшлиқ доим топилади. Агар ишонгинг келмаса, ишонма, менга барি бир.

Яшик кўринишидан жўн, оддий тўртбурчак қути бўлса ҳам, аслида, агар унга ичидан туриб қаралса, у бошни қотириб юборадиган айланма сўқмоқлардан иборат чигал гўшадир. Ҳар қанча типирчилама, яшик — ҳали баданингни қоплаб турган бир қават тери, холос,—

у ўз гўшасида янгидан-янги йўллар бунёд этадики, пи-  
ровард-натижада тамомила чалкашиб кетасан.

Шубҳасизки, жувон ҳам қаердадир, ана шу гўша  
ичида йўқолди. Йўқ, у қочгани йўқ, шунчаки, ҳозир  
мени яшаётган жойни топишга кучи етмаяпти. Мен энди  
буни комил ишонч билан баралла айтишим мумкин.  
Заррача ҳам пушаймон бўлаётганим йўқ. Модомики,  
чувалашган калаванинг учи кўп экан, у ҳолда, калава-  
нинг учи қанча бўлса, ҳақиқат ҳам шунча бўлсин.

«Тез ёрдам» чинқириғи эштилади.

## МУНДАРИЖА

<i>Менга нима бўлди</i>	3
<i>Яшикни тайёрлаш усули</i>	4
<i>A. га нима бўлди</i>	7
<i>Биринчи галда — эҳтиёт чоралари</i>	14
<i>Муқованинг орқа томонига ёпиширилган ашёвий далил — фотосуратларга оид айрим қў- шимчалар</i>	22
<i>Кейин мен бир неча бор уйқуга кетдим</i>	29
<i>Кўзгуда</i>	36
<i>Алоҳида уч ярим варақадаги киритма</i>	48
<i>Ёзаётган мен билан баён қилаётган мен ўртасида- ги гайритабиший мұносабатлар</i>	52
<i>Ёзма гувоҳликлар</i>	89
<i>C. га нима бўлган эди</i>	90
<i>Ёзма гувоҳликлар (давоми)</i>	95
<i>Жаллод — жиноятчи эмас</i>	103
<i>Шу ўринда яна, бу сафар охирги қўшимча</i>	112
<i>D. га нима бўлди</i>	118
<i>Яшик одам ҳам тушида яшигини ечади. У яшикда яшай бошлиганига қадар кечирган ҳаётини туш кўрадими ёки яшикдан воз кечгандан кейинги ҳаётини туш кўрадими!..</i>	128
<i>Парда кўтарилишидан беш минут олдин</i>	132
<i>Шундай қилиб, парда кўтарилиши олдидағы чали- надиган қўнғироқни кутмасдан драма ту- гади</i>	134

На узбекском языке

**КОБО АБЭ**

**ЧЕЛОВЕК-ЯЩИК**

Роман

Перевод с издания издательства «Радуга», Москва, 1982

Редактор Нортхта Қиличев

Рассом А. Кива

Расмилар редактори А. Бобров

Техн. редактор М. Миррағабов.

Корректор С. Турсунқулова.

ИБ № 3440

Босмахонага берилди 25.10.85. Босишга руҳсат этилди 29.04.86.  
Формати 84×108 $\frac{1}{3}$ . Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 7,56. Шартли л. кр.-оттиск. 7,98. Нашр л. 8,1. Тиражи 30000. Зак. № 29. Шартнома № 40—85. Баҳоси 1 с.

Ғафур Гулом иомидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129.  
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
УзССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқа-  
риш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кӯ-  
часи, 44.

## **Қобо Абе**

Ящик — одам: Роман. (Рус тилидан С. Раҳмон тарж.)— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986.— 144 б.

Мана, китобхонларимиз катта сўз санъаткорининг адабиёт оламида ғўзига хос воқеа ҳисобланган ушбу романни ўз она тилларида ўқиш баҳтига муяссар бўлмоқдалар. Асарининг асосий гоёси шахс ва жамият ўртасидаги зиддикини кўрсатиш орқали буржуа жамиятининг инсон шахсига душманлигини бадиий тадқиқ этишдан иборат. Романдаги етакчи гоялардан яна бирор шуки, инсонни ёлгизлик ва маҳдулликдан гўзал ҳаётгина қутқара олиши имумкин.

**Қобо Абе. Человек — ящик: Роман.**